



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 11 » sentabr

№ 462

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикаси кемачилиги соҳасида хавфсизликни таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг кема қатнайдиған ички сув йўлларида, табиий ва сунъий барпо этилган сув ҳавзаларида сузиш хавфсизлигини ва юкларнинг ишончли ташилишини таъминлаш, инсон ҳаётини муҳофаза қилиш ҳамда кемачилик фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Ўзбекистон Республикасининг ички кема йўлларида сузиш қоидалари **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

сув йўллари, табиий ва сунъий барпо этилган сув ҳавзаларида кемаларнинг ҳаракатланиш тартиби;

кемаларнинг жиҳозлари, қурилмалари ва тизимларидан фойдаланишга доир талаблар;

кемалар, таркиблар габаритлари ва сув йўлларининг ҳолатига умумий талаблар;

кемада сузиш хавфсизлигини таъминлаш ва ёрдам кўрсатиш чоралари;

б) Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

кемаларни техник ишлатиш бўйича асосий талаблар;

кемаларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш қоидалари;

кемаларни техник назоратдан ўтказиш ва уларни текшириш тартиби;

кемаларни таъмирлаш ва узоқ муддатга сақлаш учун фойдаланишдан чиқаришга доир талаблар ва шартлар;

в) Дарё транспортда юк ташиш қоидалари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

кемаларда юкларни ташишни ташкил этишга оид талаб ва шартлар;

юк ташишни давлат томонидан назорат қилиш тартиби;

юкларни қабул қилиш, жўнатиш, топшириш, кемаларга юклаш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби;

юк ташиш муносабатлари иштирокчиларининг жавобгарлиги.

2. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **бир ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “II” сентябрдаги 462-сон қарорига  
1-илова

## Ўзбекистон Республикасининг ички кема йўлларида сузиш қоидалари

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Ўзбекистон Республикасининг ички кема йўлларида сузиш қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) Ўзбекистон Республикасининг кема қатнайдиغان сув йўлларида ҳамда табиий ва сунъий барпо этилган сув хавзаларида кемалар ҳаракатланишининг ягона тартибини белгилайди.

2. Қоидаларда қуйидаги асосий тушунча ва атамалардан фойдаланилади:

**айланиб олиш** – кеманинг тескари курсга бурилиб олиши;

**айрилиш** – қарама-қарши ҳаракатланиш ёки ўзиб кетиш даврида кеманинг бошқа кемага нисбатан манёвр қилиб ўтиши;

**давлат назорат органлари мансабдор шахслари** – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг кемаларни, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кичик ҳажмли кемаларни назорат қилиш ваколати берилган мансабдор шахслари;

**елканли кема** – шамол кучининг елканларга таъсири натижасида ҳаракатга келувчи кема. Двигателга эга бўлган елканли кемада двигателдан фойдаланмасдан, елкан ёрдамида ҳаракатланувчи кема;

**кемачилик** – ички кема йўлларида кемалардан фойдаланган ҳолда юк, йўловчи ва багаж, почта жўнатмаларини ташиш, кема ва бошқа сузувчи воситаларни шатакка олиш, қидирув ишларини амалга ошириш, фойдали қазилмаларни қидириш ва қазил, қурилиш, йўл, гидротехник, сув ости техник ишларини бажариш, қутқарув ишлари, сув объектларини муҳофаза қилиш, уларни ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, чўккан мулкни кўтариб олиш, балиқ овлаш, назорат, илмий изланиш, ўқув, спорт, маданий ва бошқа мақсадлар учун тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолият;

**кема** – кемачилик мақсадида фойдаланиладиган, асосий двигателининг қуввати 55 кВт (75 от кучи) ва ундан ортиқ, йўловчи сифими 12 киши ва ундан ортиқ бўлган ўзиюрар, юк кўтариш қобилияти 80 регистр тонна ва ундан ортиқ бўлган ўзиюрмас сузиш воситалари;

**кичик ҳажмли кема** – асосий двигателининг қуввати 55 кВт (75 от кучи) ва йўловчи сифими 12 кишидан ортиқ бўлмаган ўзиюрар кемалар, моторларнинг қуввати ва сонидан қатъи назар, осма моторли кемалар, сув мотоцикллари (гидроцикллар), юк кўтариш қобилияти 80 регистр тоннадан ортиқ бўлмаган ўзиюрмас кемалар (эшкакли қайиқлар ва сув велосипедлари (катамаранлар)),

елканли кемалар, ҳаво босими билан тўлдириладиган ёки шишириладиган моторсиз эшаккли қайиқлар;

**кема гувоҳномаси** – кемага мулк ҳуқуқини белгиловчи ва кемада мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган ҳужжат;

**кема ҳайдовчиси гувоҳномаси** – кема ёки кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**кема юрадиган йўл** – кемаларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган ва жойларда ҳамда (ёки) харитада белгилаб қўйилган ички кема йўллари;

**кема юрадиган йўл чизиғи** – кема юрадиган йўлнинг кенглиги бўйича чегараловчи шартли чизиқ;

**кема юрадиган асосий йўл** – сув ҳавзаларининг кемалар юрадиган бошқа йўллариغا нисбатан асосий ҳисобланган йўл;

**кечув** – одамларни, юкларни, автомашиналарни, ҳайвонларни дарёнинг ёки каналнинг бир қирғоғидан бошқа қирғоғига ўтказиш учун мўлжалланган сузиш воситалари (эшаккли, моторли қайиқлар, паромлар, баржалар, понтонлар, катерлар);

**Кемачилик регистри инспектори** – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг ҳудудий транспорт бошқармаларидаги дарё транспорти бўйича мансабдор шахслар;

**Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг инспектори** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг бошлиғи, катта офицери ва бош мутахассиси, шунингдек, фавқулодда вазиятлар ҳудудий бошқармаларининг бош инспекторлари, Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг мансабдор шахси;

**навигация чироқлари** – кемаларнинг ҳаракатланиш даврида барча ҳаракат қатнашчиларини турли рангдаги нур таратиш орқали бўлиб турган вазият тўғрисида ахборот етказувчи махсус ёритиш чироқлари;

**Регистр қодалари** – кемалардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қуриш даврида техник талаблар белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

**сол** – ёғочлардан, қувурлардан ёки уларни сув бўйича ташиш учун бири-бири билан ўзаро боғланган буюмлардан ташкил этилган сузиш воситаси;

**тезюар кема** – соатига 30 км ва ундан ортиқ тезликка эриша оладиган кема;

**траверз** – кема курсига ёки унинг диаметрал текислигига перпендикуляр бўлган йўналиш. Бирор-бир объектнинг траверзида бўлиш – бу объектга йўналтирилган чизиқда бўлиш ва кема курси билан тўғри бурчак ҳосил қилиш;

**фарватер** – кемаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида навигация жиҳозлари билан махсус белгилаб қўйилган, чуқурлиги ва кенглиги бўйича етарли ўлчамга ҳамда борт усти суви ва бурилиш радиусига эга сув йўли;

**хавфсиз тезлик** – манёвр қилиш ва вазият талабларидан келиб чиқиб, белгиланган масофа чегарасида кемани тўхтатиш имконини бериш учун танланган тезлик;

**хос рақам** – кема реестрига киритилган ва ҳар бир кема учун бериладиган рақам;

**шатакланувчи таркиб** – арқон ёрдамида шатакка олинувчи, шатакка олиш учун банд бўлган шатакловчи кема (кемалар) қўшилган ҳолда бир ёки бир нечта бир-бирига ўзаро боғланган кемалар, соллар, баржалар ва бошқа сузиш воситалари;

**ЭНГ кичик тезлик** – кеманинг мавжуд шароитларда ва вазиятларда бошқаришни сақлайдиган тезликда ҳаракатланиши;

**юқорига ҳаракатланаётган кема** – сув оқимига қарши ҳаракатни амалга ошираётган кема:

дарёларда – этагидан бошига қараб;

сув омборларида – кема юрадиган асосий йўлда ва тўғондан сув қуйилиш жойига қараб, бошқа қўшимча йўлларда – кема юрадиган асосий йўлдан қирғоққа қараб;

канал ва кўлларда – шартли оқимга қарши ҳаракатланаётган кема;

**ўзиюрар кема** – механик қурилма ёрдамида ҳаракатга келтирилувчи кема;

**ўзиюрмас кема** – мустақил ҳаракатланиш учун механик қурилмага эга бўлмаган кема;

**ўтказиб юбориш** – кемалардан бирортаси айрилиш учун тўхташи ёки тезликни энг кичик тезликкача камайтириш ва хавфсиз айрилиш учун турли манёврларни бажариш;

**қуйига ҳаракатланаётган кема** – оқим бўйлаб ҳаракатланаётган кема;

**ҳаракатланиш чизиғи** – кема юрадиган йўлнинг ўқи ва ўнг ёки чап томон чеккаси орасидаги қисми;

**ҳаракатдаги кема** – лангарда турмаган, қирғоққа, причалга боғлаб қўйилмаган ва саёзликка ўтириб қолмаган кема.

3. Ички кема йўлларида ҳаракатланувчи кемалар бошқа ҳаракатланувчи сув транспорти воситаларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги керак.

Тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларнинг навигация белгиларини ва хавфсиз ҳаракатланишни ташкил этишнинг техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаши, ўрнатиши, тўсиб қўйиши ва шикастлантиришига йўл қўйилмайди.

4. Кемаларнинг ва таркибларнинг габаритлари йўл габаритларига мос бўлиши керак. Ушбу талабларни бажармаганлик учун қуйидаги мансабдор шахслар жавобгар ҳисобланадилар:

диспетчер – габарити мос бўлмаган кема ва таркибни қатновга чиқариш тўғрисида берган буйруғи учун;

рейд капитани – таркибга кемаларни нотўғри жойлаштиргани ва габарити мос бўлмаган таркибни шакллантиргани учун;

кема капитани – габарити мос бўлмаган таркибни шатакка қабул қилгани ва қатновга чиққани учун.

5. Кемаларнинг механизмлари, жиҳозлари, қурилмалари, тизимлари ва таъминоти техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бўлиши, техник ҳолати сузишнинг турли шароитларида хавфсиз ишлатилишини таъминлаши, фойдаланиш шартларига мувофиқ малакали ва етарли экипаж билан бутланган бўлиши шарт.

6. Кема реестрига киритилган кемалардан ички кема йўлларида фойдаланишга белгиланган тартибда рухсат этилади.

7. Ички кема йўлларида фақат Ўзбекистон Республикаси байроғи остида сузишга йўл қўйилади.

8. Кемалар сузиш даврида Кемачилик регистри инспектори томонидан берилган сузишга яроқли эканлиги тўғрисида гувоҳнома, классификация гувоҳномаси ва кема журналлари (штатлар жадвали, кема экипажининг рўйхати (кема рўйхати), кемани кўриқдан ўтказиш китоби, вахта журнали, текширувчи шахсларнинг таклиф-тавсия журнали, ёнгин-назорат формуляри ёки формулярни алмаштирувчи бошқа ҳужжат, радиожурнал – агар кемада радиостанция ўрнатилган бўлса, мазкур Қоидалар, кемани хавфсиз бошқариш бўйича йўриқномалар, тревогалар жадвалига (ёнгин, сув, бортдан ташқарида одам) эга бўлиши керак.

## **2-боб. Кемачилик жиҳозлари, навигация чироқлари, кўриш ва товуш сигналлари**

### **1-§. Умумий қоидалар**

9. Кема эгалари қуёш ботишидан чиққунга қадар (тунда) ҳамда кўриниш чекланган вақтда (туман, чанг-тўзон, кучли ёнгингарчилик) навигация чироқларидан фойдаланишлари шарт.

Навигация чироқлари каби қабул қилиниши мумкин бўлган ёки уларнинг кўринишини қийинлаштирадиган, назорат қилишга халақит берадиган бошқа чироқлар ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

10. Навигация белгиларидан қуёш чиққандан ботгунга қадар (кундуз куни) фойдаланилади.

11. Кема таъмирлаш корхоналарининг сув йўлларида ёки тўхтаб туриш жойларида кема юрадиган сув йўллари чегарасидан ташқарида, таъмирга ёки узоқ муддатга тўхтаб турган кемалар, агар улар бошқа кемаларнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаса, белгиланган навигация чироқлари ва белгилари билан жиҳозланмаслиги мумкин.

12. Кичик ҳажмли ва елканли кемалар ўзларининг техник паспортларига мувофиқ белгиланган навигация чироқлари ва белгиларига эга бўлиши шарт.

## 2-§. Навигация чироқлари

13. Ички кема йўлларида сузувчи кемалар қуйидаги навигация чироқларига эга бўлиши шарт:

а) “тепа чироғи” – кеманинг диаметрал текислиги бўйича жойлашган, олд томонидан ўнг ва чап бортлардаги траверзнинг орқасига 22.5 градусгача горизонтни камида 8 км масофада узлуксиз нур билан 225 градус ёритадиган оқ чироқ.

“Тепа чироғи” қуйидагича ўрнатилади:

узунлиги 30 метрдан ортиқ бўлган кемаларда - юқори саҳнадан камида 6 метр баландликда ёки саҳнадаги юклардан 4 метр баландликда;

узунлиги 30 метрдан кам бўлган кемаларда - устқурмадан камида 2 метр баландликда;

“Тепа чироғи” (агар улар бир нечта бўлса, улардан пастдагиси), ҳар қандай ҳолатда ҳам борт чироқларидан камида 1 метр баландликда ва улардан олдин ўрнатилган бўлиши шарт.

Кема кўприклар, ҳаво ўтказгичлар (кувурлар, алоқа ва электр кабеллари) тагидан ўтиш учун тепа чироқлари ўрнатилган мачтани ётқизишга мажбур бўлганда, кема олд қисмида захира “тепа чироғи”ни олиб юриши мумкин.

Агар мачтада бир нечта сигнал чироқлари кўтарилса, унда вертикал бўйича уларнинг ораси 1 метрдан кам бўлмаслиги шарт;

б) “Борт чироқлари” – ўнг бортдаги яшил ва чап бортдаги қизил чироқлар; олд томонидан ҳар қайси бортдаги траверзнинг орқасига 22.5 градусгача горизонтни камида 4 км масофада узлуксиз нур билан 112.5 градус ёритади;

в) “Орқа чироқ” (гак чироғи) – кеманинг орқа қисмига жойлаштирилган, узлуксиз айланма нур билан горизонтни 135 градус ёритувчи, тўғри йўналтирилган ва орқани ҳар қайси борт бўйлаб камида 4 км масофада узлуксиз нур билан ёритувчи оқ чироқ;

г) “Гакаборт чироқлари” (кўндаланг қисми) горизонтни камида 4 км масофада 180 градус узлуксиз айланма нур билан ёритувчи чироқ. Бу чироқлар траверзнинг олдидан кўринмаслиги ва гак чироқларидан камида 0.5 метр пастда, имкон даражада бортларга яқин ўрнатилиши шарт;

д) “Айланма (клотик) чироғи” – горизонтни 360 градусда камида 4 км масофада айланма нур билан ёритадиган чироқ;

е) “Чакнайдиган ёғдули (импульсли ёғду)” – кема траверзидан унинг олдида томон тунда 4 кмдан кам бўлмаган, кундузи 2 кмдан кам бўлмаган масофани 112.5 градусда (диаметрал текисликни 22.5 градус ёпиб) айланма нур билан ёритадиган чакнайдиган оқ чироқ.

Чакнайдиган импульсли ёғду кечаси ҳам, кундузи ҳам қўлланилади, ёки чакнайдиган ёғду кундузи катталиги 0.6 м<sup>2</sup> бўлган тўртбурчак оқ байроқ билан алмаштирилади.

14. Ўзиюрмас кемалар, земснарядлар ва дебаркадерларнинг мачтасидаги навигация чироқлари айланма нур билан камида 4 км масофани 360 градус ёритиб туриши шарт.

15. Навигация чироқлари ва товушли сигналлар қурилмаларининг конструкцияси, техник характеристикаси ва кемаларга жойлаштирилиши техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бўлиши шарт.

### **3-§. Ҳаракатдаги ва тўхтаб турган ўзиюрар якка кемаларнинг навигация чироқлари ва белгилари**

16. Ҳаракатдаги ўзиюрар якка кема қуйидаги навигация чироқлари билан жиҳозланган бўлиши шарт:

олдинги мачтада кўтариладиган оқ тепа чироғи;

борт чироқлари – махсус қалқонлар билан олдинга 1 метр чиқариб ва кеманинг бошқа бортидан бу чироқларнинг бирортасини кўриш мумкин бўлмайдиган қилиб ўрнатилган ўнг бортида яшил, чап бортида қизил чироқлар. Узунлиги 30 метрдан кам бўлган кемалар учун қалқонлар 0.5 метрга қисқартирилиши мумкин.

17. Кеманинг диаметрал текислигида ёки усткурмасига орқа томондан ўрнатиладиган гак оқ чироғи, эни 5 метрдан ортиқ бўлган кемаларнинг орқа томон усткурмалари деворларига иккита оқ гакаборт чироғи ўрнатилиши шарт.

18. 1-класс нефть маҳсулотлари, портлашга хавфли ёки заҳарли воситалар, ёнғинга хавфли маҳсулотлар билан юкланган ўзиюрар кема (куруқ юк ташийдиган ёки танкер) ҳаракат даврида борт, гак, гакаборт ва мачтада вертикал бўйича бир-бирининг тагида жойлашган учта тепа чироғини ёқиб юриши ва уларнинг юқоридагиси оқ, иккита пастдагиси эса қизил бўлиши шарт.

Кундуз куни кемада вертикаль жойлашган, ҳар бирининг катталиги 1 м<sup>2</sup> бўлган иккита тўртбурчак қизил байроқ бўлиши шарт.

19. 2, 3, 4-класс нефть маҳсулотлари юкланган (ёки уларнинг қолдиғи бўлган) юк кемаси ҳаракат даврида борт, гак ва гакаборт чироқларини ва мачтада бир-бирига вертикал ўрнатилган иккита тепа чироқларини ёқиб юради.

Чироқларнинг баланддагиси оқ – пастдагиси қизил бўлиши, кундуз куни бундай кема мачтасида катталиги 1 м<sup>2</sup> бўлган тўртбурчак қизил байроқ бўлиши шарт.

20. Ёнғин ўчирувчи кема ёнғинни ўчириш ёки ҳалокатга учраган кемага ёрдам бериш учун бораётган вақтда унда борт, гак ва гакаборт чироқлари, ундан ташқари мачтада 1 та қизил “тепа чироғи” бўлиши, кундуз куни олдинги мачтасида катталиги 1 м<sup>2</sup> бўлган 1 та тўртбурчак қизил байроқ кўтарилган бўлиши шарт.

Ички кема йўлларида ҳаракатланаётган барча кемалар ёнғин ўчирувчи кеманинг эркин ва тўсқинликсиз ўтиб кетишини таъминлаши шарт.

21. Бир қирғоқдан бошқа қирғоққа кечув ишларини амалга оширувчи ўзиюрар кемалар ҳаракатланиш ва тўхтаб туриш даврида ўзиюрар кемалар каби навигация чироқлари ва белгиларига эга бўлиши шарт.

22. Арқонли кечув паромининг мачтасида ёки устунида 4 метр масофадан горизонт бўйлаб 360 градусда кўриниб турадиган оқ рангли чироқ бўлиши шарт.

Қирғоқнинг икки томонида арқоннинг учига яқин жойда арқоннинг ҳолатини кўрсатиб турувчи оқ ёрқин чироқ ёкиб қўйилган, чироқнинг нурлари ўтиб кетаётган бошқа кемаларни бошқаришга халакит бермаслиги учун чироқлар тепасидан ҳимоя қалпоқлари билан тўсиб қўйилган бўлиши шарт.

Кечув паромига хизмат кўрсатувчи ходимлар доимо кемаларнинг ҳаракатини назорат қилиб туриши ва уларнинг ўтиб кетиши учун йўлни ўз вақтида бўшатиши, қирғоқда тўхтаб турган вақтда эса арқонни сувнинг тубига тушириб қўйиши шарт.

23. Ўзиюрар кемалар тўхтаб туриш вақтида қуйидаги чироқларга эга бўлиши шарт:

узунлиги 30 метр ва эни 5 метрдан ортиқ бўлган юк кемалари - олдинги мачтада горизонт бўйлаб 360 градусда кўринадиган битта оқ клотик чироғи, юриш кўприкчасининг четида юриш томонидан битта 180 градус атрофида кўринадиган оқ чироқ ва гакаборт чироқлари;

узунлиги 30 метр ва эни 5 метрдан кам бўлган юк кемалари тўхтаб турганда, мачтада горизонт бўйлаб 360 градусда кўринадиган битта айланма оқ чироқ;

кундуз куни лангарда тўхтаб турганда – олд қисмининг яхши кўринадиган жойда қора шар.

24. 1-класс нефть маҳсулотлари ҳамда ёнғинга хавфли, портловчи ёки захарли воситалар юкланган ўзиюрар кемаларнинг олдинги мачтасида иккита қизил чироқ, 2, 3 ва 4-класс нефть маҳсулотлари юкланган кемаларда - горизонт бўйлаб 360 градусда кўринадиган битта қизил чироқ ва қўшимча олд устунда фальшбортдан 2 метр баландликда оқ чироқ, юриш кўприкчасининг юриш томонидан битта оқ чироқ ва гакаборт чироқлари, кундуз куни эса тўртбурчак қизил байроқ бўлиши шарт.

25. Саёзликка ўтириб қолган ўзиюрар кема ўзи учун белгиланган тўхтаб туриш чироқларини, бундан ташқари унинг ёнидан бошқа кемаларнинг ўтиш имкони бўлса, сузувчан навигация белгиси баландлигидаги кема қисмида, кема юрадиган йўлга чиқиб турган - айланма оқ чироқ, агар ўтишнинг имкони бўлмаса – 3 та айланма қизил чироқ, кундуз куни – кўринадиган жойга вертикал жойлашган 3 та қора шар ёки шунга ўхшаш буюм ўрнатиши лозим.

26. 1-класс нефть маҳсулотлари юкланган кемаларнинг ёнида навбатчилик қилувчи теплоходларда ҳаракатланиш давридаги каби тепа чироқлари бўлиши шарт.

#### 4-§. Арқонда ва борт ёнида шатакка олиш

27. Бошқа кемани арқонда шатакка олган кемада борт, гак ва гакаборт чироқлари ва ундан ташқари куйидагилар бўлиши шарт:

куруқ юк ташувчи кемаларни шатакка олиш даврида - олдинги мачтада вертикал жойлашган иккита оқ тепа чироғи;

1-класс нефть юклари ҳамда ёнғинга хавфли, портловчи ёки заҳарли воситалар юкланган ўзиюрар кемалар 3 та вертикал жойлашган тепа чироқ - битта оқ ва ундан юқорида иккита қизил чироқ, кундуз куни шатакка олган ва шатакланувчи кеманинг олдинги мачтасида иккитадан вертикал жойлашган, катталиги 1 м<sup>2</sup> бўлган тўртбурчак қизил байроқ бўлиши шарт;

2, 3, 4-класс нефть маҳсулотлари юкланган (ёки уларнинг қолдиғи бўлган) кемаларни шатакка олганда, мачтада иккита вертикал жойлашган тепа чироқлари – битта оқ ва ундан юқорида қизил чироқ, кундуз куни шатакловчи ва шатакка олинувчи кемаларнинг олдинги мачталарида катталиги 1 м<sup>2</sup> бўлган биттадан тўртбурчак қизил байроқ бўлиши шарт.

28. Таркибларни иккита шатакловчи билан шатакка олган кемаларда куйидаги чироқлар бўлиши шарт:

шатакка олган кемалар изма-из (кильватерда) бораётган бўлса, олдингисида мазкур Қоидаларда кўзда тутилган борт, гак ва гакаборт чироқлари ва ундан ташқари мачтада шатакка олинган таркибдаги юкнинг турига қараб тепа чироқлари, шатакланувчи кемада борт чироқларидан ташқари олдинга юраётган кема каби чироқлар ва сигналлар бўлиши, айрилиш ва ўзиб кетиш вақтида ҳеч қандай товушли сигналларни бермаслиги ва байроқчани силтамаслиги шарт.

Олдинда ҳаракатланаётган шатакловчи кеманинг вахта бошлиғи таркиб ҳаракатини бошқариш, кўриш ва товушли сигналларни бериш учун жавобгар ҳисобланади.

Ёрдам кўрсатиш даврида (саёзликдан чиқариб олиш) ҳар бир шатакловчи ўзи учун мумкин бўлган сигнал чироқларини мустақил ёкиб боради.

Таркибни бошқариш учун жавобгар ёрдам кўрсатиш бўйича ишларга раҳбарлик қилаётган шахс ҳисобланади.

29. Бортлари билан ўзаро боғланган кемаларда ички борт чироқларидан ташқари уларнинг ҳар бири учун мумкин бўлган фарқловчи чироқлар ёқилган бўлиши шарт.

Товушли ва ёғдули сигналларни бериш, таркиб ҳаракатини хавфсиз бошқариш учун жавобгарлик шатакка олган кема экипажига юкланади.

30. Шатакка олган кемалардан бирининг борти ёнига боғланган ўзиюрар кеманинг мачтасида битта оқ “тепа чироқ”, юриш кўприкчасининг юрадиган томонининг чекка қисмидан битта оқ чироқ, гак ва гакаборт чироқлари ёқилган бўлиши шарт.

31. Бошқа кемани борти ёнида шатакка олиб бораётган кемада гак ва гакаборт чироқлари, мачтада вертикал жойлашган учта тепа – иккита оқ ва уларнинг орасида битта яшил чироқ, шатакка олинган кеманинг мачтасида горизонт бўйлаб 360 градусда кўринадиган битта оқ ва борт ташқарисида битта оқ чироқ бўлиши шарт.

2, 3 ва 4-класс нефть маҳсулотлари юкланган бошқа кеманинг борти ёнида шатакка олган кемада яшил “тепа чироғи” қизил чироққа, шатакка олинган кеманинг мачтасидаги оқ чироқ эса қизил чироққа алмаштирилиши шарт.

32. Кичик шатакка олувчи, шатакка олиш усулидан қатъи назар ва ўзиюрар кичик кемада ҳаракатланиш даврида борт, гак ва гакаборт чироқлари, мачтасида иккита вертикал жойлашган – битта оқ ва ундан юқорида яшил “тепа чироқ” ёқилган бўлиши шарт.

33. Шатакка билан банд бўлган механик двигателга эга бўлган кемада қуйидаги чироқлар ёқилган бўлиши шарт:

асоси пастга йўналтирилган учбурчак шаклида жойлашган учта тепа чироқ, улардан юқоридагиси диаметрал текисликда жойлашган бўлиши шарт;

борт чироқларининг асоси пастга йўналтирилган учбурчак шаклида жойлашган учта орқадаги чироқлар бўлиши, кеманинг эни 5 метр ва ундан кам бўлса – фақат битта гак чироғи бўлиши шарт.

34. Нефть маҳсулотлари юкланган ёки уларнинг қолдиғи бўлган, портловчи ва захарли воситалар юкланган кемаларни шатакка билан банд бўлган механик двигателга эга кемада айрилиш ва ўзиб кетиш даврида мазкур Қоидаларнинг 33-бандида кўрсатилган чироқлардан ташқари битта доирасимон қизил чироқ бўлиши шарт.

### **5-§. Ўзиюрмас кемаларни шатакка олиш ва тўхтаб туриш**

35. Ўзиюрмас кемалар изма-из ёки борт ёнида шатакка олинганда ҳамда тўхтаб турган даврида (шатакка олувчи билан ёки уларсиз) қуйидаги чироқларга эга бўлиши шарт:

узунлиги 50 метргача бўлган кемалар – саҳнадаги юкдан камида 2 метр баландликда, горизонт бўйлаб 360 градусда кўриниб турадиган битта оқ чироққа;

узунлиги 50 метрдан ортиқ бўлган кемалар – саҳнадаги юкдан камида 2 метр баландликда, олд ва орқа қисмида горизонт бўйлаб 360 градусда кўриниб турадиган биттадан оқ чироққа;

умумий узунлиги 50 метрдан ортиқ, бир нечта кемадан иборат бўлган таркибни шатакка олиш даврида ҳар бир кеманинг олд қисмида биттадан оқ чироқ ва орқадаги кеманинг орқа қисмида горизонт бўйлаб 360 градусда кўриниб турадиган оқ чироққа;

1-класс нефть маҳсулотлари ҳамда портловчи ёки захарли воситалар юкланган кемаларда, уларнинг узунлиги ва таркибдаги кемалар сонидан қатъи

назар, мачтада вертикал жойлашган иккита қизил чироқ, олд ва орқа флагштоқларда биттадан оқ чироқ, кундуз куни эса мачтада катталиги 1 м<sup>2</sup> бўлган иккита тўртбурчак қизил байроқ бўлиши шарт. Барча чироқлар горизонт бўйлаб 360 градусда кўриниб турадиган бўлиши шарт;

2, 3, 4-класс ёнғиндан хавфли маҳсулотлар юкланган кемаларда, уларнинг узунлиги ва таркибдаги кемалар сонидан қатъи назар мачтада битта қизил чироқ, олд ва орқа устунларда биттадан оқ чироқ, кундуз куни эса мачтада катталиги 1 м<sup>2</sup> бўлган битта тўртбурчак қизил байроқ, барча чироқлар горизонт бўйлаб 360 градусда кўриниб турадиган бўлиши шарт.

36. Ўзиюрмас кемалар тўхтаб турган даврда улар арқонда шатакка олиниб ҳаракатланиш давридаги каби чироқларга эга бўлиши шарт.

37. Қирғоқ ёнида бир-бирига бирлаштириб боғлаб қўйилган кемалар гуруҳининг сигнал чироқлари кема йўли томонига турган барча олдиндаги кемаларнинг олд қисмида, орқада турганларининг орқа қисмида биттадан оқ чироқ бўлиши шарт.

38. Нефтни бир жойдан бошқа жойга ташувчи; нефть бункер кемалари ва тозалаш станциялари, нефть маҳсулотлари юкланадиган тегишли катталикдаги ўзиюрмас кемалар каби чироқ ва белгиларга эга бўлиши шарт.

39. Дебаркадернинг мачтасида битта доирасимон оқ чироқ ва кема юрадиган йўл томонидан кўринадиган устқурма деворида битта оқ чироқ бўлиши шарт.

40. Арқонли кечув паромидида у тўхтаб турганида ва бир қирғоқдан бошқа қирғоққа ҳаракат қилиш даврида доирасимон битта оқ чироқ бўлиши, арқоннинг ҳар икки томонидан, устки қисми ҳимояловчи соябон билан ёпилган ва чироқлар ёрдамида ёритиб кўрсатилган бўлиши шарт.

41. Узунлиги 50 метрдан кам бўлган сузувчи понтонлар, насос станциялари, чўмилиш учун мўлжалланган жойларда кема юрадиган йўл томонга битта айланма оқ чироқ, узунлиги 50 метр ва ундан ортиқ бўлганда – ҳар 50 метрга айланма оқ чироқлар ўрнатилган бўлиши шарт.

42. Солларнинг узунлиги 60 метрдан кам бўлганда – солнинг юриш қисмига айланма битта оқ чироқ: агар солнинг узунлиги 60 метрдан ортиқ бўлса - солнинг узунлиги бўйлаб, ҳар 60 метрга айланма чироқлар бўлиши шарт.

43. Соллар таркибига яқинлашаётган бошқа соллар кемалари ва шатак арқонлари солларни шатакка олган кеманинг прожектори ёрдамида ёритилиши шарт.

44. Соллар кемалар юриш йўлида тўхтаб турган вақтда ҳаракатланувчи кемалар каби чироқларни ёқиши шарт.

## **6-§. Техник флот кемалари**

45. Сув тубини чуқурлаштирувчи ва тозаловчи ҳар қандай конструкцияга эга земснарядларда қуйидаги чироқлар бўлиши шарт:

мачтада горизонт бўйлаб 360 градусда кўриниб турадиган битта яшил чироқ;

тупрокни ўнг соҳилга ташлайдиган рефулерли земснарядларда кема йўли томонидан кеманинг олд ва орқа қисмларида жойлашган тент баландлигида иккита доирасимон қизил чирок, чап қирғоқда ташлаш даврида худди шу жойларда иккита оқ чирок;

ўнг қирғоққа ишлаган даврда биттадан қизил ёки чап қирғоққа ишлаган даврда қувурлар (понтонлар) узунлигида ҳар 50 метр масофада биттадан оқ чирок;

земснарядни ушлаб туриш учун стан занжирлари ёки мотозавозня қўлланилса унда занжир қайси қирғоққа узатилганлигига қараб, битта қизил ёки оқ чирок бўлиши шарт.

46. Лотокли земснарядларда, қувурлардаги (понтонлардаги) чироклардан ташқари худди рефулерли земснарядлар каби чироклар бўлиши шарт, бундан ташқари, лоток агар у узоқлаштирилган ва бортдан кема йўли томонга чиқиб турган бўлса, тупроқ ташланадиган томонга тегишли чирок, ўнг қирғоққа ишлаганда - қизил, чап қирғоққа ишлаганда - оқ чирок, кема йўли чегарасидан ташқарида тўхтаб турган ва шатакка олинган вақтда чироклар ўзиюрар кемаларнинг чироклари каби қувурларда (понтонларда) ҳар 60 метр орасида - оқ чироклар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

47. Ғаввослик ишлари билан банд бўлган ботлар, кўтаргич кранлар ва сув тубини тозаловчи земснарядларда сув ости ишларини бажариш даврида тунда - мачтада горизонт бўйлаб 360 градусда кўринадиган вертикал жойлашган иккита яшил чирок, кундуз куни - мачтада ҳар бири 1 м<sup>2</sup>, вертикал бўйича масофа оралиғи 0,5 метр бўлган иккита тўртбурчак яшил байроқ бўлиши шарт.

48. Земснарядларда сув ости ишлари бажарилмаётганда ва улар тўхтаб турганда, шунингдек, улар шатакка олинган вақтда ўзиюрмас кемалардаги каби сигнал чироклари бўлиши шарт.

### **7-§. Балиқ овлашга мўлжалланган кемалар**

49. Сув ҳавзаларида балиқ овлаш анжомлари билан турган, тўрларни ўрнатаётган ёхуд ташланган тўрлар билан оқим бўйича ҳаракатланувчи кемаларда тунда ўнг қирғоқда ишлаш вақтида горизонт бўйлаб 360 градусда кўринадиган вертикал жойлашган иккита қизил, чап қирғоқда - иккита оқ чирок, кундуз куни тегишли иккита қизил ва иккита оқ байроқ бўлиши шарт.

Ташланган тўрларнинг узунлиги бўйича ҳар 100 метрда қайиқлар ёки бошқа мосламаларнинг устида тунда айланма чироклар, кундуз куни эса - навигация белгиларига мос келадиган чироклар каби рангдаги байроқлар ўрнатилиши шарт.

50. Балиқ овлаш билан банд бўлган кемалар ўзларининг ёнидан ўтиб кетувчи кемаларни қуйидаги сигналларни бериш орқали олдиндан огоҳлантириши шарт:

тунда - ўнг қирғоқда ишлаш даврида ёниб ўчувчи қизил чирокни, чап қирғоқда эса - ёниб ўчувчи оқ чирокни ёқиб;

кундуз куни - тегишли қизил ёки оқ байроқни силтаб.

Ўтиб кетувчи кема тегишли бортдан силташ орқали ўтиб кетиш томонини тасдиқлаши шарт.

51. Тўрлар ва ҳалқаларни ўрнатиш жойлари, сув йўллари техник участкалари, гидроиншоот эгалари билан келишилган ҳолда белгиланиши ва улар кемачилик фаолиятига халақит бермаслиги шарт.

52. Балиқ овлаш кемаларига қуйидагилар тақиқланади:

балиқ овлаш анжомларини кема йўлининг ярмидан ортиғига ташлаш;

балиқ овлаш анжомларини кема йўлига ташлаш ва ҳалқаларни ҳар қандай турдаги кўприкларда юқоридан ёки қуйидан 1 км масофадан кам масофага ўрнатиш;

чекланган кўриниш 1 км дан кам бўлганда кема йўлига чиқиш;

балиқ овлаш анжомларини яқинлашиб келаётган кемалар олдидан ташлашни бошлаш;

кемачилик жиҳозлари билан уйғун бўлган пўкакли балиқ овлаш анжомларини ўрнатиш.

53. Кўлларда ва сув омборларида тўр ва ёйма тўрда балиқ овлаш вақтида қуйидаги чироқ ва сигналлар бўлиши шарт:

тунда - мачтада 225 градусда ёйма нур билан ёритадиган уч хил рангли чироқ:

горизонт бўйлаб ёй бўйича 45 градусда (олди бўйича 22.5 градусдан ўнгга ва чапга) оқ чироқ;

ўнгдан горизонт бўйлаб 90 градусда (22.5 градусдан ўнг томон олди бўйича 22.5 градусгача траверз орқасигача) нур билан ёритадиган яшил чироқ;

чапдан шакли яшил чироққа ўхшаган қизил чироқ;

улардан пастда 135 градус нур билан ёритадиган оқ чироқ.

Агар кема сувга нисбатан ҳаракатда бўлса, мазкур бандда кўрсатилган чироқларга қўшимча яна борт ва орқа чироқлар бўлиши шарт.

Кундуз куни мачтада диаметри 0,5 метр, баландлиги 0,75 метр бўлган қора цилиндр ўрнатилади.

54. Балиқ овлаш билан банд бўлмаган, бироқ балиқ овловчи кемалар таркибига кирувчи кемалар тегишли ҳажмдаги ўзиюрар ёки ўзиюрмас кемалар каби чироқларга эга бўлиши шарт.

## **8-§. Товуш сигналларига умумий талаблар**

55. Узунлиги 7 метр ва ундан ортиқ бўлган механик двигателга эга кемалар ҳамда сув тубини чуқурлаштирувчи земснарядлар давомли ва қисқа товушли сигналлар берувчи қурилмаларга эга бўлиши шарт.

Курилмалар ёрдамида бериладиган товушли сигналлар - узунлиги 20 метр ва ундан ортиқ бўлган кемалардан берилганда 2 км дан кам бўлмаган масофада, узунлиги 20 метрдан кам бўлган кемалардан берилганда – 1.0 км масофада эшитилиши шарт.

56. Экипажга эга ўзиюрмас кема товушли сигнал бериши учун кўнғирок ёки металл буюмга эга бўлиши шарт.

57. Товушли сигналлар қуйидагича берилади:

“Қисқа сигнал” - давомийлиги 1 сониягача бўлган товушли сигнал;

“Давомли сигнал” - давомийлиги 4 сониядан 6 сониягача бўлган товушли сигнал.

58. Мазкур Қоидалар билан кўзда тутилмаган товушли сигналлардан фойдаланиш тақиқланади.

59. Товушли сигналларидан вилоят марказлари ва катта шаҳарларда (ҳалокат сигнали ва авария ҳолатларининг олдини олиш сигналларидан ташқари) фойдаланиш маҳаллий сузиш қоидалари билан белгиланади.

60. Кема бошқа кемани хавф тўғрисида огоҳлантирмоқчи бўлса ва ундан бундай ҳолатдан келиб чиқиб (ҳаракатни тўхтатишга қадар) чора кўриш талаб этилса, камида бешта қисқа товушли сигнал бериши шарт.

Ўзиюрмас кемада тегишли товушли сигналлар бериш курилмаси мавжуд бўлмаса, бу сигналларни кўнғирокқа ёки металл буюмга тез-тез уриб бериши шарт.

61. Манёвр кўрсатиш ва огоҳлантириш сигналлари кемалар бир-бирига кўриниб турганда қуйидагича берилади:

“Мен ўз курсимни ўнг томонга ўзгартираман” - битта қисқа товушли сигнал;

“Мен ўз курсимни чап томонга ўзгартираман” - иккита қисқа товушли сигнал;

“Мен орқага ҳаракатланаман” - учта қисқа товушли сигнал;

“Мен бурилиб оламан” ёки “Мен тўхтаман” - тўртта қисқа товушли сигнал;

“Тезликни оширишни сўрайман” - битта қисқа ва битта давомли товушли сигнал;

“Тезликни пасайтиришни сўрайман” - битта давомли ва битта қисқа товушли сигнал.

Ўзиюрмас кема бу сигналларни кўнғирокқа тез-тез уриб беради.

“Тўхтатишни сўрайман” - байроқни горизонт бўйлаб силташ – кундуз куни, оқ чирок - тунда;

“Эътибор бераман” - битта давомли, учта қисқа ва битта давомли сигнал ўзига эътиборни қаратиш учун берилади. Бу сигнал арқонли кечувга

яқинлашганда, агар шатакка олувчи кемалардан лангар боғланган занжир ва судралма занжир ташланган бўлса берилади.

Бу сигнални бергандан сўнг паромли кечувнинг ишчилари зудлик билан кечув арқонининг бир учини (маҳкамланган жойидан ечиши) ечиб сув тубига тушириши шарт;

“Мен Сизни тушундим” - битта давомли, битта қисқа, битта давомли, битта қисқа товушли сигнал;

“Радиоалоқага чиқишингизни сўрайман” - битта қисқа, битта давомли, битта қисқа товушли сигнал;

“Қайикни туширингизни ва менинг кемам борти ёнига келишингизни сўрайман” - битта давомли, битта қисқа, битта давомли товушли сигнал.

Бундай сигнал қирғоқдан бошқа кемадан, жиҳозлаш постидан қайикни чақириш ҳамда бошқа кемадан борти ёнига келишини сўраш учун берилади;

“Бортдан ташқарида одам” - учта давомли товушли сигнал, бортдан одам йиқилиб тушганда ёки чўкаётган одамни қутқариш учун берилади;

битта давомли товушли сигнал – кема портга, шлюзга, кечувларга, сузувчан понтонларга яқинлашганда берилади;

битта давомли, учта қисқа товушли сигнал – кема портдан жўнаб кетаётганда берилади.

### **9-§. Кўриниш чекланган даврдаги сигналлар**

62. 1 км дан узоқ кўришни чеклайдиган туман, чанг-тўзон, қор ёғиши, кучли ёмғир, қумли бўрон ва бошқа ноқулай шароитларда кема куйидаги сигналларни бериши шарт:

юраётган ўзиюрар кема - ҳар 2 дақиқадан кўп бўлмаган ораликда битта давомли товушли сигнал;

бошқа кемаларни ёки солларни шатакка олган кема - ҳар 2 дақиқадан кўп бўлмаган ораликда битта давомли ва иккита қисқа товушли сигнал;

кема юрадиган йўлда лангарда ёки саёзликда тўхтаб қолган ўзиюрар якка кема кўриниш чекланган даврда яқинлашаётган кемаларни огоҳлантириш учун битта қисқа, битта давомли, битта қисқа товушли сигнал бериши шарт. Ўзиюрмас кема бундай ҳолатда қўнғироққа ёки металл буюмга тез-тез уриш билан товушли сигнал бериши шарт;

паромли кечувлар ва сузувчан понтонларда 2-3 дақиқалик танаффус билан қўнғироққа уриб товушли сигнал берилиши шарт.

### **10-§. Шатакка олинган кемалар билан алоқа сигналлари**

63. Шатакка олувчининг сигналлари асосий товушли сигнал қурилмалари билан куйидаги тартибда берилиши шарт:

“Шатакни бўшат” - битта давомли ва битта қисқа товушли сигнал;

“Шатакни йиғиштир” - битта давомли ва иккита қисқа товушли сигнал;

“Шатакни ташла” - битта давомли ва учта қисқа товушли сигнал;

“Шатакни боғла” - битта давомли ва иккита қисқа ва битта давомли товушли сигнал;

“Лангарни тушир” - битта давомли, иккита қисқа ва битта давомли товушли сигнал;

“Лангарни кўтар” - иккита давомли ва битта қисқа товушли сигнал;

“Рулда тур ва изимга туш” - тўртта қисқа товушли сигнал.

Бу сигналларнинг рўйхати юриш кўприкчасига осиб қўйилган бўлиши шарт.

64. Ўзиюрмас кемалардан сигналлар кундуз куни - байроқни силташ, тунда эса - оқ чироқ билан қуйидаги тартибда берилиши шарт:

“Сигнал тушунарли, бажарилмоқда” – кундуз куни - байроқчани горизонт бўйлаб кеманинг бакидан ҳаракатлантириш: тунда эса руль рубкасига оқ чироқни ёқиш;

“Тўхта” – кундуз куни - байроқни тик силтаб ҳаракатлантириб: тунда эса - кема орқа қисмидан оқ чироқни тик ҳаракатлантириш.

Сигналларнинг рўйхати руль рубкасига осиб қўйилган бўлиши шарт.

## 11-§. Ҳалокат сигнали

65. Кема ҳалокатга учраган тақдирда ва бошқа кемадан ёки қирғоқдан ёрдам берилиши талаб этилса, қуйидаги сигналлардан фойдаланиши шарт:

ўзиюрар кема - бирваракай ёки алоҳида-алоҳида қатор давомли товуш сигнали ёхуд тифон билан узлуксиз сирена чалиш ва бу сигнални қўнғироққа ёки металл буюмга тез-тез уриш билан такрорлаш;

ўзиюрмас кема - қўнғироқ ёки металл буюмга тез-тез уриш;

тунда барча кемалар - айланма чироқ ёки прожекторни тез-тез ёқиб-ўчириш, кундуз куни мачтада байроқни тик ҳаракатлантириш;

туман даврида сигнал беришга мўлжалланган ҳар қандай аппарат орқали узлуксиз сигнал бериш;

қисқа вақт оралиғида (1 дақиқага яқин) қизил юлдузлар ёғдуси пайдо қилувчи ракеталар ва гранаталар отиш;

парашютли қизил рангли ракета ёки қизил рангли фальшфейер;

кемада олов ёқиш (ёнадиган битум ёки ёқилғи мой бочкасидан);

тўртбурчак байроқ ва унинг усти ёки остида турган шар ёки шарга ўхшаган шаклдан иборат сигнал;

тўқ сариқ ранг чиқарувчи тутунли сигнал;

қўлларни икки томон ёйиб, аста ва такрорий кўтариш ва тушириш;

ҳалокатнинг радио-телефон сигналлари.

66. Мазкур Қоидаларнинг 65-бандида кўрсатилган ҳалокат ёки ёрдам зарурлиги тўғрисидаги сигналларни бошқа мақсадларда қўллаш ёки ўрнатиш тақиқланади.

Ҳалокат ва ёрдам зарурлиги тўғрисидаги бирор-бир сигнал каби қабул қилиниши мумкин бўлган чалғитувчи сигналлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Кемалар, таркиблар габаритлари ва йўлларнинг ҳолатига умумий талаблар**

67. Каналлар бўйлаб ҳаракатланувчи кемалар ва таркиблар эни бўйича қуйидагича захирага эга бўлиши шарт (кемаларнинг ёки таркибларнинг бортлари орасидаги масофа ҳамда кемалар ва каналлар қияси орасидаги масофа):

икки йўлак бўйлаб ҳаракатланиш даврида - барча айрилаётган кемалар ва таркибларнинг 0.3 эни;

бир йўлак бўйлаб ҳаракатланиш даврида - кема ёки таркибнинг 0.5 эни (туб бўйича);

икки томон йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган якка кемаларнинг узунлиги уларнинг белгиланган бурилиш радиусидан 3 баравар кичик;

қуйи томон ҳаракатланаётган, қаттиқ боғланган таркибнинг узунлиги белгиланган бурилиш радиусидан 3.5 баравар, юқори томон ҳаракатланаётганда - 2 баравар кичик.

68. Ички кема йўлларида кемачилик жиҳозларини ўрнатиш, сақлаб туриш, кемаларнинг хавфсиз ва узлуксиз ҳаракатланиши учун шароитлар яратиш сув йўллари техник участкалари томонидан амалга оширилади ҳамда улар кема эгаларини сув йўлларининг ҳақиқий ва кутилаётган ҳолати тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлайди.

69. Сув йўллари техник участкалари ички кема йўлларида қуйидаги ишларни амалга ошириши шарт:

кемачилик жиҳозлари, сузувчи навигация чироқларининг узоқдан кўринишини таъминлаш: оқ чироқлар - камида 2.5 км, рангли чироқлар - камида 1.5 км;

сув омборларида қирғоқ жиҳозлари, сузувчан навигация чироқларининг кўриниш узунлигини уларнинг фаолияти чегарасида таъминлаш;

ички кема йўлларида ҳаво ўтиш жойлари, кўприкларнинг кема юрадиган устунлари ораси, қийин участкалардан ўтиш шароитларини белгиланган талаблар ва кемачилик хавфсизлиги қоидаларига мувофиқлигини таъминлаган ҳолда, даврий назорат қилиш ва кема эгаларини белгиланган тартибда хабардор қилиш;

ички кема йўлларида жойлашган иншоотлар (кўприклар, кечувлар, ҳаво ва сув ости ўтиш йўллари, гаванлар, причаллар, рейдлар) эгаларидан мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ уларнинг соз ҳолатда сақлаб турилиши ва кемачилик жиҳозлари билан таъминланишини талаб қилиш.

70. Ички кема йўлларида иншоотлар (кўприклар, дамбалар, ҳаво ва сув ости ўтиш жойлари, рейдлар, причаллар) барпо этишга сув йўллари техник участкалари билан келишган ҳолда йўл қўйилади.

71. Ички кема йўлларида жойлашган иншоотларнинг эгалари қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

иншоотларда доимий назорат олиб бориш, флот ишининг ва иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда уларни соз ҳолатда сақлаб туриш;

кемачилик жиҳозларининг барча белгиларини ўрнатиш ва яроқли ҳолда сақлаб туриш;

вақти-вақти билан ва навигация даврида ҳамда иш тугагандан сўнг акватория, рейдлар, затонлар ва причалларни чиқиндилардан, такелаж ва бегона буюмлардан тозалаш;

сув йўллари техник участкалари томонидан белгиланган баландлик ва ўтиш жойининг чуқурлиги ҳамда кўтарма ва сузувчан кўприкларнинг кема юрадиган устунлар оралиғи габаритларини таъминлаш;

юклаш-тушириш ишларини амалга ошириш учун вақтинча причалларни ташкил этишга, иш тугагандан сўнг уни ташкил этган эгаси акваторияни кемачиликка халақит берадиган буюмлардан тозалаш ишларини амалга оширган ҳолда, тегишли сув йўллари техник участкасига далолатнома асосида топширганда йўл қўйилади.

72. Причал, рейд ва пана жойда сақланаётган кемаларда сув сатҳининг ҳолати бўйича доимий назорат олиб борилиши шарт.

Кемалар саёзликка ўтириб қолишининг олдини олиш учун қозик оёққа ва лангарда туришга шай бўлиши шарт.

Кемаларни кран таги йўллари, ёритиш устунлари ва бу мақсад учун мўлжалланмаган бошқа қурилмаларга боғлаб қўйиш тақиқланади.

73. Кемаларнинг ва бошқа сузиш воситаларининг рейдларда ва портларнинг причал олдиларида хавфсиз ҳаракатланишини назорат қилиш порт бошлиқлари ва бунга масъул этиб тайинланган шахсларга юкланади.

74. Портга келган кемалар дарё флоти диспетчери ёки рейд капитани кўрсатган жойга жойлаштирилади. Кема капитанлари дарё флоти диспетчери ёки рейд капитанидан хавфсиз ҳаракатланиш шароитлари, тўхтаб туриш, сув чуқурлиги ва бошқа зарур маълумотларни олиши шарт.

75. Кемаларнинг ҳаракатланиш ва тўхтаб туриш даврида қуйидагилар тақиқланади:

кран қулочи, шлюп-балка ва трапларни бортдан ташқарига томон ағдариб қўйиш;

шлак, чиқинди, нефть маҳсулотларининг қолдиғи, мойланган латталарни бортдан ташқарига ташлаш.

#### **4-боб. Кемаларнинг ҳаракати, манёвр қилиши ва тўхтаб туриши**

76. Ультра-қисқа тўлқинли (УКВ) радиостанциялар билан жиҳозланган барча кемалар ўзаро ҳаракатларни олдиндан келишиб олиш учун уларни ишлатиб кўришлари, ҳаракатланиш, манёвр қилиш ёки лангарда тўхтаб туриш даврида тегишли каналга доимо ишлаб турган бўлиши шарт.

77. Хавфли юклар билан юкланган кемалар бошқа кемалар билан УКВ-радиостанцияси орқали ўзаро ҳаракатларни келишиш даврида кемалари бортида бундай юклар мавжудлиги тўғрисида уларни хабардор қилиши шарт.

78. Кемалар билан мазкур Қоидаларга мувофиқ товуш ёки чироқ сигналлари билан алмашиш талаб этилса, бу сигналларни беришдан олдин ҳаракатларни УКВ-радиостанцияси орқали ўзаро келишгандан сўнг амалга ошириши шарт.

79. Кема тартибга келтирилмайдиган, яхши кўринмайдиган ва мураккаб участкаларга яқин келганда ва улар бўйича ҳаракатланаётган даврда кўриниш чекланган шароитларда кўришнинг ва сузишнинг қийинлашиши УКВ-радиостанцияси бўйича бошқа кемаларни ўзининг жойлашган жойи ва ҳаракати тўғрисида вақти-вақти билан хабардор қилиб туриши ва бошқа кемадан ҳам бундай ҳолатлар тўғрисида белгиланган товушли ва чироқ сигналларини олиб туриши шарт.

80. УКВ-радиостанцияси бўйича амалга оширилган чақириққа жавоб олмаган кема бошқа кемага УКВ-радиостанция йўқ деб ҳисоблаши ва шу вазиятдан келиб чиқиб ҳаракат қилиши шарт.

#### **5-боб. Назорат ва хавфсиз тезлик**

81. Кема ҳайдовчиси доимий равишда кўриш ва эшитиш орқали етарли даражада назоратни олиб бориши ҳамда вазият ва шароитларга қараб ўзи бўлиб турган вазиятни тўлиқ баҳолаши учун ўзида мавжуд бўлган воситалар ёрдамида назоратни олиб бориши шарт (тўқнашиш хавфи, урилиб кетиш, устига чиқиб кетиш, саёзликка ўтириб қолиш, курсдан оғиш).

82. Ҳар бир кема мавжуд ҳолат ва шароитларда хавфсиз сузишни таъминлаш учун зарур ва самарали ҳаракатни амалга ошириш имконини берадиган хавфсиз тезлик билан ҳаракатланиши шарт.

83. Кема ҳайдовчиси хавфсиз тезликни танлаш даврида бошқа омиллар ичида қуйидагиларга эътибор бериши шарт:

сув йўли ва кема габаритларининг нисбийлиги;

ушбу ҳудудда кемалар ҳаракатининг мавжудлиги ва интенсивлиги;

ўз кемасининг манёвр қилиш қобилияти, кеманинг тўлиқ тўхташи учун етарли бўлган масофа ва бу шароитларда бурилиш қобилияти;

оқим, шамол йўналиши тезлиги ва сувнинг тўлқинланиши;

қирғоқдаги ҳамда ўзида мавжуд чирокларининг кўриниш ҳолати, ёрқинлиги, навигация белгилари ва чирокларининг мавжудлиги.

### **6-боб. Кемаларнинг айрилиши**

84. Кемалар кема юрадиган йўл чегарасида - фарватернинг ўнг томонидан ҳаракатланиши, айрилишлари учун барча хавфсиз чораларни кўриши шарт.

Белгиланган кема юрадиган йўл чегарасида махсус кемалардан ташқари бошқа кемаларнинг сузишига йўл қўйилмайди.

85. Кемалар ва таркиблар қарама-қарши ҳаракатланиш даврида чап бортлари билан айрилишлари шарт.

86. Қуйидан ҳаракатланаётган кема барча ҳолатларда кўриш масофасида юқоридан келаётган кемадан (кечаси - унинг фарқловчи чироклари билан) чап бортлари билан хавфсиз айрилиш чораларини кўриши шарт.

Агар йўл шароити бўйича кемаларнинг айрилиши қийинчилик туғдирса, кемаларнинг учрашиши ва айрилиши энг қулай ва хавфсиз жойда амалга оширилиши шарт.

87. Қуйидан ҳаракатланаётган кема биринчи бўлиб, қарама-қарши келаётган кемага 1.5 км қолганда давомли товушли сигнал беради ва чап бортдан байроқчани силтайди.

Юқоридан келаётган кема айрилиш учун зудлик билан кўрсатилган томонга ўтиши, битта давомли товушли сигнал бериши ва чап томондан байроқчани силташи шарт. Бу ҳолатда ҳар бир кема тезликни етарлича камайтиради ва қарама-қарши кема ортга қолгунга қадар эҳтиёткорлик билан ҳаракатланади.

88. Сув йўлларининг маҳаллий шароити туфайли қарама-қарши келаётган кемани чап бортлар билан ўтказиб юборишнинг имкони бўлмаса, қуйидан ҳаракатланаётган кема, истисно тариқасида, олдиндан ҳаракат бўйлаб чап томондан юриши ва юришни энг паст тезликка камайтириши, ҳаракатни тўхтатиши ва юқоридан ҳаракатланаётган кемани тўсиқларсиз ўзининг ўнг борти томонидан ўтказиш учун камида 1.5 км масофада иккита қисқа товушли сигнал бериши ва ўнг томондан байроқчани силташи шарт.

Юқоридан ҳаракатланаётган кема зудлик билан иккита қисқа товушли сигнал бериши ва ўнг томондан байроқчани силташи билан сигнални қабул қилганлигини тасдиқлаши, ўтказиб юбораётган кемага яқинлашганда олдиндан тезликни пасайтириши (энг кичик тезликкача), тегишли томонга бурилиши ва қанча бу зарур ва хавфсиз ҳисобланса, ўтказиб юбораётган кема ортда қолгунга қадар ҳаракатни шундай давом эттириши шарт.

89. Орқага юраётган кема борт томонидан унинг ўқиға йўналтирилган, кема юрадиган йўлдан ҳаракатланаётган кемани ўтказиб юбориши, бунинг учун у биринчи бўлиб уч маротаба қисқа товушли сигнал ва тегишли борт томонидан байроқчани силташи шарт.

90. Агар сув омборининг бошқа-бошқа трассаларидан ҳаракатланаётган иккита кема ёки таркиб бир-биридан етарли масофада эркин ўтиши мумкин бўлса, улар қирғоқ бўйича ўзларини тутиши ва курс бўйича йўналишларини сигналлар алмаштирмасдан давом эттиришлари мумкин.

91. Агар куйи томондан ҳаракатланаётган кемага бир-бирининг орқасидан бошқа кемалар ёки таркиблар қарама-қарши ҳаракатланиб келаётган бўлса, айрилиш учун сигналлар уларнинг ҳар бирига алоҳида берилади.

92. Айрилиш, кемалар ва таркибларнинг қарама-қарши ҳаракатланиши ёки ўзиб кетиши даврида бортлари ораларидаги интервал имкон қадар катта бўлиши шарт.

### **7-боб. Кемалардан ўзиб кетиш тартиби**

93. Кемалардан ўзиб кетиш маневрлари ўзиб кетилаётган кеманинг (таркибнинг) чап борти томонидан амалга оширилиши шарт.

Ўнг борт томондан ўзиб кетишга, истисно тариқасида, агар йўл, об-ҳаво ва бошқа шароитлар туфайли чап борт томондан ўзиб кетишнинг имкони бўлмаган ёки кийинчилик туғдирган ҳолларда йўл қўйилади.

94. Бошқа кемадан (таркибдан) ўзиб кетишни кўзлаган кема ўзиб кетиладиган кеманинг ёки охирги боғланган таркибнинг орт қисмига камида 500 метр қолганда, иккита қисқа товушли ва битта давомли товушли сигнал бериш йўли билан ўзиб кетилаётган кемадан (таркибдан) рухсат сўраши шарт.

Ўзиб кетилувчи кема сўровни олгандан сўнг зудлик билан иккита қисқа товушли ва битта давомли товушли сигнал бериши ва қайси борт томондан ўтишга рухсатни байроқчани силташи, тезликни пасайтириши, қарама-қарши томонга ўтиши ва бу қанча зарур ва хавфсиз бўлса, ўзиб кетиш тугагунга қадар ҳаракатни шундай давом эттириши шарт.

Ўзиб кетишнинг имкони бўлмаганда, ўзиб кетилувчи кема “Огоҳлантириш” (камида беш марта қисқа) товушли сигнал бериши шарт. Бундай ҳолатда ўзиб кетишга сўров такрорланмасдан берилиши шарт бўлган рухсатни олгунга қадар йўл қўйилмайди.

Ўзиб кетишга рухсат олган ўзиб кетувчи кема байроқчани тегишли борт томонидан силташи ва тўлиқ ўтиб кетгунга ва кема ортда қолгунга қадар ўзиб кетилувчи кемадан ўзини хавфсиз масофада тутиши шарт.

95. Тезюарар кемалар қарама-қарши ҳаракатланиш даврида фақат чап бортлари томонидан айрилишлари шарт, бу ҳолда байроқчани биринчи бўлиб юқоридан келаётган кема силтайтиди.

96. Тезюрар ўзиб кетилувчи кема сўровни олгандан ва ўзиб кетишга рухсат бергандан сўнг зудлик билан тезликни пасайтириши ва ўзиб кетиш тугагунга қадар сувга ботган ҳолда ҳаракатланиши шарт.

97. Бошқа кемалар билан қайси томондан ўзиб кетиш ва айрилишни тезюрар кема кўрсатади.

Қарама-қарши ҳаракатланувчи ва ўзиб кетилувчи кемалар кўрсатилган томондан айрилиш ёки ўзиб кетишни тасдиқлаши ва айрилиш ёки ўзиб кетиш тугагунга қадар ўз йўлидан бурилмаслиги шарт.

98. Кема ҳайдовчиларига қуйидагилар тақиқланади:

бир вақтнинг ўзида уч ёки ундан ортиқ кема ён томонидан перпендикуляр жойлашганда ўзиб кетиш ва айрилиш. Кемаларнинг айрилиши даврида бир вақтнинг ўзида ўзиб кетиш учун рухсат берганлик учун ўзиб кетилувчи кеманинг вахта бошлиғи жавобгар ҳисобланади;

авария-таъмирлаш тўсиқлари, кечув паромлари, кўприк оралик устунларида ва бир томонлама ҳаракат участкаларида айрилиш ва кемалардан ўзиб кетиш.

### **8-боб. Кўприклар, яхши кўринмайдиган ва мураккаб участкалар, арқонли кечувлар, сув тубини чуқурлаштирувчи земснарядлардан ўтиб кетиш**

99. Кемаларнинг кўприк остидан фақат бу мақсад учун мўлжалланган, тегишли навигация белгилари ва чироқлари билан жиҳозланган устунлар оралиғидан ўтишига рухсат берилади.

100. Битта кема юрадиган устунли кўприкка бир вақтнинг ўзида юқоридан ва қуйидан кемалар яқинлашганда, ундан биринчи бўлиб оқим бўйича ҳаракатланаётган кема ёки ҳаракат йўналишидан қатъи назар тезюрар кема ўтиши шарт.

Кемалар тўпланиб қолганда, авария ходисаларини бартараф этиш учун бораётган ва ёнғинга қарши кемалар навбатсиз ўтказилади.

101. Сузувчан кўприкларнинг кемаларни ўтказиш учун мўлжалланган секциялари уларнинг эгалари ва кемага эга корхоналар билан келишилган ҳолда, жадвал бўйича белгиланган кунлар ва соатларда куннинг ёруғ вақтларида ажратилиши шарт.

102. Темир йўл кўприklarининг устунлари уларнинг ўртасида жойлашган битта яшил чироқ билан ёритилади, кема йўли эгри бўлганда устунда биринчи чироқдан бир метр пастда эгри кема йўли йўналиши бўйича иккинчи яшил чироқ ўрнатилиши шарт.

103. Кема юрадиган йўлнинг ҳолатига, кўприклардаги, кўприк олди участкаларидаги турғун ва сузувчан белгиларга қараб туриш ҳамда чуқурликлар, баландликлар ва оқим характери тўғрисидаги ахборотларни бериб туриш, ҳар куни эрталаб ва кечқурун кўприк таги фарватерини текшириб туриш, зарур

ҳолларда кейинги ўзгаришларга қараб белгиларни ўзгартириб туриш ва булар ҳақида кема эгаларини хабардор қилиб туриш сув йўллари техник участкаларига юкланади.

Кўприк олди участкаларидаги кема йўлининг чуқурлиги етарли бўлмаса, устун оралари тор ва эгри бўлса, оқим ёки шамол йўналиши устунларга уриладиган, кўриниш чекланган бўлса (туман, чанг ҳаво) сув йўллари техник участкаси кемаларнинг кўприк тагидан ҳаракатланишини тўхтатади ва бу тўғрисида кема эгаларини хабардор қилади.

104. Кема ёки таркибнинг габаритлари кўприкнинг кема юрадиган устунлари оралиғи габаритларига ва шатакка олувчининг қувватига мос бўлиши шарт.

Кўприк фермасининг энг паст қисми ва кеманинг энг баланд нуқтаси орасидаги захира 0.5 метрдан кам бўлмаслиги шарт.

Оқим бўйича кўприк тагидан юк кўтариш қобилияти 500 тоннагача бўлган иккита баржадан иборат таркибни шатакка олиб ўтказишда, улар изма-из боғланган ҳолда олд қисми қуйи томон йўналтирилган, орқа томондан занжирлар сувга туширилган бўлиши шарт.

105. Понтон кўприкларининг ажратилган секциялари орқали таркибларни ўтказиш фақат тегишли сув йўлларининг техник участкалари ва кўприк эгалари билан келишилган жадвал бўйича белгиланган вақтларда, кундуз куни амалга оширилиши шарт.

106. Понтон кўприкларнинг ажратилган қисмидан кемаларни ва таркибларни ўтказиш унга яқин жойларда ва кема юрадиган устунлар оралиғида кема тубидаги сув захираси 10 см дан кам бўлганда тақиқланади.

Саёз бўлиб қолган кема юрадиган йўлларни кеманинг ҳаракатлантириш механизмлари билан чуқурлаштиришга йўл қўйилмайди.

107. Понтон кўпригининг ажратиладиган қисмининг эни таркиб энининг уч бараваридан кам бўлмаслиги шарт.

Понтон кўприкнинг ажратилган секциялари шундай ўрнатилиши керакки, кема юрадиган оралиқ масофа қисқармаслиги шарт.

Лангарли понтонлар кема йўлининг четига олиб қўйилиши шарт.

108. Барча турдаги кўприклардан ва кечувлардан ўтиш даврида кемани капитаннинг ўзи бошқариши шарт.

Лоцманнинг хизматидан фойдаланган даврда капитандан жавобгарлик олиб қўйилмайди.

Кўприкнинг кемалар тўхташ пунктлари ва кўприк устунлари орқали ўтказиш учун таркибларни шакллантириш кўприк эгаси билан келишилади.

109. Қуйидаги ҳолларда кемалар ва таркибларни кўприкнинг ажратилган қисмидан ўтказишга руҳсат этилади:

Ўзиюрар кемаларнинг двигатели, ҳаракатлантирувчилари, руль ва лангар қурилмалари ҳамда масофадан автоматик бошқариш тизими соз ҳолда бўлганда;

кема техник соз ва бошқариладиган бўлганда;

Ўзиюрмас кемаларнинг лангар ва шатакка олиш қурилмалари соз бўлганда;

изма-из ёки ёнма-ён боғланган ва 15 метрдан кам бўлмаган шатакка олинган 500 ва 300 тонна бўлган иккита баржа ёки 500 тоннадан бўлган иккита баржадан иборат бўлган таркибни оқим бўйлаб шатакка олганда, ҳалқасининг диаметри 17 миллиметрдан кам бўлмаган ҳар бир охириги баржадан 75 метр судралма занжир ташланиб ҳаракат қилганда;

орқа томони билан сув оқими бўйлаб битта баржадан занжир ташламасдан туширилганда;

оқимга қарши ҳаракат қилганда, кеманинг қувватига ёки таркибнинг вазнига қараб 15-20 метргача шатак арқони билан уртагача баржа шатакка олинганда, охириги баржадан узунлиги 50-75 метр судралма занжир ташланганда.

110. Боғлаш, шатакка олиш, лангар ва руль қурилмалари носоз кемаларни понтон кўприкларнинг ажратилган қисмидан ўтказишга, агар бу кемалар таъмирлаш учун бораётган ёки йўл-йўлакай юкланган бўлса, фақат капитан мураббий ёки рейд капитани раҳбарлигида йўл қўйилади.

Капитан мураббий ёки рейд капитани муайян вазият ва шароитларга қараб, авария ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўради ва кемаларни хавфсиз ўтказиб юбориш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Унинг ихтиёрига двигателининг қуввати бу ишларни бажаришга мўлжалланган ўзиюрар кема ажратилиши шарт.

111. Оқим бўйича ҳаракатланувчи таркибларнинг оралиқ масофаси 1 км дан, оқимга қарши ҳаракатланувчиларнинг оралиқ масофаси эса 600 метрдан кам бўлмаслиги шарт.

112. Кўприкка яқин жойларда кема юрадиган йўл эгри ва понтон кўпригига сув оқими ён томондан бўлса, капитан баржани шатакка олувчининг изига йўналтириш учун ёрдамчи ўзиюрар кема талаб қилиши мумкин.

113. Кўприкка яқин жойларда ва кўприкнинг кема юрадиган устунлари орасидаги кема тубидаги сув захираси 10 сантиметрдан кам бўлса, кемалар ва таркибларни ўтказишга йўл қўйилмайди.

114. Кема капитанлари кўприк устунлари орасидан кемаларнинг хавфсиз ўтишини таъминлаш учун кема бошқариш амалиётида ёки алоҳида вазиятларда қўлланиладиган барча чораларни кўришлари шарт.

115. Арқонли кечув паромлари келаётган кемаларга ўз вақтида кема юрадиган йўлни бўшатиши ва улар яқинлашганда қирғоқдан ҳаракатни бошламаслиги шарт.

116. Семафорлар юқори томондан кўприк устунларигача камида 2.5 км масофада, қуйидан - кўприкдан камида 500 метр олдин ўрнатилади.

Навигация белгилари айрилиш ва ўзиб кетиш мураккаб бўлган йўл участкаларига яқин жойларга ўрнатилади.

Понтон кўприкларга кириш жойида кема юрадиган йўлнинг габаритларини кўрсатиш учун сигнал мачталари бўлиши шарт.

Кўприкдаги сигналларга қараб туриш, семафор ва навигация белгиларига хизмат кўрсатиш сув йўллари техник участкалари томонидан амалга оширилади.

117. Кемалар қарама-қарши келаётган кемаларни олдиндан кўриб бўлмайдиган, тартибга келтирилмайдиган яққол кўринмайдиган, ёйилиб оқадиган, эгри ва тор жойга кириш даврида тезликни пасайтириши ва битта давомли товушли сигнал бериши шарт.

Кечки вақт бу сигнал юқорига йўналтирилган прожектор чироқлари нури билан такрорланиши шарт.

Кемалар бундай участкаларга киргандан сўнг иккита давомли товушли сигнал бериши, бундай участка катта масофада бўлса иккита давомли товушли сигнални ҳар 2-3 дақиқада такрорлаши шарт.

118. Қарама-қарши ҳаракатланаётган кема участканинг бандлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг хавфсиз айрилишни (ўтказиб юбориш) таъминлаш учун чоралар кўриши, агар участка бир томонлама бўлса, қарама-қарши кемани ўтказиб юбориш учун тўхташи шарт.

119. Ҳаракат бир томонлама бўлган участкага кириш учун оқимга қарши ҳаракатланаётган кема хавфсиз жойга тўхташи ва оқим бўйича ҳаракатланаётган кемани ўтказиб юбориши шарт.

120. Кема юрадиган йўлда ишлаётган земснарядга яқинлашган кема камида 1 км масофадан битта давомли товушли сигнал бериши шарт.

121. Земснаряд кемани ўтказиб юбориш учун унга етарли бўлган кема йўли қисмини бўшатиши, битта давомли товушли сигнал бериши ва ўтиш томонини байроқча ёки импульсли чироқни силтаб кўрсатиши, қоронғи вақтда эса тент чироқларини ёқиб-ўчириб - агар земснаряд чап қирғоққа ўтган бўлса - оқ, ўнг қирғоққа ўтган бўлса - қизил чироқларни ёқиб-ўчириб сигнал бериши шарт.

122. Қоронғи вақтда кема юрадиган йўлнинг чап томони чеккасида ишлаётган земснаряд битта айланма оқ, ўнг томон чеккасида - битта айланма қизил чироқни ёқиб-ўчириб сигнал бериши шарт.

123. Земснаряд ёнидан ўтиб кетишга рухсат берувчи сигнални олган кема товушли сигнал бермасдан байроқчани силтаб жавоб қайтариши ва эҳтиёт чораларини кўриб ўтиши шарт.

124. Бир вақтнинг ўзида земснарядга оқим бўйича ва оқимга қарши кемалар яқинлашганда, оқим бўйича ҳаракатланаётган ёки йўналишидан қатъи назар, тезюар кема биринчи навбатда ўтказиб юборилиши шарт.

125. Ўтказиб юборишнинг имкони бўлмаганда, земснаряд яқинлашиб келаётган кемага камида 1 км қолганда 5 марта қисқа товушли сигнал ёки тез-тез кўнғироқ уриб огоҳлантириш сигнални бериши шарт.

Бундай сигнални олган кема зудлик билан такроран сўров бермасдан рухсат олгунга қадар ҳаракатни тўхтатиши шарт.

126. Кема юрадиган йўлларда сув ости ёки ғаввослик ишлари билан банд бўлган кемалар ёнидан ўтиш земснарядларнинг ёнидан ўтиш каби сигналлар алмашиш орқали амалга оширилади.

### **9-боб. Амударё дарёсида сузиш**

127. Кема йўлининг чуқурлиги, кенлиги, бурилиш радиуси, кемаларнинг туби бўйича ўрнатилган сув захираси бўлган кема йўли габаритлари орасидаги нисбийлик мувофиқ келмаганда, дарёда қуйидаги ишлар амалга оширилгандан сўнг кемалар ва таркибларнинг ҳаракатланишига рухсат берилади:

барча кемалар сувга ботиши бўйича кема ёки таркибни кўп сувли участкага ўтиш имконини бермайдиган чуқурликни кўрсатувчи сигнал мачтасига ёки қирғоқ белгисига яқинлашганда тўхташлари ва вахта бошлиқлари сув йўллари техник участкаси ходимларидан сув йўлининг ҳолати тўғрисида ахборот олишлари, агар сув йўллари хизматининг ходимлари бўлмаса, йўлнинг саёз участкасини текшириши;

сув йўллари техник участкалари ходимлари томонидан саёз участкадан ўтишга қаршилик бўлмаса, сувнинг ёйилиб оқиш участкаси бошқа кема билан банд эмаслигини, сув тубидаги ер юмшоқ ва осон ювиш мумкин эканлигини текшириши;

кема тубида захира сув бўлмаган саёз участкага киришдан олдин шатакка олинган кемаларнинг командасини олдиндан саёзлик орқали ҳаракатланиши тўғрисида огоҳлантириши;

саёз участкага киришдан олдин вахта бошлиғининг рухсати билан таркибни ечиш, боғланган занжирларни йиғиб олиш, лангарларни кўтариш ҳамда хавфсиз сузишни таъминловчи бошқа чораларни кўриш.

Сув ёйилиб оққан участкада бир нечта таркиб йиғилиб қолганда, уларни ёйиқ жойдан ўтказиш учун сув йўллари техник участкаси ходими раҳбарлик қилади.

128. Кема тубида захира сув бўлмаган ва сув тубида тош борлигини билдирувчи белги билан белгиланган ва сув йўллари техник участкаларининг радио бюллетенларида эълон қилинган қаттиқ ерли участкада (тош, шағал) ҳаракатланиш тақиқланади.

Бундай ҳолатларда кемаларнинг тубидаги сув захираси қуйидаги жадвалда кўрсатилганидан кам бўлмаслиги шарт:

Чуқурлиги, метрда	Ўзиюрар кемалар ва шатакланувчи таркиблар, мм да	Эркин йўлларда сантиметрда				Каналларда барчаси, мм да
		Нефть маҳсулотлари ва портловчи воситаларни ташувчи кемалар		Шатакка олинган ўзиюрмас кемалар		
		қумли ва шағалли ерда, мм да	тошли ерда	қумли ва шағалли ерда, мм да	тошли ерда, мм да	
1.5 гача	100	100	150	50	100	150
1.5 – 3.0	150	150	200	100	150	200
3 дан ортиқ	200	200	250	150	200	300

129. Таркиблар ва сув йўлларининг габаритлари орасидаги энг кам етарли номувофиклик тегишли сув йўллари техник участкалари томонидан дарёнинг тўлқинланиши, навигация даври, шатакловчиларнинг тортиш қуввати ва ҳаракат йўналишига қараб белгиланиши шарт.

Сув йўлларининг шароитлари ва дарё бўйлаб ҳаракатланиш йўналишига қараб, навигациянинг турли даврларида таркибларнинг узунлиги ва сувга ботиши қисқариши мумкин.

130. Сув йўллари техник участкалари дарёнинг назорат гидростатида сув сатҳининг 1 метрдан ортиқ пасайганлигини аниқласалар, бу участкани мураккаб жойининг юқори ёки қуйи қисмида ҳақиқий чуқурлик кўрсатилган сигнал мачтаси ёки қирғоқ белгиси ўрнатиб, эркин ҳаракатланиш учун ёпиб қўйишлари шарт.

Эркин ҳаракатланиш учун огоҳлантирувчи чораларни кўрмасдан кемаларнинг хавфсиз ҳаракатланишига таҳдид солувчи, етарли чуқурликка эга бўлган, бироқ тор ёки айланма йўл, сув усти ёки сув ости тўсиқларига эга бўлган участкалар ҳам ёпилиши шарт.

131. Агар кемаларнинг эркин ҳаракатланишига чекланишлар ўрнатилган бўлса, у ҳолда сув йўллари техник участкаларининг масъул ходимлари чекланишлар ўрнатилган участкада ўзан шаклининг ўзгариши ва флот ҳаракати устидан доимий назорат ўрнатиши ва сув сатҳини тез-тез ўлчаб туриши, энг чуқур жойларни ишора қозиғи ва бакенлар билан ўраб қўйиши, ўтиб кетаётган кемаларни кузатиб қўйиши ва кема бошқарувчиларини сув йўллари ҳолати тўғрисида хабардор қилиши шарт.

132. Кема йўлларида ҳаракатланиш учун чекланиш жорий этилганлиги тўғрисида сув йўллари техник участкаларининг бошлиқлари ва бу участкаларда ҳаракатланаётган кема эгалари хабардор қилиниши шарт.

133. Кема капитанлари ички кема йўллари бўйича кемачилик жиҳозларининг мавжудлиги ва бу жиҳозларнинг тўғри ўрнатилганлигини кузатиб бориши ва кема йўлларининг ўзгариб туришига қараб, кема ҳаракатини вазият бўйича мувофиқлаштириб бориши шарт.

134. Ички кема йўллари белгилашда номутаносиблик ёки кемачилик жиҳозлари белгиларини стандарт ва туридан четга оғишганлиги аниқланганда, кема капитани сув йўллари техника участкасига мавжуд ҳолат бўйича хабар бериши ва бу участкада сузадиган барча кемалар учун огоҳлантириш юбориш йўли билан авария ҳолатларини бартараф этишни таъминлайдиган чоралар кўриши шарт.

Сув йўлларининг техник участкалари бу ҳақда кемачилик регистри инспектори ва кема эгаларини хабардор қилиши шарт.

135. Ички кема йўлларида кузатилган носозликлар ва кўрилган чоралар тўғрисида капитан вахта журналига қайд этиши шарт.

Ички кема йўлининг саёз, ёйиқ ва тўлқинли ёйиқ участкаларида тезлик пасайтирилиши шарт.

136. Вахтани олиб бориш вақтидан қатъи назар, қуйидаги участкаларда кемани капитаннинг ўзи бошқариши шарт:

Айважнинг қуйи қисми, Качигузар, Олтин ороли, Хатиробод ирмоғи, Ҳайратон темир йўл кўприги, Айритом, Оқ тоғ, Гиштепа, Эски Термиз, Туямўйин, Тахиатош, Тўрткўл кўприги, Беруний кўприги, Қипчоқ кўприги, Қипчоқ буруни, 152-постнинг сув ости тошли йўли, Тахиатош шлюзининг юқори бьеф йўли, Хўжайли - Нукус автомобиль йўли, Бегаб, Қизил жар.

### **10-боб. Таркибларни шакллантириш**

137. Таркибларни шакллантириш ишлари ички кема йўлларининг габаритлари, кемаларнинг техник ҳолати, уларнинг юк кўтариш қобилияти ва сувга ботиши, ҳар бир кеманинг алоҳида ишлатиш сифатлари ва ташилаётган юкнинг турини инобатга олиб амалга оширилади.

Таркибнинг бошида биринчи бўлиб боғланадиган энг узун, энли ва сувга кўпроқ ботишга эга бўлган кема қўйилади.

Юкланган кемалар билан бирга бўш кемалар ҳам таркибга киритилса, улар таркибнинг охирига жойлаштирилади.

138. Кемаларни таркибга сиртмоқ ёки бошқа узун боғламлар билан боғлаш ҳамда сахнадан очилган тешик, комингс, карлингс, шпил, клюз ва кемаларнинг бу мақсадга мўлжалланмаган қурилмаларига боғлаш қатъиян тақиқланади.

Ҳар бир боғланган арқон исталган вақтда алоҳида эркин ечилиш ёки бўшатиш имконини бериши шарт. Таркибни боғлаш учун баржа шкипери жавобгар ҳисобланади.

139. Шатакка олувчи теплоходнинг капитани теплоходнинг қувватидан юқори даражада фойдаланиши, шатакка олишнинг энг самарали услубларини қўллаши, таркибга кемаларни қулай жойлаштириши, шатак, боғлаш арқонларининг узунлиги ва қалинлигини тўғри танлаши ҳамда ҳаракат тезлигига риоя этиши, оқимга қарши ҳаракатланганда тинч оқимли участкадан фойдаланиши шарт.

140. Таркибларнинг оқим бўйича ҳаракатланиш даврида сув йўлининг тўсатдан ўзгариши натижасида шатакка олувчи саёзликка ўтириб қолган вақтда, шатакка олинган кемалар ўз инерцияларини камайтириш ва шатакка олувчига урилишнинг олдини олиш мақсадида таркибнинг барча кемалари орқа томонидан судралма занжирлар ёки махсус тайёрланган лот ташлаши шарт.

Қуввати 300-400 от кучига эга бўлган ҳар бир шатакка олувчи кемада 200 метрдан кам бўлмаган, қуввати 100-180 от кучига эга бўлган кемада 75 метрдан кам бўлмаган занжирлар бўлиши шарт.

141. Кемаларни лотсиз бошқаришда қисқа участкаларда, қачонки шатакка олувчи шатакка олинувчи кемаларга нисбатан камроқ сувга ботишга эга бўлса, сузишга рухсат этилади.

### **11-боб. Чегара ҳудудларида сузиш**

142 Чегара ҳудудларида сузиш Халқаро битимлар ва Ўзбекистон Республикасининг чегара ҳудудларида фаолият юритишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ҳамда мазкур Қоидалар билан тартибга келтирилади.

143. Ёритувчи кемачилик жиҳозлари мавжуд бўлмаган участкаларда кемаларнинг сузишига кеча-кундуз рухсат этилади ва ушбу участкаларда қоронғилик ва кундуз куни ҳавонинг ўзгариши туфайли ҳаракатланиш мураккаблашса, кема лангарда ёки белгиланган қирғоқда тўхтаб туриши шарт.

Тўхтаб туриш жойлари Чегара назорати бўлинмалари томонидан сув йўллари техник участкаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Фарватерда тўхтаб турган вақтда ов, чўмилиш ҳамда одамларни бортга олиш ва тушириш, юкларни юклаш ва тушириш тақиқланади.

Кемаларни чегарадош давлат қирғоғига яқин жойларда лангарда тўхтаб туришига йўл қўйилмайди.

144. Чет элга сузадиган кемаларга чегарани кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, хориж давлат портлари ёки пристанларига тўхтаб туришга рухсат берилади.

Кемада авария ҳолати ёки табиий офат сабабли махсус тўхтаб туриш жойида тўхташнинг имкони бўлмаса, ўнг қирғоқнинг бирор-бир жойида лангарда туриши ёки боғлашга йўл қўйилади, бу ҳолда кема капитанлари Чегара назорати бўлинмаларига чакирув сигнали беришлари шарт.

145. Ўнг қирғоқда боғлаш даврида кема командасига боғлаш арқони узунлигидан ортиқ узоқликка бориши тақиқланади.

Қирғоқда олов ёқиш, ўтин тайёрлаш, ҳар хил буюмларни қолдириш ҳамда зарурат бўлмасдан қирғоқ ва саёзликка чиқиш тақиқланади.

Тўхтаб туриш жойидан жўнаб кетганда, вахта бошлиғи ва баржа шкипери кемада команданинг тўлиқлиги ва қирғоқнинг ҳолатини текшириши шарт.

146. Кемадан қайиқларни сувга туширишга “Борт ортида одам” тревогаси бўйича саёз жойларни ўлчаш ишларини амалга оширишда белгиларга хизмат кўрсатиш, уларни бошқа жойга кўчиришда ва авария ҳолатларида рухсат берилади.

Қайиқда камида икки киши бўлиши, кема қайиқларида баландлиги 10 сантиметрдан кам бўлмаган ҳарфлар билан кеманинг борт рақами, номи ва кема эгасининг номи ёзилган бўлиши, тунда қайиқлар оқ чироқ олиб юришлари шарт.

147. Кемаларнинг Чегара назорати бўлинмалари билан алоқалари қуйидаги сигналлар ёрдамида ўрнатилади:

“Тўхташни талаб этаман” - тунда битта қизил ракета отиш, кундуз куни - оқ байроқни силташ;

“Чегара назорати бўлинмалари вакилларини чақириш” - иккита давомли товушли сигнал, битта қисқа ва битта давомли товушли сигнал бериш;

кўриш сигнали - кундуз куни - мачтада қизил байроқни тушириш ва кўтариш, тунда - мачта чироқларини ёкиб ўчириш.

148. Чегара ҳудудларида кемачилик жиҳозлари ва белгиларини ўрнатиш сув йўллари техник участкаси томонидан Чегара назорати бўлинмалари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

149. Кемалар ва уларнинг экипаж аъзоларини чегара ҳудудларида сузишга ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган кема хизматига асосан рухсат берилади. Кема капитани чегара нарядининг биринчи талаби бўйича кема хизмати ҳамда тегишли ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

150. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси ҳудудидаги дарё флоти диспетчерлари ва кема капитанлари кема эгасига ва чегара назорати бўлинмаларига қуйидаги маълумотларни етказишлари шарт:

чегарадош давлат ҳудуди томонидан кемаларни ёки объектларни эгаллаб олишга уринишлар;

қирғоққа чегара бузувчиларни тушириши ёки тушириш аломатлари сезилганда ёки чегара бузувчиларнинг қирғоқдан жўнаб кетиши;

одамларнинг сузиш воситалари ёки уларсиз дарёдан сузиб ўтиши;

кема бортидан одамларнинг ёки сузиш воситаларининг йўқолиши;

қирғоқдан кемани олиб қочиш ёки ўғирлаш, шунингдек, белгиланган вақтда причалга қайтмаганлиги ёки ҳужжатларни расмийлаштирмасдан жўнаб кетиши;

сузиш воситаси ёки уларсиз сузаётган одамларни бортга олишнинг барча ҳолатлари.

Кўрсатилган маълумотлар алоқа каналлари бўйича Чегара назорати бўлинмалари билан келишилган пароль бўйича узатилиши шарт.

151. Кемаларга эга корхоналарнинг маъмурияти ва дарё флоти диспетчерлари канал орқали хабарномани олгандан сўнг зудлик билан Чегара назорати бўлинмаларининг тезкор хизматларини ҳамда ўтказиш пункти назорат бўлимини хабардор қилишлари шарт.

152. Кема капитанлари дарёда қўлбола воситаларда ёки уларсиз, сузувчи воситаларда сузувчиларни аниқласа - сузувчиларни бортга олиши, сузувчи воситаларини эса ушлаб қолиши ва зудлик билан кема эгалари ва Чегара назорати бўлинмаларига келишилган пароль орқали хабар бериши ва кейин уларнинг кўрсатмалари бўйича ҳаракат қилиши шарт.

153. Кема эгаларининг дарё флоти диспетчерлари хабарни олгандан сўнг зудлик билан Чегара назорати бўлинмалари ва ўтказиш пункти назорат бўлими тезкор хизматини хабардор қилиши ҳамда ҳар куни соат 08:00 ва 20:00 да хориж давлати портларида турган кемаларни қўшган ҳолда ўтиш жойларида турган кемаларнинг жойлашганлиги тўғрисида маълумот беради. Барча маълумотлар лоцман харитаси (километр билан) ёки манзил (аҳоли пункти, тоғлар, қирғоқ белгилари) бўйича берилади.

154. Кема капитанлари “Генерал Мўмин” ва Айваж портлари кўприқларидан ўтиш даврида Чегара назорати бўлинмалари талабларига қатъий амал қилиши шарт.

### **12-боб. Кемаларда хавфли юклар ва зарарли газ ажратиб чиқарувчи юкларни ташиш**

155. Хавфли юкларга нефть маҳсулотлари, портловчи ва тез аланга оладиган воситалар ҳамда сув билан қўшилганда реакцияга киришиб, юқори температура ажратиб чиқарадиган ёки аланга оладиган кимёвий юклар киради. Зарарли газ ажратиб чиқарадиган кимёвий юкларга сув ёки ҳаво билан қўшилганда, зарарли газ ёки кимёвий юкнинг ўзи чангланиб кетадиган юклар киради.

156. Мазкур Қоидаларнинг 155-бандида кўрсатилган юклар билан юкланган ёки туширгандан сўнг уларнинг қолдиғи бўлган кемалар портда ёки рейдларда бошқа кемалардан алоҳида қўйилиши шарт. Бундай кемаларни рейдда икки ёки ундан кўп ёнма-ён боғлаш ёки қўйиш қатъиян тақиқланади.

157. Хавфли юклар юкланган кемалар тўхтаб турганда мачтасида: кундуз куни - қизил тўртбурчак байроқ, тунда - аккумулятор батареяси манбасидан ёритиладиган, бутун горизонт бўйича кўринадиган битта қизил чироқ, шатакка олинган даврда эса бутун горизонт бўйича кўринадиган битта оқ чироқ бўлиши шарт.

### **13-боб. Кўриниш чекланган шароитларда кемаларнинг сузиши**

158. Горизонт бўйлаб кўриниш масофаси 1 кмдан кам бўлганда кемаларнинг ҳаракатланиши тақиқланади.

159. Кўриниш чекланган даврда кема ёки таркиб фақат лангарда тўхтаб туриш учун жойни танлаш учун ўзининг ҳаракатини давом эттириши мумкин. Бу ҳолатда кема мунтазам кўриш ва эшитиш орқали вазиятни назорат қилиб бориши, тегишли товушли сигналларни бериши ҳамда радиоалоқа бўйича эфирда, ўзи бўлиб турган вазият ва жойлашуви тўғрисида хабар бериши шарт.

160. Кейинги ҳаракат тўғрисида қарор қабул қилишда ҳақиқий кўриш масофаси, ҳаракат интенсивлиги, кемалар (таркиблар) габаритларининг сув йўли габаритларига нисбийлигига алоҳида эътибор қаратиши шарт.

161. Радиоалоқа бўйича мулоқот олиб бориш даврида ўзаро ҳаракатлар айнан шу кема билан келишиб олаётганлигини аниқ билиши шарт.

162. Ҳаракатланувчи ва тўхтаб турган кемалар кўриниш чекланган даврда куйидаги сигналларни бериш орқали атрофдаги кемаларни огоҳлантириши шарт:

ҳаракатдаги кемалар ҳар 2 дақиқадан кўп бўлмаган ораликда – битта давомли товушли сигнал;

кемаларни ёки солларни шатакка олган кема ҳар 2 дақиқадан кўп бўлмаган ораликда – битта давомли ва иккита қисқа товушли сигнал;

кўриниш чекланган даврда кема юрадиган йўл чегарасида лангарда ёки саёзликда турган ўзиюрар кема яқинлашаётган кемаларни огоҳлантириш учун битта қисқа, битта давомли ва битта қисқа товушли сигнал бериши шарт. Экипажга эга бўлган ўзиюрмас кема бундай ҳолда қўнғирокқа ёки металл предметга тез-тез уриш билан сигнал беради.

#### **14-боб. Кемалардан айрилиш (ўтказиб юбориш) ва ўзиб кетиш**

163. Кўриш масофаси 1 кмдан кам бўлган даврда қарама-қарши ҳаракатланаётган кемалар бир-бирларидан айрилиш вақтида улар олдиндан радиоалоқа бўйича қулайроқ жойни келишиб олишлари ва фақат чап бортилари билан айрилишлари шарт.

164. Оқимга қарши ҳаракат қилувчи кема келишилган жойга етиб келганда, қанча зарур ва хавфсиз бўлса ўнг томонга ўтиши, тўхташи ёки тезликни энг кам тезликкача пасайтириши ва қарама-қарши келаётган кемани (таркибни) чап борти томонидан ўтказиб юбориши шарт.

165. Оқим бўйича ҳаракат қилувчи кема келишилган жойга етиб келганда, олдиндан тезликни энг кам тезликкача пасайтириши, қанча зарур ва хавфсиз бўлса ўнг томонга ўтиши ва қарама-қарши кема ортга қолгунга қадар шундай тезликда ҳаракат қилиши шарт.

166. Кўриш масофаси чекланган даврда кемаларнинг бир-биридан ўзиб кетишига йўл қўйилмайди.

### **15-боб. Кемаларнинг тўхтаб туриши Лангарда тўхтаб турган кемаларга қўйиладиган талаблар**

167. Кемалар, таркиблар ва соллар махсус ажратилган рейдларда жойлашиш ва тўхтаб туриш тартибига риоя этган ҳолда лангарда туришлари шарт.

168. Рейдларда кемалар, таркиблар ва солларнинг жойлаштирилиши ва тўхтаб туриши маҳаллий сузиш шароитлардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган маҳаллий қоидалар ва мазкур Қоидалар билан ўрнатилган тартибда белгиланади. Рейдлар навигация хариталарида кўрсатилган бўлиши шарт.

169. Кемалар, таркиблар ва солларнинг ҳаракатланиш йўлида ёки рейдлар бўлмаган жойларда лангарда туриш учун зарурат пайдо бўлганда, улар кема юрадиган йўлга яқинроқ бўлган, бошқа кемаларнинг ҳаракатланишига ва манёвр қилишига халақит бермайдиган хавфсиз жойда лангарда тўхтаб туриш жойини танлаши шарт.

170. Кемалар, соллар, дебаркадер, земснаряд, сузувчан кўприк ва бошқа сузувчи воситалардан ташланган лангарлар ҳаракатланаётган кемаларга хавф туғдирмаслиги шарт.

Кемалардан ташланган тўрт шохли ва адмиралти лангарлар оқ ва қизил ҳошия билан бўялган буйлар (қалқович) билан белгиланган бўлиши шарт.

Буйнинг узунлиги шундай бўлиши лозимки, лангар ташлангандан сўнг буй ортиқча захирасиз сувнинг юзида бўлиши шарт.

Лангар ва боғлаш занжирларини буйсиз ташлаш тақиқланади. Ҳар бир лангарда, унинг вазни ва мансублиги кўрсатилган тамға бўлиши шарт.

171. Барча кемалар тўхташ зарур бўлганда фарватердан ташқарида, устун ва кема йўли ўзгаришини кўрсатиб турадиган белгилардан 100 метрдан кам бўлмаган масофада ва бошқа кемаларнинг ҳаракатланишига халақит бермайдиган жойда тўхташи шарт.

Кўприк, сув иншоотлари олдидаги саёз, бурилиш ва тор жойлар, дебаркадер ҳудуди, йўловчи ва юк причалларига кириш жойлари, кечув жойлари, навигация белгилари, сув ости кабеллари ётқизилган жойлар, сув ости ўтиш жойлари, сув олинadиган жойлар, сув қисилиб оқадиган қирғоқлар ва сув йўллари техник участкаси томонидан алоҳида эълон қилинган жойларда тўхтаб туриш тақиқланади.

Кемачиликни сиқиб қўяётган кемалар ва бошқа сузувчи иншоотлар ушбу кемалар ва сузувчи иншоотлар эгалари томонидан бошқа жойга ўтказиб қўйилиши шарт.

Худди шундай причал ёнида турган, юклаш операциялари билан банд бўлмаган ёки юклаш операцияларини бажаришга ёки бошқа кемаларнинг ҳаракатланишига халақит бераётган кемалар ҳам бошқа жойга ўтказилади.

Кемалар йўловчи дебаркадерлари ва доктлардан 200 метрдан кам бўлмаган масофада лангарда тўхтаб туриши ёки причалга боғланиши шарт.

172. Нефть маҳсулотлари (ёки уларнинг қолдиғи бўлган), портловчи, захарловчи воситалар ва тез аланга оладиган юклар билан юкланган кемалар портлар ва рейдларда, кемаларга ишлов бериш бўйича маҳаллий қоидалар билан белгиланган махсус жойларда алоҳида туради. Бошқа кемалар бу кемалардан 300 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилади.

173. Кемалар фарватерда ёки унга яқин жойда тўхтаб турганда, қирғоққа боғланган ёки лангарда тўхтаб турганда доимо назорат остида бўлиши, вахтадагилар эса мазкур Қоидалар билан белгиланган сигналларни бериб бориши шарт.

174. Шатакка олувчи кема шатакка олинган кемани боғлаш ёки уни лангарга қўйиш даврида у кема юрадиган йўлни озод этмагунга қадар қолдириши мумкин эмас ва шатакка олувчининг вахта бошлиғи шатакка олинган кеманинг ишончли ва хавфсиз тўхтаб туришига ишонч ҳосил қилиши шарт.

### **16-боб. Амударё дарёсида командаси бўлмаган баржалар ва бошқа кемаларнинг тўхтаб туриши**

175. Командаси бўлмаган баржалар ва бошқа кемаларнинг уларда сигнал чироклари бўлмаганда, тўхтаб туришига кема юрадиган сув йўлларида ташқарида, ишончли боғлаш қурилмалари билан жиҳозланган тўхтаб туриш учун махсус ажратилган жойларда рухсат этилади.

176. Командаси бўлмаган баржалар ва бошқа кемаларнинг уларда сигнал чироклари бўлмаганда, кема юрадиган сув йўллари чегарасида тўхтаб туришига фақат шатакка олувчи билан қуйидагилар мавжуд бўлганда рухсат этилади:

узунлиги 50 метрдан кам бўлган кемалар билан тўхтаб турганда – сигнал чироклари мазкур Қоидаларга мувофиқ;

узунлиги 50 метрдан ортиқ бўлган кемалар билан тўхтаб турганда – сигнал чироклари мазкур Қоидаларга мувофиқ ва унга қўшимча шатакка олган кема яқинлашаётган ва ўтиб кетаётган кемаларга тўхтаб турган кемалар ёки таркибнинг жойлашганлигини кўрсатувчи кема прожектори ёки бошқа нур таратувчи қурилмалар.

Командаси бўлмаган баржалар ва бошқа кемаларни назоратсиз қолдиришга йўл қўйилмайди.

### **17-боб. Хавфсизлик ва ёрдам кўрсатиш чоралари 1-§. Ёрдам кўрсатиш чоралари**

177. Кема бошқарувчилари ва шкиперлари кемачилик жиҳозлари ва белгиларининг шикастланганлиги ҳамда ички кема йўлларида лангар, боғловчи занжир, судралма занжир ва бошқа буюмларнинг йўқотилганлиги сабабли бошқа кемаларнинг хавфсиз сузишига таҳдид пайдо бўлганлиги тўғрисидаги барча ҳолатларни пост ва қарама-қарши келаётган кемаларга буюм йўқотилган жойни аниқ кўрсатиб хабар бериши, зудлик билан чўккан буюмни

кўтариши ёки огоҳлантирувчи белгилар билан тўсиб қўйиши ва бу ҳақда сув йўллари техник участкаси ҳамда кема эгаларини хабардор қилиши шарт.

178. Кемада чўкиш хавфи туғилганда, кема капитани ёки шкипери ҳамда уни шатакка олган кема фарватерни бўшатиш ва аварияга учраган кемани бирор қирғоққа ёки саёз жойга олиб бориш учун барча чораларни кўриши шарт.

179. Сувда бахтсиз ҳодиса юз бериб, одамлар ҳаёти хавф остида бўлганда, унинг яқин атрофида жойлашган барча кемалар зудлик билан ўзларида мавжуд воситалар билан ёрдам беришлари шарт.

180. Агар кеманинг ҳалокати муқаррар бўлса, капитан йўловчиларни қутқариш бўйича барча чораларни кўргандан сўнг экипажга кемани тарк этишга рухсат беради. Капитаннинг ўзи кемани охирида тарк этиши шарт.

181. Авария ҳолати бўйича кема капитани ёки бошқа сузиш воситасидаги масъул шахслар схематик чизмалар, айбдорлар ва жабрланганларнинг ҳамда гувоҳларнинг (агар улар бўлса) тушунтириш хатлари билан уч нусхада мазкур Қоидаларга иловага мувофиқ шаклда Кемада содир этилган авария тўғрисида далолатнома тузади ва вахта журналидан ҳодиса тўғрисидаги ёзувдан кўчирма олади.

Далолатноманинг бир нусхаси ҳужжатларни қайд этиб яқин жойлашган кемачилик регистри инспекторига, иккинчи нусхаси қайд этилган ҳужжатларни илова этиб кема эгасига берилади, учинчи нусхаси эса ўзида қолдирилади.

Ҳужжат тузиш даврида капитан бу ишга флот бошлиғи ёки капитан-мураббийнинг иштирок этишини таъминлаши шарт.

182. Техник носозликлар натижасида юзага келган авария ҳодисалари тўғрисида кема капитани яқин жойлашган Кемачилик регистри инспекторини хабардор қилиши ва зудлик билан унинг талабларини бажариш чораларини кўриши шарт.

183. Мазкур Қоидаларда кўзда тутилмаган барча ҳолатларда кема бошқарувчиси кемани бошқариш амалиётидан келиб чиққан ёки бу ҳолатнинг алоҳида вазиятларини ҳисобга олган ҳолда, сузиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларни кўриши шарт.

184. Экипаж аъзолари қуйидаги тревогалар бўйича ўз вазифаларини билиши ва аниқ бажариши шарт:

ёнғин тревогаси;

сув тревогаси;

“Бортдан ташқарида одам” тревогаси.

Кемада тревогалар бўйича умумий жадваллар қуйидаги жойларда осилган бўлиши шарт:

кўприкчада;

ошхона ёки коридорда, барча экипаж кўриши мумкин бўлган жойда.

Алоҳида жадваллар варақаси каюталар бўйича осиб қўйилган бўлиши шарт.

Вахта жойлашган жойда телефонлар рўйхати, порт маъмурияти ва ёнгин командасини хабардор қилиш учун кўрсатиб қўйилган тревогалар бўйича жадвал осиб қўйилган бўлиши шарт.

## **2-§. Командаси бўлмаган баржани шатакка қабул қилиш даврида хавфсизликни таъминлаш**

185. Кема бошқарувчиси баржани шатакка қабул қилишдан олдин ўзиюрмас флот бўйича қирғоқ инспектори билан биргаликда ҳар бир баржанинг техник ҳолатини аниқлаш учун уларни кўриқдан ўтказди.

Кўриқ даврида қуйидагилар аниқланиши шарт:

қобикнинг сув ўтказмаслиги;

боғлаш, шатакка олиш ва лангар қурилмаларининг созлиги;

тўхтаб туриш учун ўрта қисм бруслари ва кринолин бутунлиги;

бириктирилган инвентарнинг мавжудлиги;

кемани сақлаб қолиш учун курашга мўлжалланган ва қўл остида доим бўлиши керак бўладиган материаллар ва авария инвентарининг мавжудлиги;

сувга ботиши, крен, дифферент ва юкнинг тўғри жойлашганлиги.

186. Баржалардан иборат таркибни шакллантиришдан ва шатакка олишдан олдин капитан (вахта бошлиғи) уларнинг техник ҳолатини текшириши ва “Кема журналы”га қайд этиши шарт.

187. Шатакка олувчининг экипажи баржаларни қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилган вақтдан бошлаб, командаси бўлмаган баржаларнинг техник ҳолати, сақланиши ва уларга хизмат кўрсатилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Командаси бўлмаган баржаларни назоратсиз қолдириш тақиқланади.

188. Шатакка олувчининг капитани (вахта бошлиғи) командасиз баржаларни доим назорат қилиб туриши ва бундай кемалар қандай ҳолатда бўлмасин, улардан ҳалокат сигнали келмаслигини эътиборга олиши шарт.

Шатакка олувчининг экипажи доимо юқори сафарбарликка тайёр туриши ва кемани сақлаб қолиш учун курашиш инвентари, аслаҳа ҳамда бошқа воситалар тўлиқ ва штат жойларида бўлишини таъминлаши шарт.

189. Йўлнинг мураккаб участкасини ўтиш даврида кемалар сув ости тўсиқларига дуч келганда, унга чиқиб кетганда ёки саёзликка ўтириб қолган ҳолатларда вахта бошлиғи зудлик билан ҳаракатни тўхтатиши ва кемаларнинг ҳолатини текшириши шарт.

190. Белгиланган пунктга келгандан сўнг капитан (вахта бошлиғи) кемалар билан содир этилган ҳолатлар тўғрисида тузилган далолатномаларни илова этган ҳолда (агар қатнов давомида содир этилган бўлса), кема эгасига бажарилган қатнов бўйича билдирги тақдим этади.

### **3-§. Қайиқларни теплоход борти ёнига қабул қилишда хавфсизлик чоралари**

191. Ҳаракатланаётган теплоход борти ёнига қайиқларнинг келишига йўл ҳолати ва бошқа сабаблар бўйича хабардор қилиш зарур бўлганда йўл қўйилади.

Ҳаракатланаётган ғилдиракли теплоход ёнига қайиқларнинг келишига йўл қўйилмайди.

192. Қайиқ бошқарувчиси теплоход борти ёнига келишдан олдин кема олдидан камида 1 км масофада “Қайиқни қабул қилишингизни сўрайман” сигналини қуйидаги тартибда беради:

Кундуз куни - оқ чироқ ёки оқ байроқни боши тепасига кўтариб;

тунда - оқ чироқни доира қилиб айлантириб.

193. Вахта бошлиғи қайиқни қабул қилишга розилигини ёки рад этишни қуйидаги товушли сигналлар билан беради:

қайиқни ўнг борт томондан қабул қилишда - битта қисқа товушли сигнал;

қайиқни чап борт томондан қабул қилишда - иккита қисқа товушли сигнал;

қайиқни қабул қилишга рад этиш - бешта тез-тез қисқа товушли сигнал.

194. Бортига қабул қилиш учун теплоходнинг розилигини олган қайиқ теплоходнинг бортига узатиш учун махсус лангар ёки арқонни тайёрлаб теплоходнинг ҳаракат йўналиши бўйлаб бурилиши шарт.

Қайиқни кема бортига қуйидаги жойлардан қабул қилиб олишга йўл қўйилади:

ғилдиракли теплоходда - олд борт кнехтлари жойлашган олд қисмидан;

ғилдиракли паст бортли теплоходларда - вахта бошлиғининг қарори бўйича олд қисми ёки ғилдиракнинг орқа қисмидан. Бунда қайиқ қабул қилинаётган шу бортнинг ғилдираги тўхтатиб қўйилган бўлиши шарт;

винтли теплоходларда - бортнинг ўртасидан.

195. Борт ёнига қайиқни қабул қилиш даврида вахта бошлиғи хавфсиз қабул қилишни таъминлаш бўйича қуйидаги чораларни кўриши шарт:

махсус лангарни ёки арқонни қабул қилиб олиш учун чангак билан одам юбориши, оқимга қарши бурилиши ёки тинч оқар сувга ўтиши;

машина бўлимининг вахта бўйича раҳбарини машиналар иш режимини ўзгартиришга тайёр туриши ҳақида огоҳлантириши.

### **4-§. Кечувларга қўйилган талаблар**

196. Кечувлардан фойдаланиш ва уларга қараб туриш мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

197. Дарё ва бошқа сув ҳавзаларида кечувларни ташкил этишда қуйидаги ишларни амалга оширгандан кейин йўл қўйилади:

дарё суви оқимининг тезлиги энг кам ва оқим йўналиши қирғоққа параллель бўлган ҳамда кема йўли томонидан қулай ва хавфсиз келиш учун етарли узунликдаги сув йўли участкаси бўлиши;

одамларни ва автомобилларни кемага келиши учун қаттиқ қопламага эга бўлган текис ер майдони ва унга кириш йўллари бўлиши;

кемаларнинг турига қараб, қирғоқда швартов қурилмаларининг тўғри ва мустаҳкам ўрнатилган бўлиши.

Кемаларни дарахтларга, юқори кучланишдаги электр устунларига ва қирғоқдаги бошқа тасодифий нарсаларга боғлаш тақиқланади;

одамларни қирғоқдан кемага қулай ва хавфсиз ўтишини таъминлайдиган, баландлиги 1 метрдан, эни 0.6 метрдан кам бўлмаган, ҳар бир метрда 80 кг юк кўтариш қобилиятига эга, узунлиги бўйлаб ёй бўйича 0.04 метрдан ортиқ эгилмайдиган, тутқич ва леерлар билан жиҳозланган, мустаҳкам конструкцияга эга бўлган кўприкчалар мавжуд бўлиши;

қия ўрнатиладиган кўприкчаларда, уларнинг узунлиги бўйлаб ҳар 300 – 400 мм оралиғида ўлчамлари 300 – 500 мм х 50 х 30 мм бўлган кўндаланг ёғоч рейка ўрнатилган бўлиши;

кундуз кунни аниқ кўринадиган ва тунда ёритадиган оғоҳлантирувчи белгиларнинг (сув чуқурлиги, кечув учун фойдаланишда бўлган кеманинг юк кўтариш қобилияти) мавжуд бўлиши;

кечув ишларини хавфсиз амалга ошириш бўйича йўриқномалар мавжуд бўлиши, кемага чиқишдан олдин ва кема бортида одамларга йўриқнома ўтказилиши.

198. Кечув учун фойдаланиладиган кемалар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

кемалар Кемачилик регистри инспекторлари томонидан техник кўриқлардан ўтказилган ва Регистрнинг кема ҳужжатларига эга бўлиши;

кечув ишларини амалга ошираётган шахс кема ҳайдовчиси гувоҳномасига эга бўлиши ва кема экипажининг барча аъзолари сузишни, чўкаётган одамни қутқариш усулларини ва биринчи ёрдам беришни билиши;

кечув ишларига жалб этилган кемалар қутқарув воситалари, автомашина ва ҳайвонларни маҳкамлаш воситалари билан жиҳозланган бўлиши;

борт ҳимоя тўсиқлари техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бўлиши ва одамларни бортидан ташқарига тушиб кетишини истисно этиши;

эшакли ва моторли қайиқлар юк ватерлиниясидан 10 сантиметрдан баланд бўлган қутқарув ҳимоя тўсиғи билан жиҳозланган бўлиши;

кема бортига кириш жойи яқинида қутқарув доираси, шунингдек, узунлиги 25 метрдан кам бўлмаган ташланадиган арқон боғланган битта қутқарув доираси бўлиши;

кеманинг кўринадиган жойида йўловчи сифими ва юк кўтариш қобилияти тўғрисидаги ахборот осиб қўйилган ҳамда қуйидаги маълумотлар бўлиши:

“Ҳайдовчилар! Машиналарни тормозга ва биринчи узатмага қўйинглар, боғичларни текширинг”;

“Бортга яқинлашманг, химоя тўсиқларига суянманг!”;

“Силкинишдан эҳтиёт бўлинг!”.

199. Хавфсизлик талабларига жавоб бермаган кечувларнинг ишлатилиши Кемачилик регистри инспектори томонидан тақиқланади.

Кечувлар фаолиятини тиклашга фақат камчиликларни бартараф этгандан ва Кемачилик регистри инспектори томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг йўл қўйилади.

200. Йўловчи ва юклар хавфсиз ва ишончли ташилиши учун кечув ишларини ташкил этган корхона раҳбари ва уни амалга ошираётган кема капитани жавобгар ҳисобланади.

### **17-боб. Якунловчи қоида**

201. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикасининг  
ички кема йўлларида сузиш қоидаларига  
илова

Кема билан содир этилган авария тўғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА

20 \_\_\_ йил \_\_\_ оyi \_\_\_ куни \_\_\_\_\_  
(тузилган жойи)

Биз, қуйида имзо чекувчилар \_\_\_\_\_  
(лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ (бошқа гувоҳлар учун – ҳар бирининг яшаш манзили)  
қуйидагилар тўғрисида далолатнома туздик:

Теплоход \_\_\_\_\_  
қуввати \_\_\_\_\_ от кучи, сувга ботиши \_\_\_\_\_ см,  
тегишлилиги \_\_\_\_\_

ҳаракатланиши \_\_\_\_\_ бўш ёки \_\_\_\_\_ кемадан иборат таркиб билан.  
(дарё бўйича юқори, қуйи)

таркиб узунлиги \_\_\_\_\_ метр, эни \_\_\_\_\_ метр,  
(ҳар бир кеманинг сувга ботиши кўрсатилсин)

таркиб кемаларининг сувга ботиши \_\_\_\_\_ метр

Таркибни боғлаш усули қуйидагича \_\_\_\_\_  
(баён этилсин)

Агар соллар таркиби шатакка олинган бўлса, унинг рақами ва эгаси ҳамда  
габарит ўлчамлари (узунлиги, эни, сувга ботиши, бириктириш усули кўрсатилсин)

Олиб бораётган кеманинг палуба бўйича вахтадагилари

\_\_\_\_\_ (лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, диплом бўйича мутахассислиги)  
машина бўйича командаси \_\_\_\_\_  
(лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, диплом бўйича  
мутахассислиги)

Об-ҳаво ҳолати: шамол йўналиши ва кучи, кўриниши, фарватердаги  
кемачилик жиҳозларининг ҳолати: лозим бўлган қирғоқ ва сузувчи белгиларнинг  
мавжудлиги, уларнинг жойлашиши ва ёритиши, навигация белгисида кўрсатилган  
чуқурликнинг ҳақиқий чуқурлик билан мослиги.

Авария қуйидаги шароитларда содир этилди (авария содир этилган жойнинг  
аниқ манзили, вақти, бажарилган барча манёврлар, авариягача ва авария вақтида  
юриш тезлиги, шатакка олган кеманинг вахта бошлиғи томонидан авария содир  
этилишидан олдин ва авария вақтида кема шкипери ёки сол бригадирига берилган  
барча кўрсатмалар батафсил кўрсатиб баён этилсин).

Аварияни зудлик билан бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар кўрсатилсин.  
Агар кемалар ва солларнинг тўқнашуви содир этилган бўлса, қарама-қарши ёки ўзиб  
кетаётган кемалар (соллар) тегишли товуш ва кўриш сигналлари билан  
жиҳозланганлиги, уларнинг тўғри қўлланилганлиги, сигналлар билан ўзаро  
алмашиш вақтлари баён этилсин.

Агар авария кема ёки сол тўхтаб турган жойда содир этилган бўлса (сув сатҳининг тушиб кетиши, сув кирганлигидан чўкиб қолиши, ёнғин ва бошқалар), у содир этилган барча шароит ва вазиятлар баён этилсин.

Механизм ёки уларнинг деталлари, ҳаракатлантирувчи ва кеманинг бошқа қурилмалари синганда ёки шикастланганда, шикастланиш нимадан иборатлиги, механизмлар ва деталларнинг авариягача тўғри ишлаганлиги, охириги қишки тўхтаб туриш даврида ва қайси кема таъмирлаш устахонаси ёки заводда шикастланган детал таъмирга жалб этилганлиги баён этилсин.

Сол шикастланганда унинг бириктирилиши. Бириктириш, шакллантириш ва жиҳозлаш қоидалари талабларига мувофиқлиги кўрсатилсин (шатакка олинган сол билан авария содир бўлганда авария тўғрисидаги далолатнома сол бригадири иштирокида тузилади).

Далолатноманинг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилсин:

а) одамлар билан бахтсиз ҳолатлар бўлганми, агар юз берган бўлса, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва одамларни қутқариш учун қандай чоралар кўрилганлиги қайд этилсин;

Ҳалок бўлганларнинг ёки жароҳатланганларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили;

б) юклар йўқотилиши ёки ишдан чиқиши, хусусан, қайсилари ва қанча миқдорда;

в) аварияда иштирок этган кемаларнинг тўхтаб қолганлиги вақти (соатларда);

г) аварияни бартараф этиш бўйича ёрдам кўрсатиш учун бошқа кемаларнинг сарфлаган вақти (соатларда).

Далолатномани тузган шахслар ва уни тузишда иштирок этган шахсларнинг (авария ҳолати гувоҳларининг) имзолари.

Далолатномага авария жойининг қуйидагилар кўрсатилган схематик чизмаси илова қилинади:

Оқим йўналиши, кемаларнинг авариягача, авария вақтида ва авариядан кейинги жойлашуви, фарватер жиҳозлари белгиларининг жойлашуви.

*Изоҳ. Сол таркиблари билан авария содир этилганда, авария тўғрисидаги далолатномага сол қисмларини йиғиштириш натижалари ва уни йиғиштиришга қаршилиқ қилган сабаблар тўғрисида, агар шундай ҳолатлар мавжуд бўлса, қўшимча далолатнома тузилади (чўкканлик, кучли тўлқин билан тарқалиб кетиши ва бошқалар) ва ушбу далолатнома авария тўғрисидаги асосий далолатномага илова қилинади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “11” сентябрдаги ~~462~~ сон қарорига  
2-илова

## Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) Ўзбекистон Республикасининг кема қатнайдиغان ички сув йўлларида, табиий ва сунъий барпо этилган сув ҳавзаларида дарё транспорти воситаларидан (кейинги ўринларда – кема) фойдаланиш даврида сузиш хавфсизлигини таъминлаш, сувда инсон ҳаётини муҳофаза қилиш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва юкларни ишончли ташишга қаратилган техник ишлатиш асосларини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**давлат назорат органларининг мансабдор шахслари** – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг кемаларни, Фавкулудда вазиятлар вазирлигининг кичик ҳажмли кемаларни назорат қилиш ваколати берилган мансабдор шахслари;

**техник ишлатиш** – кемалардан техник лойиҳа ҳужжатларига ёки ўрнатилган техник-иқтисодий кўрсаткичларга мувофиқ белгиланган вазифалари бўйича хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида уларни техник соз ҳолда сақлаш бўйича кема экипажи, корхона ва ташкилот ишчи-ҳодимлари томонидан амалга ошириладиган фаолият;

**техник хизмат кўрсатиш** – кемани, кема техник қурилмалари, корпус конструкциялари, механизмлари ва тизимларини (кейинги ўринларда кема қурилмалари ва механизмлари) техник соз ҳолда сақлаш ва улардан белгиланган техник ишлатиш кўрсаткичларига риоя этиш;

**техник фойдаланиш** – кема қурилмалари ва механизмларининг белгиланган вазифа ва техник ишлатиш кўрсаткичларига мувофиқ ишлашини таъминлаш;

**таъмирлаш** – кема қурилмалари ва механизмларининг техник ҳолати ҳамда белгиланган техник ишлатиш кўрсаткичларини тиклаш.

3. Қоидалар кемалардан белгиланган мақсад ва техник кўрсаткичларига мувофиқ авариясиз ва самарали фойдаланиш учун уларнинг яроқли ҳолатда сақланишини таъминлаш бўйича кема экипажи аъзоларининг, корхона ва ташкилот ишчи-ҳодимларининг кемаларга техник хизмат кўрсатиш бўйича вазифаларини белгилайди.

4. Қоидалар талаблари фойдаланишда, лойиҳалашда, қуришда, таъмирлашда ва қайта жиҳозлашда бўлган кемаларга татбиқ этилади.

5. Кемаларда техник ишлатиш бўйича қоидалар ва йўриқномалар мавжуд бўлмаса, уларни ишлатишга йўл қўйилмайди.

**2-боб. Кемаларни техник ишлатиш бўйича асосий талаблар**  
**1-§. Кема эгаси бўлган жисмоний ва юридик шасхлар ҳамда кема экипажига талаблар**

6. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, кема эгаси бўлган жисмоний ва юридик шасхларга (кейинги ўринларда - кема эгаси), белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи остида сузадиган ва кема реестрига киритилган кемаларга татбиқ этилади.

7. Кема эгаси кемани фойдаланишга қабул қилиб олган вақтдан бошлаб, уни техник ишлатиш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

8. Кемалардан фойдаланишга уларда кема ҳужжатлари ва амалда бўлган Регистр ҳужжатлари мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

9. Белгиланган вазифасидан қатъи назар, фойдаланишда бўлган кема қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

лозим даражада техник соз ҳолатда бўлиши;

белгиланган вазифасига мувофиқ экипаж аъзолари билан таъминланиши;

бортида аниқлаш белгилари - кема номи, рўйхатга олинган порти ва белгиси, борт рақами мавжуд бўлиши;

кемада унинг техник ҳолати яроқли эканлигини тасдиқловчи кема ва Регистр ҳужжатларининг мавжуд бўлиши;

техник қисмлари, радиоалоқа ва навигация бўйича зарур ҳужжатлар ва қўлланмаларнинг мавжуд бўлиши;

белгиланган вазифа ва сузиш ҳудудига қараб етарли даражада моддий-техник таъминоти, захира қисмлари, ёнилғи-мойлаш материаллари, авария-қутқарув ва ёнғинга қарши воситалари, кемани сақлаб қолиш учун кураш воситалари ва асбоб ускуналарга эга бўлиши.

10. Кемаларни техник ишлатиш даврида қуйидагилар таъминланган бўлиши шарт:

кема қурилмалари ва механизмларининг конструктив, техник, санитария, экология талабларига мувофиқ ишончли, хавфсиз ва авариясиз ишлатилиши;

сувда йўловчи, кема экипажи ҳаётини муҳофаза қилиш ва атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиши;

ташилаётган юкларнинг сақланиши;

меҳнат хавфсизлиги, кема экипажининг дам олиш шароитлари яратилиши;

бошқа кемаларнинг сузишига хавф туғдирмаслик, канал, порт иншоотлари, навигация тизимларига шикаст етказмаслик;

кема қурилмалари ва механизмлари, авария-қутқарув воситаларининг фавқулодда вазиятларда доимий шай ҳолда бўлиши;

кема экипажи кемани сақлаб қолиш учун курашиш ва сувда ҳалокатга учраган шахсларга ёрдам бериш учун доимий шай бўлиши;

кема қурилмалари ва механизмларининг белгиланган техник-иқтисодий кўрсаткичларга мувофиқ ишлатишга шай бўлиши;

кема қурилмалари ва механизмларининг техник ҳолати қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши.

11. Кема қурилмалари ва механизмларида сузиш сифатини йўқотишга олиб келган авария ҳолатлари содир бўлганда, кема капитани уни авария содир этилган портда ёки биринчи кирган портда кемачилик регистри инспекторига техник кўриқдан ўтказиш учун тақдим этиши шарт.

12. Кема эгаси давлат назорати органлари мансабдор шахсларига уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш учун тўсқинликларсиз кемаларда бўлишини таъминлаши шарт.

13. Кеманинг бошқарув таркиби – капитан, механик ва уларнинг ёрдамчилари ҳамда шкипер лавозимларини эгаллаши учун улар кема ҳайдовчиси гувоҳномасига эга бўлиши шарт.

14. Кема экипажи аъзолари ҳар йили бир марта хавфсизлик техникаси ва малака билимларини текширишдан ўтказишлари шарт.

15. Фаолияти кемачилик билан боғлиқ бўлган ишга қабул қилинувчи шахслар ушбу ишни бажаришга яроқли эканлигини тасдиқловчи тиббий кўриқдан ўтишга жалб этилиши ва кейинчалик бу ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш даврийлиги кема эгалари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши шарт.

## **2-§. Кемаларни техник ишлатиш**

16. Кема эгаси томонидан кемаларни техник ишлатиш бўйича амалга ошириладиган ишлар ўз ичига қуйидагиларни олиши шарт:

кемаларда техник ишлатиш ишларини бошқариш ва ташкил этиш;

корхона маъмурий бошқарув таркибидан кемаларни техник ишлатиш бўйича масъул шахсни тайинлаш;

кема қурилмалари ва механизмларини техник яроқли ҳолатда сақлаш учун кема бошқарув таркибига бириктириш;

кемаларда дарё транспорти соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари, мазкур Қоидалар талабларининг бажарилиши ва кема ҳужжатларининг амал қилиш муддатини назорат қилиш;

кемаларни техник кўриқлардан ўтказишни ташкил этиш;

кема экипажи аъзоларининг меҳнат ва дам олиши режимини ташкил этиш;

кемани хавфсиз техник ишлатиш учун зарур бўлган жиҳозлар билан таъминлаш;

фавкулудда вазиятлар даврида кема эгаси ва кема билан алоқаларни ташкил этиш;

кемаларни таъмирлаш сифати ва муддатини назорат қилиш;

кемалар таркиби ва техник ҳолатининг ҳисобини юритиш ва назорат қилиш;

авария ҳолатларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва ҳисобини юритиш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

кемаларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш, фойдаланишда бўлган кемани таъмирга чиқариш учун сарфланадиган маблағни режалаштириш.

17. Кема экипажи томонидан кемани техник ишлатиш бўйича амалга ошириладиган ишлар ўз ичига қуйидагиларни олиши шарт:

кемаларда вахта хизмати таркиби ва жойлашуви бўйича вахта жадвалини ишлаб чиқиш, бунда вахта хизмати бўйича жадвал кема капитани томонидан тасдиқланади;

кема қурилмалари ва механизмларини техник яроқли ва тоза ҳолатда сақлаш;

кемалардан техник-иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ белгиланган вазифалари бўйича хавфсиз ва самарали фойдаланиш;

кема қурилмалари ва механизмларини техник ишлатиш бўйича кема эгаси томонидан белгиланган ёқилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари сарфи, ёқилғи ва мой турлари режимига риоя этиш, бунда уларнинг ҳисоби ҳар куни мувофиқ равишда кема ва машина вахта журналларида қайд этилади;

техник ўқув машғулотлари ўтказиш, бунда техник ўқув машғулотлари, гуруҳ раҳбарлари ва таркиби, машғулот ўтказиш таркиби кема капитани томонидан тасдиқланади;

кема эгасига белгиланган шаклда ҳисобот ҳужжатларини тақдим этиш.

18. Кемани техник ишлатиш бўйича кема экипажи аъзоларининг жавобгарлиги қуйидагича белгиланади:

кемани техник ишлатиш бўйича умумий жавобгарлик кема капитани зиммасида бўлади;

кема техник қурилмалари, тизимлари, узатмалари ва палуба усти механизмларини техник ишлатиш бўйича жавобгарлик кема механиги зиммасида бўлади;

кема корпуси конструкциялари, ёпқичлар (қопқоқлар), хоналар ва палуба қурилмаларини техник ишлатиш бўйича жавобгарлик кема капитанининг катта ёрдамчиси зиммасида бўлади;

кеманинг алоҳида қурилма ва механизмларини техник ишлатиш бўйича шу қурилма ва механизмларига бириктирилган бошқарув таркибидаги шахс (кема экипаж аъзолари) жавобгар ҳисобланади;

белгиланган вазифаларни бажариш даврида кема тизимлари ва корпуси конструкцияларидан техник фойдаланиш учун жавобгар вахта хизмати ходимлари ҳисобланади.

Кема капитани кемани техник ишлатишни ташкил этиш бўйича умумий раҳбарликни кеманинг катта механигига топшириши мумкин.

19. Кема бошқарув таркиби (кема экипажи аъзолари) кема қурилмаларининг ишлаш тамойили, техник ишлатиш тавсифи, конструкция элементлари ва ўзларига бириктирилган механизмларнинг хусусиятини етарли даражада билиши ва уларни ишлатиш учун доимий шай ҳолда сақлаши, ўз вақтида назорат органларига техник кўриқдан ўтказишга тақдим этиши ва техник ҳужжатларни тўғри юритилишини таъминлаши шарт.

20. Кеманинг барча қурилмалари ва механизмларидан белгиланган вазифаларига мувофиқ фойдаланиш шарт.

Қурилмалар ва механизмларнинг олдида уларни ишга тайёрлаш, ишга тушириш, иш режимини назорат қилиш ва тўхтатиш бўйича кема механиги ёки капитаннинг катта ёрдамчиси томонидан тасдиқланган йўриқномалар осиб қўйилган бўлиши шарт.

21. Кема бошқарув таркиби шахслари (экипаж аъзолари) кемага тайинлангандан кейин қуйидаги ишларни амалга оширишлари шарт:

ўзларига бириктирилган кема қурилмалари, корпус конструкциялари ва тизимларини текшириш, кемани қабул қилиш даврида эса уларни ишлатиб кўриш;

ўзларига бириктирилган бўлинма бўйича кема ҳужжатларининг амал қилиш муддати, тўлиқлиги ва уларни юритиш;

қўл остидаги таркиб билан шахсан танишиш;

кема таъминоти, ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар мавжудлигини текшириш;

бўлинмани қабул қилганлиги тўғрисида далолатнома билан расмийлаштириш ва кема механиги ёки капитан катта ёрдамчисини хабардор қилиш ва ўз навбатида, бу ҳақда кема капитанини хабардор қилиш.

22. Кема капитани, катта механиги ёки капитан катта ёрдамчиси (кема экипажи аъзолари) ўзгарганда, ўз бўлинмаларининг техник ҳолати бўйича тегишли равишда қабул қилиб олаётган кема катта механиги ёки капитан катта ёрдамчисини хабардор қилади ва бу ҳақда кема капитанига ахборот берилади.

23. Кемалар белгиланган вазифалари бўйича маҳаллий сузиш шароитларига мувофиқ белгиланган меъёрдаги таъминот билан бутланган бўлиши шарт.

Кема таъминотининг тўлиқлиги учун жавобгар кема эгаси ҳисобланади.

Кема таъминоти учун буюртма кема капитани томонидан берилади, бунда буюртма меъёр ва режа асосида ҳамда уни кемада мавжуд бўлган қолдиқ қисмига қараб тузилади.

24. Кемага техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш даврида қўлланиладиган таъминот, жиҳозлар, захира қисмлар ва материаллар уларнинг сифатини тасдиқловчи сертификатларга эга, стандартлар ва техник шартларга мувофиқ бўлиши шарт.

### **3-§. Кемалардан техник фойдаланиш**

25. Кема, кема қурилмалари ва механизмларидан фойдаланиш кема экипажи томонидан амалга оширилади.

Техник фойдаланиш қурилма ва механизмларни ишга тайёрлаш, ишга тушириш ва иш режимини ўзгартириш, белгиланган ва ҳақиқий техник тавсифини солиштириш, четга оғишларни баҳолаш ва қайд этиш, техник ҳолатини назорат қилиш ва ҳисобини юритишни ўз ичига олади.

26. Кема, кема қурилмалари ва механизмларидан фойдаланиш бошқарув постидан амалга оширилади.

Кемалардаги бошқарув постлари вахта ва навбатчи постларга ажратилади.

Вахта пости - унда доим вахта ходими бўлишини талаб этади.

Навбатчи пост - унда вахта ходими доим бўлишини талаб этмайди.

27. Кемада вахта ва навбатчи постларни белгилаш кемани автоматлаштирилганидан келиб чиқиб, кемасозлик корхонасининг йўриқномалари, ўрнатилган техник воситалари ва тизимлари, лойиҳа ҳужжатлари ва модернизациясига қараб, кема эгаси томонидан белгиланади.

28. Вахта ва навбатчи постлардан кема қурилмалари ва механизмларидан техник фойдаланиш фақат вахта хизмати ходимлари ёки кема капитани, кема капитанининг катта ёрдамчиси ёки кема механиги томонидан тайинланган кема экипажининг бошқа аъзолари томонидан амалга оширилади ва бу ҳақда кема ёки машина журналида қайд этилади.

29. Кема қурилмалари ва механизмларидан техник фойдаланиш қатъий равишда қонунчилик ҳужжатлари, ишлаб чиқарувчи завод йўриқномалари, мазкур Қоидалар ва кема эгаси томонидан тасдиқланган йўриқномалар талаблари асосида амалга оширилиши шарт.

Кўрсатилган ҳужжатлар талабидан четга чиқишга фақат кема капитани ёки механиги рухсати билан, агар кемада инсон ҳаёти, кема хавфсизлигига таҳдид пайдо бўлганда ёки авария ҳолатларида кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда эса кема капитанининг вахта ёрдамчиси ёки вахта механиги рухсати билан йўл қўйилади ва бундай ҳолатлар бўйича кема ва машина журналларида тегишли ёзувлар қайд қилиниши ҳамда кема капитани ва кема эгаси хабардор қилиниши шарт.

30. Кеманинг асосий двигателларини бошқариш бевосита вахта механиги, масофадан туриб бошқариш эса кема капитанининг вахта ёрдамчиси томонидан амалга оширилади.

Кема капитани ва вахтада бўлган унинг ёрдамчилари асосий двигателлар ва мувофиқлаштирилувчи винтни масофадан бошқариш ҳамда уларнинг ишлаш режими бўйича йўриқноманинг тегишли қисмларини яхши билиши шарт.

31. Кема, кема қурилмалари ва механизмларнинг ҳолати ва ишлаш режимини назорат қилиш махсус ўлчов асбоблари ёрдамида узатиладиган назорат-ўлчов приборлари ва авария-огоҳлантириш сигналлари кўрсаткичлари бўйича ишлаш муҳитининг таҳлили ҳамда кема қурилмалари ва механизмларининг умумий ҳолатини кўриш, шовқин ва тебранишларни кузатиш орқали амалга оширилади.

Носозликлар аниқланиши керак бўлган бошқариладиган параметрлар рўйхати ишлаб чиқарувчи завод ва кема эгаси йўриқномалари билан белгиланади.

32. Барча авария-огоҳлантириш ва ҳимоя сигналлари доим иш ҳолатида ва ишлаб чиқарувчи завод йўриқномалари, кема қурилмалари ва механизмларини техник ишлатиш қоидалари, кема эгаси томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида даврий текшириб турилиши шарт.

Назорат тариқасида текшириш ва эҳтиётдан таъмирлаш даврида ўчириш фақат кема капитани ёки механиги рухсати билан амалга оширилади ва бу ҳақда кема ва машина журналларига қайд этилади ҳамда вахта хизмати ходимлари хабардор қилинади.

33. Маневрларни қайд қилиш прибори кемани маневр қилиш ва унинг ҳаракатланиш режимида ҳам доим ишлаш ҳолатида бўлиши, уни ўчиришга фақат носозликларни бартараф этиш даврида кема капитанининг вахта ёрдамчиси рухсати билан йўл қўйилади ва бу ҳақда кема ва машина журналларида қайд этилади.

Маневрларни қайд этиш приборининг ўрнатилган жойига қараб, вахта давомида камида бир марта вахта механиги ёки кема капитанининг вахта ёрдамчиси томонидан кўрсаткичларнинг тўғри эканлиги текширилиши шарт.

Маневрларни қайд этиш приборининг тасмаси камида бир йил кема механигида сақланиши ва ундан кейин сақлаш учун кема эгасига топширилиши шарт.

34. Авария ҳимоя қурилмалари мувофиқлаштирилган ва зарур ҳолларда ваколатли органлар томонидан тамғаланган бўлиши ва кемадан фойдаланиш даврида тамғаларни ечиш ҳолатлари машина журналларида қайд этилиши шарт.

Авария ҳимоя қурилмаларининг тамғаси кема кирган биринчи портда тегишли мувофиқлаштирилгандан ва текшириб кўрилгандан сўнг тикланиши шарт.

35. Кеманинг барча ўлчов воситалари яроқли ҳолда бўлиши ва амалдаги гувоҳнома ёки ўрнатилган тартибда текширилганлиги тўғрисида тамғага эга бўлиши шарт.

36. Авария-огоҳлантириш сигналлари ва авария ҳимоя воситалари ишлаб кетганда, вахта механиги бу ҳақда кема капитанининг вахта ёрдамчисини ва кема механигини хабардор қилиши, кема қурилмалари ва механизмларидаги носозликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаши ва бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

Авария-огоҳлантириш сигналлари ва авария ҳимоя воситалари мунтазам хато ишлаб турса, вахта механиги кема капитанининг вахта ёрдамчисини хабардор қилган ҳолда уларни ўчиришга ва кема қурилмалари ва механизмлари иш режимини тиклашга ҳақли. Кема ва машина журналларида бу ҳақда тегишли ёзувлар қайд этилиши шарт.

Вахта механиги томонидан авария-огоҳлантириш сигналлари ва авария ҳимоя воситалари ишдан чиққан ёки ўчирилган кема қурилмалари ва механизмларининг ишлаш кўрсаткичлари устидан назоратни кучайтириш бўйича чоралар кўрилиши шарт.

37. Кема шикастланиши туфайли ташилаётган юк ёки одамлар ҳаётига таҳдид пайдо бўлганда, кема капитанининг вахта ёрдамчиси авария-огоҳлантириш сигналлари ва авария ҳимоя воситаларини ўчириш тўғрисида мустақил қарор қабул қилади.

Авария-огоҳлантириш сигналлари ва авария ҳимоя воситалари ўчирилишининг ҳар қандай ҳолати бўйича кема капитанининг вахта ёрдамчиси зудлик билан бу ҳақда вахта механигига хабар беради ва кема капитанига ахборот беради ҳамда бу ҳақда кема ва машина журналларида қайд этади.

38. Машина бўлимининг марказий бошқарув пости ва юриш кўприкчасидаги асосий бошқарув постида машина телеграфида кўзда тутилган, кема энергетик қурилмасининг олд ва орқага ишлайдиган барча режимида эшкак винти ёки қадами мувофиқлаштирилувчи винтнинг айланиш частотаси кўрсатилган жадвал бўлиши шарт.

39. Фойдаланиш даврида кема қурилмалари ва механизмларида аниқланган носозликлар улар ишдан тўхтатилгандан кейин бартараф этилиши, вазият бунга йўл қўймаганда эса, вахта хизмати ходимлари одамларнинг хавфсизлигини ва кема қурилмалари, механизмлари шикастланишининг олдини олиши шарт.

40. Кема қурилмалари ва механизмларидаги носозликларни бартараф этиш учун уларни тўхтатиш ва ишга тушириш кема механиги рухсати билан амалга оширилади ва кема капитани ҳамда унинг вахта ёрдамчиси хабардор қилинади.

41. Кеманинг асосий двигателлари қутилмаган вазиятда ишдан тўхтаб қолганда (мажбурий, ўз-ўзидан ёки автоматик ҳимоянинг ишга тушиши натижасида), вахта механиги бу ҳақда зудлик билан юриш кўприкчасидаги кема капитанининг вахта ёрдамчисини ва катта механикни хабардор қилиши шарт.

Кеманинг асосий техник қурилмалари кутилмаган вазиятда ишдан тўхтаб қолганда, вахта хизмати ходимлари захирада бўлган техник қурилмаларни (агар улар мавжуд бўлса) ишга туширишга ва бу ҳақда кема капитани, унинг вахта ёрдамчиси ва механигини хабардор қилиши шарт.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам кема техник қурилмаларини ишдан тўхтатишга сабаб бўлган носозликларни зудлик билан аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилиши шарт.

Кема техник қурилмаларининг ишдан тўхтатишга сабаб бўлган носозликларни бартараф этмасдан уларни ишлатишга йўл қўйилмайди.

42. Кема, кема қурилмалари ва механизмларининг иш режими, уларни ишлатиш шароитлари, кема маъмуриятининг кема қурилмалари ва механизмларини ишлатиш бўйича берган кўрсатмалари, уларни бартараф этиш чоралари кеманинг ҳисобот ҳужжатларида акс эттирилиши шарт.

43. Кеманинг ҳаракатланиш режими капитан томонидан белгиланади. Оддий ва алоҳида сузиш шароитларида кема, кема қурилмалари ва механизмларининг иш режимини белгилаш, сақлаб туриш ва ўзгартириш тартиби ҳамда инсон ҳаётига, кема ва юкнинг хавфсизлигига таҳдид пайдо бўлган даврда экипаж таркибининг ҳаракати ишлаб чиқарувчи завод йўриқномалари ва мазкур Қоидалар билан белгиланади.

Кема сузишининг алоҳида шароитлари, унинг маневр режимида ишлаш (швартов жараёнлари, каналлардан ва тор йўллардан ўтиш, портга кириш ва ундан чиқиш, кемаларнинг айрилиши, муз ва туман даврида сузиш) жараёнлари ҳисобланади.

44. Алоҳида сузиш шароитларида қўшимча ишлатиш талаб этиладиган кеманинг барча техник воситалари вахта хизмати ходимлари томонидан олдиндан ишлатишга шай ҳолга тайёрлаб қўйилган бўлиши шарт.

45. Кема капитанининг вахта ёрдамчиси маневрлар бошланишидан камида 1 соат, портга киришдан олдин эса 1.5-2 соат олдин, бироқ асосий двигателларни ишлаб чиқарган завод йўриқномасида кўрсатилганидан кам бўлмаган вақт ичида двигателлардаги юклама аста-секин камайтириб борилиши тўғрисида вахта механигини хабардор қилиши шарт, авария ҳолатларининг олдини олиш ва қутқариш жараёнлари бундан мустасно.

Маневрлар тугагандан сўнг капитаннинг вахта ёрдамчиси бу ҳақда вахта механигини хабардор қилади.

46. Вахта механиги кутилаётган маневрлар тўғрисида хабарни олгандан кейин зудлик билан машина бўлимидаги марказий бошқарув постига етиб келиши ва бу ҳақида катта механикни огоҳлантириши ва кеманинг техник воситаларини маневр қилиш режимига тайёрлаши шарт.

Асосий двигателлар ва қадами мувофиқлаштирилувчи винтни юриш кўприкчасидан масофадан бошқариш даврида уларни маневрларга ва орқага юришга тайёрлашни капитаннинг вахта ёрдамчиси амалга оширади ва бу ҳақда у олдиндан вахта механигини огоҳлантиради.

Вахта механиги юриш кўприкчасидан берилган кўрсатма бўйича асосий двигателлар ва қадами мувофиқлаштирилувчи винтни бошқаришни ўзига олиш учун доим шай туриши шарт.

47. Сузишнинг алоҳида шароитларида кеманинг электр станцияси кемадаги электр энергиясини истеъмол қилувчи асосий воситаларини шундай таъминлаган бўлиши керакки, электр энергияси манбаидан бирининг ишдан чиқиши кеманинг энергиясиз қолишига олиб келмаслиги шарт.

48. Кеманинг захира ва авария техник воситаларини ишлатишга тайёр эканлиги даврий текшириб турилиши, агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача назарда тутилган бўлмаса, уларни текшириш икки ҳафтада камида бир марта амалга оширилиши шарт.

49. Кемаларнинг тайёргарлик ҳолати тўхтаб туриш шароити ва режимига қараб, кема эгаси томонидан доимий ёки маълум муддатга белгиланади.

Кеманинг доимий тайёргарлигига кема эгаси томонидан белгиланган, имкон қадар энг қисқа вақт ичида унинг энергетик қурилмаси ва бошқа зарур техник воситалари ишга туширилишини таъминлаш киради.

Кема маълум муддатда ишга тайёрланганда, вахта хизмати кеманинг энергетик қурилмаси ва бошқа техник воситаларини белгиланган вақтда ишга туширилишини таъминлаши шарт.

50. Тўхтаб туриш даврида кемани ишга тайёргарлик даражаси кема капитани томонидан белгиланади, бунда капитан кеманинг тайёргарлик даражасидан доим хабардор бўлиб туриши шарт.

#### **4-§. Кемаларга техник хизмат кўрсатиш**

51. Кемаларнинг техник воситалари, корпус конструкциялари ва тизимларига техник хизмат кўрсатиш кема эгаси томонидан тасдиқланган кемаларга техник хизмат кўрсатиш режа жадвали асосида амалга оширилади.

Кемаларга техник хизмат кўрсатиш кемани техник соз ҳолатда сақлаш, техник ҳолатини назорат қилиб туриш, носозликларни аниқлаш ва бартараф этиш, ейилган ва ишдан чиққан детал ва узелларни алмаштиришга йўналтирилган ишлар мажмуасини ўз ичига олиши шарт.

52. Техник хизмат кўрсатиш бўйича ишлар механизмлар ишлашдан тўхтатилгандан кейин кема капитанини хабардор қилган ҳолда, механик (катта механик) ёки кема капитанининг биринчи ёрдамчиси рухсати билан амалга оширилади.

53. Кема техник воситалари, корпус конструкциялари ва тизимларига техник хизмат кўрсатиш режали-эҳтиётдан техник хизмат кўрсатиш тизими асосида режа-жадвал, уларнинг ҳақиқий техник ҳолатини тавсифлайдиган назорат-ўлчаш асбоблари ёки диагностика ва путур етказмайдиган ўлчаш натижалари таҳлили асосида амалга оширилади.

54. Техник хизмат кўрсатишни белгиланган ҳажмда ва муддатда бажариш, техник қурилмаларига қараб туриш ишлари кема бошқарув ва оддий таркиб ишчиларига бириктирилади.

Кема механиги техник хизмат кўрсатиш бўйича бажарилган ишларни доим назорат қилиб туриши шарт.

55. Кемаларга ҳар кунлик техник хизмат кўрсатиш кема экипажи томонидан амалга оширилади.

Кема техник қурилмаларига режали даврий техник хизмат кўрсатиш ишлаб чиқарувчи заводнинг йўриқномаларига мувофиқ кема экипажи ёки кемасозлик корхоналари ишчилари томонидан амалга оширилади.

56. Техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажариш даврида аниқланган барча носозликлар ва нуқсонлар бартараф этилиши шарт.

Агар носозликлар ва нуқсонларни бартараф этиш имкони бўлмаса ва бу носозликлар хавф туғдирмаса, Кемачилик регистри инспектори фойдаланиш бўйича чеклов белгилаган ҳолда кемадан вақтинча фойдаланишга рухсат беради.

57. Кеманинг барча асосий механизмлари ва тизимлари, уларни ечиш ва йиғиш учун зарур бўлган махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Захира қисмлар, махсус асбоб-ускуналар ва мосламалар доим яроқли ҳолда, уларнинг сифатли сақланишини таъминлайдиган, кўрик учун қулай бўлган осон олинадиган махсус жойларда ўрнатилган бўлиши шарт.

## **5-§. Кемаларни таъмирлаш**

58. Кемаларни таъмирлаш ишлари ихтисослаштирилган кема таъмирлаш корхоналарида амалга оширилади.

Кемаларни таъмирлаш учун фойдаланишдан чиқариш кема эгасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

59. Кемаларни таъмирлаш куйидаги турларга ажратилади:

кема эгаси томонидан тасдиқланган кемаларни таъмирлаш режасига асосан бажариладиган ишларни назарда тутувчи - режали таъмирлаш;

кема қурилмалари ва механизмларининг авария даврида олган шикастланишларини бартараф этиш билан боғлиқ бўлган - режадан ташқари таъмирлаш.

60. Кемани таъмирлаш бўйича шартнома, таъмирлаш ишлари рўйхати, носозликлар далолатномаси ва бажариладиган таъмирлаш ишлари рўйхати кемани таъмирлаш учун асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

Белгиланган таъмирлаш ишлари рўйхатини тузиш учун дастлабки материаллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

кема техник воситалари ва конструкцияларининг техник ҳолати қайд этилган формуляр ва журналлар;

назорат қилувчи органларнинг далолатномалари, тақдимномалари ва талаблари;

рухсат этилган емирилиш меъёрлари;

таъмирлаш олдидан аниқланган носозликлар, фойдаланиш жараёнида амалга оширилган кузатишлар ва кўриклар натижалари;

норматив ҳужжатлар бўйича белгиланган талаблар;

кема бўйича конструкторлик ва техник лойиҳа ҳужжатлар.

61. Кема эгаси кемани таъмирга қўйишдан олдин қуйидаги ишларни амалга ошириши шарт:

зарур бўлганда кемасозлик корхонаси вакиллари таъмирлаш ҳужжатлари, белгиланган таъмирлаш ишларининг хусусиятлари ва ҳажмини аниқлаш мақсадида кемада бўлишини таъминлаш;

белгиланган таъмирлаш ишлари рўйхатини Кемачилик регистри инспектори билан келишиш;

шартнома шартларига мувофиқ кемани таъмирлашга тайёрлаш;

кемасозлик корхонасига белгиланган таъмирлаш ишларининг рўйхати, кемани модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича техник лойиҳа бўйича иш чизмаларини топшириш;

таъмирлаш даврида кеманинг хавфсиз тўхтаб туришини таъминлаш учун экипаж аъзолари таркиби ва сонини тасдиқлаш.

62. Кемани таъмирлашга тайёрлаш бўйича ишларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бўйича кема капитани жавобгар ҳисобланади.

Кемани таъмирлашга тайёрлаш бўйича ишларга кема механиги ва капитан ёрдамчиси раҳбарлик қилади.

63. Таъмирлашга тайёр кемани кемасозлик корхонасига топшириш далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома имзоланган сана таъмирлаш ишлари бошланган сана ҳисобланади.

Таъмирлашга жалб этилган кемани таъмирлаш жараёнида иш чизмалари, эскизлар ва технологик жараёнларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлганда, уларни кемасозлик корхонаси ишлаб чиқади.

64. Кемани таъмирлаш даврида кема эгаси ва кемасозлик корхонаси томонидан жавобгар шахслар тайинланади ва бир-бирини хабардор қилади.

65. Кемани таъмирлаш даврида Кемачилик регистри инспектори ва кема эгаси томонидан техник назорат олиб борилади.

Таъмирлаш даврида фойдаланиладиган кеманинг техник қурилмалари ва конструкциялари бўйича конструкторлик, техник лойиҳа ва технологик жараёнлар ҳужжатлари кема эгаси ва Кемачилик регистри инспектори билан келишилиши шарт.

Кемачилик регистри назорати остида бўлган механизмлар ва жиҳозлар ҳамда кемага ўрнатиладиган буюмлар ва материаллар тегишли ҳужжатларга (сертификатларга) эга бўлиши шарт.

66. Кемасозлик корхонасига таъмирлаш учун топширилган кеманинг техник воситалари, конструкциялари ва кеманинг ўзини тўлиқ техник кўриқдан ўтказиш, таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган конструкторлик ва таъмирлаш ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда нуқсонларни аниқлаш, оралик, швартов ва юриш синовларида Кемачилик регистри инспекторининг иштирок этиш тартиби кемасозлик корхонаси ва Кемачилик регистри билан тузиладиган шартнома билан белгиланади.

67. Кемани (докка) таъмирлашга қўйгандан сўнг кемасозлик корхонаси ва кема эгасининг вакиллари кеманинг таг қисмини текширишдан ўтказди, зарурат бўлганда таъмирлаш ишлари ва муддатини аниқлаш учун кема техник воситалари ва конструкцияларининг алоҳида қисмларидаги нуқсонларни аниқлайди.

Кеманинг техник қурилмалари ва конструкцияларини таъмирлаш хусусиятларини аниқлаш учун таъмир олди синовлардан ўтказиш талаб этилса, кема эгаси синовлар ўтказилишини таъминлаши шарт.

68. Таъмирлаш даврида техник назорат олиб бориш учун зарур бўлган конструкторлик, техник лойиҳа ва технологик жараёнлар ҳужжатлари Кемачилик регистри инспекторининг талаби бўйича унга тақдим этилиши шарт.

69. Кемасозлик корхонаси томонидан ишлаб чиқилган техник қурилмалар ва конструкцияларда аниқланган нуқсонлар бўйича таъмирлаш ишлари рўйхатининг тўлиқлиги ва сифати учун кемасозлик корхонаси жавоб беради. Кемасозлик корхонаси нуқсонларни аниқлаш учун кема эгаси вакилини ва зарур ҳолларда Кемачилик регистри инспекторини таклиф этиши мумкин.

70. Кемани докдан тушириш кема капитанининг кема сувга туширишга тайёр эканлиги тўғрисидаги ёзма кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Кемасозлик корхонаси томонидан кеманинг чўкмаслиги учун корпус ва унинг ёпқичларида сув ўтказмаслик таъминланган бўлиши шарт.

71. Капитан, механик ва уларнинг ёрдамчилари ёки кема бошқарув таркиби аъзолари кемада таъмирлаш ишларини бажариш даврида ўз бўлинмаларида қуйидаги ишларни амалга ошириш шарт:

кемасозлик корхонаси томонидан нуқсонларни аниқлаш ишларини амалга оширишда иштирок этиш;

таъмирлаш ишлари рўйхати, конструкторлик, техник лойиҳа ва технологик жараёнлар ҳужжатлари бўйича ишлар тўлиқ ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

таъмирлаш ишларининг ўз муддатида бажарилишини назорат қилиш ва белгиланган вақтда кемани таъмирлашдан чиқариш чораларини кўриш;

кема техник қурилмалари ва корпус конструкцияларининг асосий қисмларини оралиқ қабул қилиш ҳамда кемада таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг якуний қабул қилиш.

72. Кемасозлик корхонаси томонидан кема эгасига топшириладиган техник қурилмалар ва корпус конструкциялари олдиндан текширилган бўлиши ва далолатнома билан расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Кема эгаси кемани капитал таъмирдан қабул қилиб олиш даврида Кемачилик регистри инспекторларини жалб этади.

73. Кемада таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг кемасозлик корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган, кема эгаси ва Кемачилик регистри инспектори билан келишилган дастур бўйича кема тегишли синовлардан ўтказилади.

Синов даврида бажарилган ишларнинг сифати, барча тизимлар, механизмлар ва жиҳозларнинг белгиланган кўрсаткичлари бўйича ўзаро ишлаши текширилади.

Синов даврида кема тизимлари ва конструкцияларига хизмат кўрсатишни кема экипажи таъминлайди.

Таъмирдан кейин ўтказиладиган синов ишлари кемасозлик корхонаси томонидан амалга оширилади.

Агар синов даврида кемачилик хавфсизлигига таҳдид соладиган нуқсонлар пайдо бўлса, улар бартараф этилгандан кейин кема эгаси ёки Кемачилик регистри инспектори талаби бўйича синов ишлари қайтадан ўтказилади.

74. Таъмирга жалб этилган кеманинг кемасозлик корхонаси акваториясида хавфсиз тўхтаб туриши учун кемасозлик корхонаси маъмурияти жавобгар ҳисобланади.

Кемасозлик корхонаси маъмурияти қуйидагиларга риоя этиши шарт:

қирғоқ иншоотлари ва швартов қурилмаларини яроқли ҳолатда сақлаш;

кема капитани билан кеманинг тўхтаб туриш жойи, шартлари, швартов қилиш тартибини келишиш ва уларга зарур ёрдамларни кўрсатиш;

об-ҳаво шароитидан қатъи назар, кемасозлик корхонаси акваториясида кемаларни таъмирлаш даврида хавфсиз тўхтаб туришини таъминлаш;

кема капитанлари билан биргаликда ҳар куни назоратни амалга ошириш ва кемаларнинг хавфсиз туришини таъминлаш бўйича тезкор чораларни кўриш;

кутилаётган об-ҳаво ўзгариши ва авария ҳолатлари пайдо бўлганда, кема хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўриладиган чоралар тўғрисида кема капитанларини хабардор қилиш.

75. Таъмирга жалб этиладиган кемаларни қишки мавсумга тайёрлаш, швартов, кингстонлар, кема тизимлари ва хоналарни иситиш, агар шартномада бошқача белгилаб қўйилмаган бўлса, кема экипажи томонидан амалга оширилади.

76. Кеманинг умумий мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва сузувчанлигига таъсир қилувчи барча ишлар (оғир вазнли юкларнинг жойини ўзгартириш, балласт ва ёқилғини насослар ёрдамида бошқа жойга ўтказиш, қобикни ва сув ўтказмайдиган переборкаларни тешиш, борт орти ва кесиб ўтувчи арматураларни ечиш) фақат кема капитани билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

77. Таъмирда бўлган кеманинг ёнғин хавфсизлиги бўйича кема капитани жавобгар ҳисобланади.

Кемадаги иш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, иш вақтида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, кемасозлик корхонаси акваторияси ва тўхтаб туриш ҳудудида ёнғинга қарши воситаларининг ишга шайлиги учун кемасозлик корхонаси маъмурияти жавобгар ҳисобланади.

Кемадаги ёнғинга қарши ва сув чиқариб ташлаш тизимини таъмирлаш даврида уларнинг вазифасини бажарувчи воситалар кемасозлик корхонаси томонидан тақдим этилади.

78. Метеорология шароитлари сабабли докдаги ишлар мажбуран тўхтатилганда, кемасозлик корхонаси ва кема эгаси вакиллари иштирокида далолатнома тузилади.

Далолатномага ишларни давом эттиришга таъсир қилувчи гидрометеорология шароитлари тўғрисида Гидрометеорология хизмати агентлиги маълумотномаси илова қилиниши мумкин.

79. Таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг:

кемасозлик корхонаси ёки Кемачилик регистри инспекторига топширилган барча ҳужжатлар кемага қайтарилиши;

кемасозлик корхонаси томонидан кема эгаси вакилига таъмирлаш бўйича ҳужжатлар ва бажарилган ишларнинг ҳақиқий баҳоси кўрсатилган ҳолда амалга оширилган таъмирлаш ишларининг рўйхати тақдим этилиши;

кема эгаси ва капитани кемани қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаши шарт.

Кемани қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган сана таъмирлаш ишлари тугаган сана ҳисобланади.

80. Кафолат муддати ичида бажарилган таъмирлаш ишларининг сифатсизлиги билан боғлиқ бўлган нуқсонлар аниқланганда, кема эгаси томонидан эътироз далолатномаси тузилади ва кемасозлик корхонасига тақдим этилади.

Аниқланган нуқсонлар кемасозлик корхонаси томонидан шартномада қайд этилган муддатда бартараф этилади.

### **3-боб. Кемаларнинг техник назорати ва уларни текшириш**

#### **1-§. Умумий қоидалар**

81. Барча кемалар лойиҳалаштириш, қуриш, қайта жиҳозлаш, таъмирлаш даврида кема эгалари билан тузилган шартномаларда белгилаб қўйилган муддатларда, фойдаланиш даврида эса кема ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатларда қуйидаги талаблар бўйича мажбурий давлат ва идоравий текширишга, техник назорат ва техник кўрикларга жалб қилинади:

- кемачилик хавфсизлиги;
- техник ҳолати;
- санитария-эпидемиология хавфсизлиги;
- ёнғин хавфсизлиги;
- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш.

82. Давлат ва идоравий текшириш, техник назорат ва техник кўриклар кемада қонунчилик ҳужжатлари талаблари бажарилганлигини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади.

Техник назорат, текшириш ва техник кўриклар кемаларнинг хусусиятлари, белгиланган вазифаси ва маҳаллий сузиш шароитини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

83. Давлат техник назорати, текшириш ва техник кўрик Кемачилик регистри инспектори томонидан амалга оширилади.

Назорат натижалари бўйича Кемачилик регистри инспектори кемага қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган шаклдаги гувоҳномалар беради.

#### **2-§. Техник назорат**

84. Кема, унинг тизимлари, корпус конструкциялари ва таъминотининг техник ҳолати, сузиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бажарилганлиги Кемачилик регистри инспектори томонидан бериладиган кема ҳужжатларида қайд этилади.

85. Кема капитани қуйидаги ҳолларда кема, унинг тизимлари, корпус конструкцияларини навбатдан ташқари техник кўриққа тақдим этиши шарт:

содир этилган авария сабабли кемада сузиш сифатларидан бири йўқолганда ёки фойдаланишда чеклашлар пайдо бўлганда;

- олдин берилган классни тиклашда;
- техник экспертиза ўтказишда;
- техник ҳолати бўйича эътирозлар тасдиқланганда;
- Кемачилик регистри инспектори талаби бўйича;

рухсат этилмаган сузиш ҳудудидан бир марталик ўтиш учун.

Кемада ўтказилган навбатдан ташқари техник кўрик даврий техник кўрик сифатида қабул қилинади.

86. Кема, тизимлари, корпус конструкцияси, ёнғиндан конструктив ҳимоя, ўт ўчириш тизимлари, ёнғин сигнализацияси, ёнғинга қарши жиҳозлар ва таъминотига ўрнатилган талабларнинг бажарилганлигини текшириш натижалари бўйича Кемачилик регистри инспектори томонидан кема ҳужжатлари берилади, тикланади, тасдиқланади ёки амал қилиш муддати узайтирилади.

87. Кеманинг ёнғинга қарши жиҳозларининг ҳолати ва мувофиқлиги устидан идоравий назоратни кема эгаси томонидан ваколат берилган бўлинма амалга оширади.

Кемадаги ёнғинга қарши жиҳозларнинг техник ҳолатини текшириш кемага юкни юклашдан, йўловчи кемаларида эса йўловчиларни чиқаришдан олдин амалга оширилади.

88. Кемада меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг бажарилганлиги устидан назорат Кемачилик регистри инспектори ва Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекциясининг ҳудудий инспекциялари томонидан амалга оширилади.

89. Ишчи-ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий инспекциялари, жамоатчилик назоратини тегишли касаба уюшмалари органлари ёки меҳнат жамоасининг ваколатли вакиллари амалга оширади.

90. Кема, унинг тизимлари, корпус конструкцияларининг техник ҳолатини даврий текшириш кема механиги ёки у ваколат берган кема экипажининг бошқарув таркиби аъзоси томонидан, кемани техник яроқли сақлаш бўйича инспекторлик текшируви ишлари эса кема эгаси томонидан амалга оширилади.

Инспекторлик текширувидан ўтказиш тартиби, текшириш ҳажми ва комиссия таркиби кема эгаси томонидан белгиланади.

Инспекторлик текширувларидан қатъи назар, флотнинг масъул шахслари кеманинг техник ҳолатини доимий назорат қилиб турадилар.

#### **4-боб. Кемани қатновга тайёрлаш**

91. Кема экипажи кемани ўз вақтида қатновга чиқиш учун тайёрлаши шарт.

Тайёрлаш ишларига умумий раҳбарликни кема капитани амалга оширади.

Жўнаб кетишдан олдин кемада барча юк операциялари тугатилган, барча турдаги таъминотлар қабул қилиб олинган, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари яқунланган ва кема тизимлари ишга шай ҳолга келтирилган бўлиши шарт.

92. Кема жўнаб кетиш учун шай ҳолга келтирилганлиги тўғрисида кема механиги ва капитан ёрдамчиси кема капитанига ахборот берадилар.

Кема, унинг тизимлари, корпус конструкцияларининг техник ҳолати сузиш хавфсизлиги, инсон ҳаёти ва атроф-муҳит муҳофаза қилинишига ҳамда юкларнинг ишончли ташилишига шубҳа уйғотганда, капитан қатновга чиқишни бекор қилади.

Кемада қатновга чиқишдан олдин аниқланган камчиликлар кема капитани тақдимномаси асосида, зарур ҳолларда Кемачилик регистри инспекторининг техник назорати остида кема эгаси томонидан бартараф этилади.

93. Кемада белгиланган кема ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда ҳамда унинг амал қилиш муддатлари кўзда тутилган қатнов даврида тугаса, кеманинг қатновга чиқишига йўл қўйилмайди.

Белгиланган кема ҳужжатлари мавжуд бўлмасдан ёки амал қилиш муддати ўтган ҳужжатлар билан қатновга чиққанлик учун кема капитани ва порт маъмурияти жавобгар ҳисобланади.

94. Кема капитани қатновга чиқишдан олдин кемада юклаш, барқарорлик ва чўкмаслик бўйича йўриқнома талаблари бажарилганлиги ва бутун қатнов давомида сақланишига ишонч ҳосил қилиши, кемани юклашдан олдин барқарорлик, мустаҳкамлик ва чўкмаслик, шунингдек, битта ёки бир нечта бўлинмалар сув билан тўлганда юкларнинг жойлашиши ва маҳкамланиши бўйича кеманинг сузувчанлик ва чўкмаслик қобилияти ҳисоб-китоб қилган бўлиши шарт.

95. Кемага юкланиши керак бўлган юклар рўйхатини тузиш ва уларни юклаш даврида кеманинг сувга ботиши ҳисобга олиниши, сузиш даврида ҳар қандай ҳолатда ҳам сув усти борти белгиланган сузиш ҳудуди учун кеманинг юк маркасида кўрсатилган қийматидан кам бўлмаслиги шарт.

Кемада юклаш жараёнларини амалга ошириш даврида белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлишига йўл қўймаслик, кема корпусидаги юклама ва пайдо бўлаётган кучланишлар назорат қилиб турилиши шарт.

96. Кемани қатновга тайёрлаш даврида унинг барча тизимлари ва корпус конструкциялари қонунчилик ҳужжатлари, ишлаб чиқарувчи завод йўриқномалари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ талаб этилган режимларда ишлатиш имкониятини таъминлайдиган ҳолатга келтирилиши шарт.

Носозликларни аниқлаш, техник кўриқдан ўтказиш ва техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш ишлари ҳамда узоқ муддат ишлатилмаганлиги сабабли ечиб олинган ва йиғилгандан кейин кема тизимлари ва корпус конструкцияларини ишга тайёрлаш уларга бириктирилган бошқарув таркиб иштирокида, асосий двигателлар эса бевосита кема механиги иштирокида амалга оширилиши шарт.

97. Кема тизимлари ва корпус конструкцияларини ишга тушириш учун тайёрлаш даврида белгиланган вақтда уларни шикастланиш ва носозликларсиз ишга тушириш ҳамда талаб этилган иш режимига келтириш имконини берадиган ҳолати таъминланиши шарт.

Ишга тушириш учун тайёрлаш барча элементларни пухта текшириш, зарур ҳолларда уларнинг таркибий элементларини мувофиқлаштириш ишга тушириш ва орқага қайтариш қурилмаларни, бошқаришни назорат қилиш, сигнализация, ҳимоя тизимлари ва агар зарур бўлса - иситиш, бураш ва синов тариқасида ишга туширишни ўз ичига олиши шарт.

Синов тариқасида ишга тушириш барча бошқарув постларидан амалга оширилиши шарт.

98. Кема капитани кеманинг белгиланган вақтда жўнаб кетиши бўйича фармойиш берилгандан кейин капитан ёрдамчиси ва кема механиги вахта бўйича капитан ёрдамчиси ва вахта механигига тегишли равишда белгиланган вақтда ва тартибда кема, кема тизимлари ва корпус конструкцияларини ишга туширишга ҳамда жўнаб кетишга тайёрлашга кўрсатма беради.

Кўрсатма олдиндан кема тизимлари ва корпус конструкцияларини ишга тушириш учун сарфланадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда берилади.

99. Вахта механиги капитаннинг вахта ёрдамчиси билан биргаликда энергетик қурилмани ишга туширишга тайёрлашдан олдин марказий бошқарув постларидаги барча алоқа воситаларини ва бошқа бошқарув постларидаги алоқа воситаларини марказий пост билан боғланганлигини ҳамда кўрсаткичларнинг ҳолати, зарур ҳолларда уларни талаб этилган ҳолатга келтирилиши, авариявий ёритиш, ёнғинга қарши, сув чиқариб ташлаш ва қуритиш воситаларининг ишлашини текшириши шарт.

100. Кема энергетик қурилмасини ишга туширишга тайёрлаш даврида вахта механиги юриш кўприкчасидан капитаннинг вахта ёрдамчиси берган буйруқларини ва кема механиги топшириқларини, асосий жараёнларнинг бажарилган вақти, текшириш, ўлчаш ишларини машина журналига ёзиб бориши шарт.

Масофадан бошқаришга жиҳозланган асосий двигателларни ишга туширишга тайёрлаш даврида улар қўлда бошқаришга ўтказилади.

101. Асосий двигателлар эшкак вали билан турлича бириктирилган бўлса ҳам уни айлантириш вахта механиги раҳбарлигида амалга оширилади. Агар улар қаттиқ боғланган бўлса (шунингдек, редуктор орқали), уни айлантиришга капитаннинг вахта ёрдамчиси рухсат бериши ва олдиндан кема швартовда ишончли турганлигига ва ҳаракатланувчилар олдида одамлар, сузиш воситалари ва бошқа нарсалар йўқлигига ишонч ҳосил қилиниши шарт.

Эшкак вали билан қаттиқ боғланган асосий двигателларни синаш тариқасида ишга тушириш капитаннинг вахта ёрдамчиси ва механик рухсати билан қатта механик назорати остида амалга оширилиши шарт.

Эшкак вали қувурида ажратувчи қурилма мавжуд бўлганда, капитаннинг вахта ёрдамчиси рухсати талаб этилмайди.

102. Асосий двигателларни тайёрлаш ишлари тугагандан кейин вахта механиги кема механигига бу ҳақда хабар беради ва унинг рухсати билан юриш кўприкчасида бўлган капитаннинг вахта ёрдамчисини хабардор қилади.

Асосий двигателларни масофадан бошқариш тизими мавжуд бўлганда, вахта механиги электромеханик билан биргаликда двигателлар тўхтаб турган вақтда тизимни текшириши, синов тариқасида двигателларни ишлатиб кўриши ва асосий двигателларни бошқарадиган бошқарув постини белгилаши ва машина журнаliga бу ҳақда қайд этиши зарур.

103. Кемани қатновга чиқишга тайёрлаш даврида капитаннинг вахта ёрдамчиси капитан ва унинг катта ёрдамчисидан кема тизимлари ва корпус конструкцияларини ишга тушириш бўйича олган буйруқ ва кўрсатмаларни, бажаришга сарфланган вақт ва тугаган вақт, ўтказилган текшириш ва ўлчаш ишлари тўғрисида кема журнаliga қайд этиб бориши шарт.

104. Кема қатновга чиқишидан олдин капитаннинг катта ёрдамчиси ва кема механиги кеманинг сузишга тайёр эканлигини, кема тизимлари ва корпус конструкцияларининг шайлигини текшириши ва шайлиги тўғрисида кема капитанини хабардор қилиши шарт.

Текшириш даврида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши шарт:

рул, лангар ва дейдвуд қурилмалари;

авария механизмлари, қурилмалари, ёритиш жиҳозлари;

қутқариш, ёнғиндан ҳимоя, алоқа, товуш ва ёруғлик сигналлари воситалари;

машина телеграфи;

қуритиш тизими, ташқи тешикларнинг ёпқичлари (корпус, устқурма, рубка ва тушиш жойлари);

сув ўтказмайдиган ва ёнғинга қарши ёпқичлар ва уларни бошқариш қурилмалари;

авария жиҳозлари;

палубадаги юк ва бошқа буюмларни юриш бўйича маҳкамланиши.

Текшириш натижалари кема ва машина журналларига тегишлигича қайд этилиши шарт.

105. Асосий двигателларни бошқарув постидан масофадан бошқаришда уларни ишга тушириш кема капитани ёки капитаннинг вахта ёрдамчиси томонидан амалга оширилади.

Вахта механиги ишга тушириш даврида марказий бошқарув постада бўлиши ва зарур ҳолларда юриш кўприкчасидан берилган буйруқ бўйича асосий двигателларни бошқаришни ўз зиммасига олиши шарт.

Асосий двигателларнинг хавфсиз ишлашига тахдид пайдо бўлганда, масофадан бошқариш тизими ишдан чиққанда ва бошқа фавкулудда вазиятларда вахта механиги асосий двигателларни бошқаришни ўз зиммасига олиши ва бир вақтнинг ўзида бу ҳақда капитаннинг вахта ёрдамчисини хабардор қилиши шарт.

### **5-боб. Кемаларни узок муддатга сақлаш учун фойдаланишдан чиқариш**

106. Кемаларни узок муддатга сақлаш учун фойдаланишдан чиқариш (кейинги ўринларда – сақлаш) тўғрисидаги қарор кема эгаси томонидан қабул қилинади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.

107. Кемаларни сақлаш кема тизимлари ва корпус конструкцияларини (совуқ ҳолда сақлаш) сақлаш ёки кема тизимлари ва корпус конструкцияларини эксплуатация қилишга тайёр ҳолда сақлаш (эксплуатация захираси) йўли билан амалга оширилади.

108. Кемани эксплуатация захирасида сақлаш даврида кема, кема тизимлари ва корпус конструкцияларининг ишлаш ҳолати кема экипажи томонидан таъминланади ва кемани фойдаланишда бўлган флот таркибига киритиш учун қўшимча вақт талаб этмайди.

109. Совуқ ҳолда сақлаш даврида кеманинг барча тизимлари ва корпус конструкциялари фойдаланишдан чиқарилади, сақланиши учун тўлиқ консервация қилинади ҳамда уларга қараб туриш учун кискартирилган экипаж бириктирилади.

Кемани сақлашдан чиқаргандан кейин уни ҳаракатдаги флот таркибига киритиш учун экипаж билан бутлаш, кема тизимлари ва корпус конструкцияларини консервациядан чиқариш, иш жараёнида текшириш, швартов ҳамда юриш синовлари ўтказиш ишлари амалга оширилади.

110. Кема эгаси иқтисодий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, кемани сақлашнинг бирор-бир турини танлаши, кемани хавфсиз сақланишини таъминлаш учун экипаж билан тўлиқ бутлаши мумкин.

111. Кемалар хар қандай турдаги сақлаш даврида барқарорлиги, чўкмаслиги, хавфсиз сақланишини таъминлаш учун кема эгаси кеманинг хавфсиз сақлаш чоралари бўйича режа ишлаб чиқади ва порт маъмурияти билан келишади.

Режада қуйидагилар кўрсатилади:

кема номи ва унинг асосий ўлчамлари;

режалаштирилаётган сақлаш муддати;

сақлаш тури;

сақлаш жойи;

сақлаш даврида фойдаланишдан чиқариш, консервация қилиш ёки таъмирлашга жалб қилинадиган техник восита ва конструкциялар рўйхати;

кемани сақлаш даврида сув, буғ ва электр энергияси, шунингдек, куритиш ва ёнғинни ўчириш воситалари ва тизимлари билан таъминлаш;

сақлаш даврида экипаж таркиби бўлиши ва вахта хизматини ташкил қилиш;

корпус, сув ўтказмайдиган ёпқичлар, кингстонлар, дейдвуд қурилмаси, ёнғинга қарши воситалар ва ёнғин ўчириш тизимларининг ҳолати;

ёқилғи ва мой захираларининг мавжуд бўлиши, уларнинг кемада жойлашув чизмаси;

сақлашнинг бутун даври учун кема корпусининг сув ўтказмаслиги, чўкиб кетмаслиги, барқарорлиги, ёнғин хавфсизлиги ва кеманинг хавфсиз сақланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

экипаж ёки вахта таркиби учун санитария ва бошқа зарур тизимларнинг ишлашини таъминлаш;

экипаж ёки вахта таркиби учун озиқ-овқатни ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларда, шунингдек, ёнғин содир бўлганда, кемада барқарорлик ва чўкмаслик хусусиятлари йўқолганда, экипаж ёки вахта таркибининг ҳаракатлари.

112. Кемани сақлаш даврида кема эгасининг рухсати ва порт маъмуриятининг розилиги билан унда алоҳида техник воситалар ва конструкцияларни таъмирлаш ёки модернизация қилиш ишларини бажаришга рухсат берилади. Кема эгаси кемани сақлаш ва таъмирлаш ёки модернизация ишлари хавфсиз бажарилиши учун барча зарур қўшимча чора-тадбирларни таъминлайди.

113. Кемалардан мавсумий фойдаланиш ва кемалар гуруҳларининг совуқ ҳолда сақлаш хусусиятига (сақлаш худуди ва шароитига) қараб, кема эгаси қуйидаги тадбирларни амалга ошириши шарт:

кемаларда вахта хизмати тўғрисида низом, штатлар жадвали ва лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

кемаларнинг хавфсиз ва авариясиз тўхтаб туришини таъминлаш учун масъул шахсни тайинлаш;

кемаларни жойлаштириш режасини ишлаб чиқиш ва порт маъмурияти томонидан тасдиқлаш;

кемани сақлашга топшириш (қабул қилиш), сақлашдан чиқариш тартиби тўғрисида низомни ишлаб чиқиш, порт маъмурияти билан келишиш ва тасдиқлаш;

кемаларни хавфсиз ва авариясиз сақлашни таъминлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, порт маъмурияти билан келишиш ва тасдиқлаш.

114. Порт маъмурияти кемаларни хавфсиз ва авариясиз сақлашни таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга оширади:

кемаларни сақлашнинг бутун даври учун портнинг алоҳида акваториясини ажратиш;

кемаларни жойлаштириш режасини тасдиқлаш;

кемаларни лозим даражада сақлашга топшириш учун тайёр эканлигини текшириш;

кемаларни сақлаш даврида улар устидан назоратни амалга ошириш.

115. Порт маъмурияти томонидан кеманинг тайёр эканлиги текширилгандан кейин кема эгаси кемани сақлаш учун ажратилган акваторияга жойлаштиради.

Текширув натижалари бўйича далолатнома тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

кеманинг номи;

режалаштирилган сақлаш муддати;

сақлаш тури;

сақлаш жойи;

сақлаш даврида кеманинг хавфсиз ва авариясиз туриши учун масъул шахс; тамғаланган хоналар, цистерналар ва тизимлар рўйхати;

порт маъмурияти ваколатли шахсларининг имзоси ва тузилган санаси.

Далолатномага кеманинг хавфсиз ва авариясиз сақланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режа нусхаси, вахта хизмати тўғрисида низом, штатлар жадвали ва лавозим йўриқномалари илова қилинади.

## **6-боб. Кема ва унинг эгаларига талаблар**

### **1-§. Кемаларга талаблар**

116. Барча кемалар сув ҳавзаларини ифлослантиришга қарши махсус қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

117. Чиқиндилар, оқова сувлар, шу жумладан, тозаланган ва зарарсизлантирилган оқова сувларни кемалардан сув ҳавзаларига ҳамда сувдан фойдаланиш ҳудуди чегарасига чиқариб ташлаш тақиқланади.

118. Кемачилик регистри инспекторининг сув ҳавзаларини кемалардан ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича техник назорати қуйидагиларни ўз ичига олади:

кема ва унинг ускуналарини ифлослантиришнинг олдини олишга мўлжалланган қисмининг техник ҳужжатларини кўриб чиқиш ва келишиш;

кемадаги қуйидаги ускуналарнинг тайёрланиши ва уларнинг ўрнатилишини назорат қилиш:

тозалаш ускуналарини;

таркибида нефть бўлган ва оқова сувларни сўриб чиқариш, узатиш ва чиқариб ташлаш тизимларини, шунингдек, йиғувчи цистерналар ва стандарт тўкиш бирикмаларини;

нефть қуювчи кемалар юк тизимининг кемалардан ифлослантиришнинг олдини олишга мўлжалланган ускуналарини;

чиқиндиларни йиғиш учун мўлжалланган ускуналарни.

Кемачилик регистри инспекторининг назорати остида қурилган ёки ўрнатилган ускуналар, жиҳозлар ва тизимлар кўриқдан ўтказилади.

119. Ускуна, жиҳоз ва тизим элементларини ҳамда огоҳлантирувчи приборларни кемаларга ўрнатиш кемани лойиҳалаштириш даврида Кемачилик регистри инспектори билан келишилиши шарт.

Лойиҳалаштириш даврида оқова сувлар, чиқиндиларни (озик-овқат, маиший ва фойдаланилган маҳсулотлар қолдиғи) йиғиш учун алоҳида ускуналарни (цистерналарни) ўрнатиш кўзда тутилиши шарт.

120. Йиғиш ускуналарининг (цистерналарининг) сиғими кемани бутун ишлатилиши даврида йиғиладиган чиқиндиларни ва оқова сувларни сақлаш учун етарли бўлиши шарт.

121. Кемаларни дастлабки ва навбатдаги техник кўриқлардан ўтказиш даврида худудий Кемачилик регистри инспектори томонидан кемага ички сузиш кемаларидан ифлослантиришнинг олдини олиш тўғрисида гувоҳнома берилади.

Гувоҳнома 4 йил муддатга берилади ва ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш даврида тасдиқланади.

## **2-§. Кемаларни техник ишлатиш билан банд бўлган ходимларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

122. Кемаларни техник ишлатиш билан банд бўлган ходимлар қуйидаги ишларни амалга оширишлари шарт:

а) кема механизмларининг ишончли ишлаши ва улардан самарали фойдаланишни узлуксиз таъминлаш;

б) двигатель ва механизмларнинг оптимал режимда ишлашини таъминлаш;

в) таъмирлаш ишлари, техник қаровлар ва бошқа профилактика тадбирларини ўз вақтида бажариш;

г) назарий ва амалий билимларини мунтазам ошириб бориш, бир-бирига яқин касбларни ўзлаштириб бориш;

д) кема механизмларини самарали ишлатиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш, иш услубларини такомиллаштириш;

е) белгиланган муддатларда кема ва унинг асосий элементларини Регистрга техник кўриқдан ўтказиш учун тақдим этиш.

123. Кемаларда доимий техник назорат кема эгаси томонидан амалга оширилади.

Кемаларда махсус назоратни ҳудудий Кемачилик регистри инспектори ва порт махсус бўлинмасининг мансабдор шахслари амалга оширади.

Кема эгаси ўз вақтида назорат қилувчи идораларнинг вакиллари кемани кўриққа ёки техник кўриққа тақдим этиладиган жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилиши ва назорат остида бўлган объектларни техник кўриққа шайлаши лозим.

124. Кемаларни техник ишлатишни ташкил этиш, транспорт, техника ва ёрдамчи флотнинг соз ҳолатда сақланиши учун жавобгарлик кемадан фойдаланаётган корхонанинг кема хўжалиги хизмати (бундай хизмат мавжуд бўлмаганда – бош муҳандис) зиммасида бўлади.

Кема хўжалиги хизматининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги кема эгаси томонидан маҳаллий сузиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва тасдиқланади.

125. Кемани техник соз ҳолатда сақлаш, кемада ишларни, шу жумладан, юклаш ва тушириш ишларини тўғри ташкил этиш, техник кўриқларни ўз вақтида ўтказиш учун капитан ёки шкипер, земснаряд ва унинг таркибидаги кемаларда (мотозавозня, ўзиюрар шаланда) - командир, бир-бирига яқин касбни эгаллаганда - капитан-механик (командир - механик) жавобгар ҳисобланади.

126. Кема механиги кема механизмлари ва қурилмаларининг созлиги ва узлуксиз ишлаши учун жавобгар ҳисобланади. Кема механигига унинг ёрдамчилари ва машина командаси бўйсунди.

Механик кема механизмлари бўйича техник ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўғри тўлдирилиши, белгиланган тартибда ва вақтда ҳисоботлар тақдим этилиши, режалаштирилган техник кўриқлар ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиб туриши шарт.

127. Командасиз ишлатилаётган кеманинг ёнғинга қарши курашиш жиҳозларининг ҳолати учун шу кема бириктирилган кеманинг капитани; юклаш-тушириш ишлари даврида - участка, причал бошлиқлари, рейдда турган даврида - рейд капитанлари ва дарё флоти диспетчерлари жавобгар ҳисобланади.

128. Капитан (командир, шкипер) кема ва экипаж хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Таркибни шатакка олишдан бошлаб охирги пунктга тўхташига қадар шатакланувчи таркибнинг экипажи шатакловчи кеманинг капитанига, земснаряд командирига эса - земснаряд карвонидаги ёрдамчи кемаларнинг экипажи бўйсунди.

Қатнов давомида экипажсиз ўзиюрмас кемаларнинг техник ҳолати, улардаги юкларнинг сақланиши ва уларга хизмат кўрсатиш учун жавобгар, кемани қабул қилиб олиш далолатномаси тузилгандан ёки кема журналига (хабарнома) имзо қўйилган вақтдан бошлаб шатакловчи кемалар ва юк кемаларининг экипажи ҳисобланади.

129. Кемада капитан-механик (командир-механик) раҳбарлиги остида куйидаги ишлар амалга оширилиши шарт:

кема экипаж аъзоларини вахта бўйича тақсимлаш ва вахта жадвалини тузиш;

экипажга механизмлар, тизимлар, қурилмалар, жиҳозларни бириктирган ҳолда жадвал, ҳамда тревогалар: ёнгин, сув, “борт ортида одам” жадвалларини тузиш;

техник ўқувлар ўтказиш;

хавфсизлик техникаси, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ва нормаларининг бажарилиши ҳамда меҳнат ва дам олиш режимларига риоя этилишини назорат қилиш;

ёнгин хавфсизлиги қоидалари талабларининг бажарилишини таъминлаш;

техник кўриклар ўтказилиши ва кўриклар жадвалларининг бажарилишини назорат қилиш.

130. Кема экипажининг ҳар бир аъзоси бўлинмалар бўйича махсус жадвал билан ўзларига бириктириб кўйилган механизмлар, тизимлар, қурилмалар, жиҳозларнинг техник ҳолати, сақланиши ва ўз вақтида хизмат кўрсатилиши учун ҳамда кема бўйича умумий ташкилий-техник тадбирлар режасининг бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

131. Кеманинг сақланиши ҳамда юқори муҳандислик даражасида техник ишлатиш учун шахсий жавобгарлик:

кема бўйича - капитан (командир) ва механикка;

кемалар гуруҳи бўйича - рейд капитани ва рейд механигига;

флот бўйича - уларнинг бошлиқлари, флот бўйича бошлиқ ўринбосарлари ва бош муҳандисларга юкланади.

132. Портларда юклаш ёки тушириш даврида кема ва юкларнинг сақланиши учун порт маъмурияти билан бир қаторда кема капитани ҳам жавобгар ҳисобланади.

133. Кемада ва унинг элементларида ўтказилган техник кўриклар сифати учун техник кўрик ўтказган ҳамда унда иштирок этган шахслар жавобгар ҳисобланади.

134. Мазкур Қоидаларнинг талабларига жавоб бермайдиган кеманинг сузишга чиққанлиги учун кема капитани ёки шкипери ҳамда кемани сузишга чиқариш тўғрисида кўрсатма берган шахс жавобгар ҳисобланади.

135. Корхонанинг кемаларни техник ишлатиш бўйича жавобгар шахслари кема хўжалиги хизмати ва бошқа ходимлари навигация даври тугагандан сўнг кемаларни техник ишлатиш даврида аниқланган нуқсонлар, носозликлар ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилган чораларни умумлаштириши, флот ишини таҳлил қилиши ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши шарт.

## **7-боб. Кемаларни қуриш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш бўйича ишларни ташкил этиш**

### **1-§. Кемаларни қуриш, таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш даврида корхоналарга талаблар**

136. Кемаларни қуриш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш (кейинги ўринларда - кемасозлик) ишларини амалга оширувчи корхоналарнинг мажбуриятлари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги уларнинг низомларида белгилаб қўйилган бўлиши шарт.

137. Кемасозлик ишлари ҳудудий Кемачилик регистри инспектори назорати остида амалга оширилади.

Корхоналар томонидан кемасозлик даврида бажариладиган ишларнинг техник лойиҳа ҳужжатлари ва техник топшириққа мувофиқлиги устидан техник назорат олиб бориш бўйича масалалар корхона ва Кемачилик регистри инспектори билан тузилган ўзаро шартномалар билан тартибга келтирилади.

138. Кемасозлик корхоналарнинг ҳудудлари қурилиш нормалари талаблари, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари, санитария-маиший ва хизмат кўрсатиш биноларини жойлаштириш технологиялари талабларига жавоб бериши, жиҳозланган причалга эга бўлиши, сув, буғ, сиқилган ҳаво, электр энергияси ва баланд овозда хабар қилиш воситалари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

139. Кемасозлик корхоналарининг акваториялари қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

кемаларни қишки сақлаш даврида тўғри жойлаштириш ва таъмирлаш ишларини кемалардан цехларга ўтказиш ва таъмирланаётган кемаларга ишчиларни ўтказиш, материаллар, узел ва деталларни етказиб бериш имконига эга бўлиши;

двигателлар, агрегатлар, механизмлар ва материалларни тушириш ва юклаш кўзда тутилган кемаларни бошқа жойга кўчириш ҳамда уларни қиш шароитларида (акваторияни иситиш) кема кўтариш иншоотларига кўчириш имкони таъминланган бўлиши;

тўсувчи ва причал қурилмалари ва кемаларни швартов синовларидан ўтказиш учун зарур қурилмалар мавжуд бўлиши;

кема габаритларига мос келадиган эркин кема йўлининг мавжуд бўлиши;

дарё ёки сув омборларининг барча ҳолатларида (сув тошқини, муз оқиши, шамол, сув сатҳининг ўзгариб туриши) ҳамда ёнғин даврида кемаларнинг хавфсиз тўхтаб туриши кафолатланган бўлиши;

кемалар карвонини қирғоқ билан боғловчи ишончли алоқа воситалари, электр ёритгичлар, ёнғинга қарши механизациялаштирилган сув етказувчи қурилма ва дастлабки ўт ўчириш воситалари, кемаларнинг сув етказиб берувчи коммуникацияларга бориш йўллари ҳамда корхонанинг акватория базаларининг маҳаллий хусусиятларидан келиб чиқиб, ёнғин хавфсизлиги хизматининг кўрсатмалари бўлиши;

таъмирлашда ёки сақлашда бўлган кемаларнинг сувга ботишидан келиб чиқиб, кафолатланган чуқурликка эга бўлиши;

кўриқлаш постлари томонидан барча карвонга ёки унинг алоҳида кемаларини назорат қилиш имконини таъминлаши.

Кемаларни сақлашга қўйишдан олдин база акваторияси синчиклаб текширилган, сув туби тозаланган, сув ости тўсиқларидан тозаланган ва зарурат бўлганда чуқурлаштириш ишлари амалга оширилган бўлиши шарт.

140. Кемасозлик корхонасининг акваторияси ва унга кириш йўлларини чуқурлаштириш ва чўкиндилардан тозалаш ишлари сув йўллари техник участкалари томонидан бажарилади.

141. Кемасозлик корхонаси ўзига бириктирилган кеманинг қуввати, ўлчами, тури ва сонига мувофиқ келадиган кема кўтариш иншоотларининг бирор-бир турига эга бўлиши шарт.

## **2-§. Кемасозлик корхоналари ходимларининг мажбуриятлари ва жавобгарликлари**

142. Кемасозлик корхоналарига бириктирилган флотнинг бут сақланиши ва сифатли таъмирланиши учун кемасозлик корхонаси раҳбари жавобгар ҳисобланади.

143. Кемасозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимлари кема тизимлари ва корпус конструкцияларини техник ишлатиш бўйича қоидалар ва йўриқномаларни, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ҳамда мазкур Қоидалар талабларини яхши билишлари ва уларга риоя этишлари шарт.

144. Кемасозлик ишларини амалга оширувчи ходимларнинг билимларини текшириш корхона раҳбари томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан Кемачилик регистри инспектори иштирокида ўтказилади.

Кема қобигини пайвандлаш ишларини амалга оширувчи ходимларнинг пайвандлаш бўйича ишларининг намуналари тегишли синовлардан ўтказилиши ва бу ҳақда билимини текширишдан ўтказиш варақасига тегишли ёзув қайд этилиши шарт.

145. Мазкур Қоидаларга мувофиқ сув ҳавзаларининг кема сақлаш пунктларида кемаларни жойлаштириш ва сақлаш, навигация даврида ҳамда кузги ва баҳорги муз оқиши даврида кемаларни хавфсиз сақлашни таъминлаш бўйича корхоналар томонидан махсус йўриқномалар ишлаб чиқилиши шарт.

## **8-боб. Портлар**

### **1-§. Умумий қоидалар**

146. Портлар юк тоифалари, уларга ишлов бериш ва амалга ошириладиган ташишларга қараб махсус техника ва механизмлар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

147. Портларнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

юкларни ва йўловчилар ишончли ташилишини таъминлаш;

барча турдаги кемаларга техник ва навигация хизматларини кўрсатиш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш;

юклаш-тушириш ишлари, порт орқали жўнатиладиган юкларни бошқа транспортга юклаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

кемаларга ва вагонларга ўрнатилган меъёрларга мувофиқ ўз вақтида ишлов берилишини таъминлаш;

порт фаолиятини ривожлантириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

комплекс механизациялаштириш, автоматлаштириш комплексини ва илғор технологик жараёнлар ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш;

ихтиёрида бўлган порт иншоотлари, ёрдамчи хўжаликлар, алоқа воситалари, флот ва бошқа воситаларни таъмирлаш;

объектларда ва кемаларда ёнғинга қарши тадбирларни амалга ошириш;

рейдларда, причал ёнларида кемаларнинг сузиши ва тўхтаб туриши учун хавфсиз шароитларни яратиш, юклаш-тушириш ва бошқа ишларнинг хавфсиз бажарилишини таъминлаш

## **2-§. Акваториялар, ички кема йўллари ва рейдлар**

148. Акваториялар, ички кема йўллари, рейдлар, причал олдининг чуқурлиги ва бошқа техник тавсифининг нисбийлиги ушбу участкаларда фойдаланилаётган кемаларнинг тавсифига ва юкларга ишлов бериш ҳажмига мувофиқ бўлиши ҳамда кемаларнинг хавфсиз сузишини таъминлаши шарт.

149. Порт акваторияси сув йўллари техник участкалари томонидан навигация жиҳозлари ва белгилари билан жиҳозланиши шарт.

150. Порт акваториясида қуйидагилар мавжуд бўлиши шарт:

кемалар ва шатакка олинувчи таркибларнинг эркин ўтиши учун зарур ўлчамларга эга бўлган кема юрадиган йўл ва причалга кириш йўлаги;

кемалар таркибларини шакллантириш ва тақсимлаш, сув юзида ишларни бажариш ва дарё транспорти тўхтаб туриши учун рейдлар.

151. Рейд ва причал чуқурликлари, ушбу рейд ва причалнинг вазифалари, хизмат кўрсатилаётган кемаларнинг ўлчамлари, сув йўлларининг тавсифи, сув тубидаги ернинг қаттиқлиги, кема дифференти учун захира чуқурлик, тўлқинланиш, ушбу рейд ва причалга чўкинди кириб қолиши ва улардан тозаланиши сув йўллари техник участкалари ва порт томонидан белгиланади ҳамда таъминланади.

152. Порт маъмурияти ички кема йўлларидаги тўсиқлар ва йўлларнинг ҳақиқий чуқурлиги тўғрисида йўл ахборот варақалари ёки бошқа восита ёрдамида кема бошқарувчиларини хабардор қилиши шарт.

153. Рейдлар етарли микдорда тўғри жойлаштирилган мустаҳкам қирғоқ мосламаларига ҳамда рейд чегарасини кўрсатиб турувчи – кундуз куни яхши кўринадиган белгилар ва тунда ёритиладиган чироқларга эга бўлиши шарт.

Экипажсиз бўлган баржаларнинг тўхтаб туриши учун рейдлар баржа-буй ёки рейд понтонлари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

154. Юкларнинг турига қараб рейдлар қуруқ юк ташийдиган, нефть қуйиладиган, тез аланга оладиган, ёнғинга хавфли ва портловчи юкларга мўлжалланган махсус рейдларга бўлинади.

Нефть қуйиладиган ва махсус рейдлар оқим бўйича барча рейдлардан қуйида жойлашган бўлиши шарт.

Бажариладиган ишларнинг ҳажми ва тавсифига қараб рейдларда участкалар ташкил этилади:

келиш участкалари - келган кемалар таркибини тақсимлаш ва кемаларни тўхтаб туриши учун;

жўнатиш участкалари - кемаларни жўнаб кетишга тайёрлаш ва таркибни шакллантириш учун;

юклаш-тушириш участкалари - сузувчи ҳолатда танаффус қилиш ва юклаш-тушириш ишларини амалга ошириш учун;

экипажсиз бўлган баржани лангарсиз тўхтаб туриши учун;

қуруқ юк ташийдиган кемаларни тозалаш ва ювиш учун.

Рейдлар ва сув йўли участкаларининг ораси ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

155. Кемалар ва причалларни тўлқинлардан ва муз оқимидан ҳамда акваторияни чўкинди кириб қолишидан ҳимоя қилиш учун ташкил этиладиган тўсувчи ва ҳимоя қилувчи қурилмалар ва сув иншоотлари соз ҳолда сақланиши, ўз вақтида таъмирланиши шарт.

156. Баҳорги сув тошқини даврида кўмилиб қоладиган тўсувчи ва ҳимоя қурилмалари ва иншоотларининг олдида кемачилик жиҳозлари ўрнатилиши шарт.

157. Портларда сув иншоотларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, причалларга ва рейдларга кириш жойларида сув тубини чуқурлаштириш бўйича барча ишлар сув йўллари техник участкалари билан келишилган ҳолда иншоот эгалари томонидан амалга оширилади.

### **3-§. Навигация жиҳозлари**

158. Навигация жиҳозлари ички кема йўлларида кемаларнинг хавфсиз ва эркин сузишини таъминлаши шарт.

Кемаларнинг қатнови ва тавсифига қараб қуйидаги навигация жиҳозлари кўлланилиши шарт:

кеча-кундуз ҳаракатни таъминловчи - ёритувчи;

куннинг фақат ёруғ вақтларида кемаларнинг ҳаракатини таъминловчи - ёритмайдиган;

куннинг қоронғу вақтида кема прожектори ишлатилганда сузиш имконини берувчи – нур қайтарувчи.

159. Навигация жиҳозлари ички кема йўлларида ҳаракат бошланганда (навигация бошланиши) кемаларни қишки тўхтаб туриш учун жойлаштириш тугагунга қадар ишлаши шарт.

Сузувчи белгилар (бакенлар, буйлар) ички кема йўллари муздан тоза бўлгандан сўнг 3 кун ичида ўрнатилиши ва ички кема йўлларида муз қопламаси (кичик муз парчалари) пайдо бўлгунга қадар ишлаши шарт.

160. Навигация жиҳозлари ва белгиларини ўрнатиш бўйича ишларни ташкил этиш, уларни сақлаб туриш сув йўллари техник участкалари томонидан амалга оширилади.

Сув йўллари техник участкалари навигация жиҳозларига хизмат кўрсатиш даврида хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиши шарт.

Кема қатнайдиغان йўллардан фойдаланувчи корхоналарнинг талаблари асосида навигация жиҳозларини ўрнатиш сув йўллари техник участкалари томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

161. Ички кема йўлларидаги навигация жиҳозлари ва белгиларининг шакли, ўлчамлари ва тавсифи стандарт ва нормаларга мувофиқ бўлиши шарт.

#### **4-§. Рейд, ёрдамчи ва транспорт флотги**

162. Транспорт кемаларига хизмат кўрсатиш, таркибларни шакллантириш ва тақсимлаш, юклаш-тушириш ишлари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ ишларни бажариш учун портлар рейд ва ёрдамчи хизмат кўрсатувчи флотга эга бўлишлари шарт.

163. Рейд флотининг таркибидан ёнғиннинг олдини олиш учун кеча-кундуз узлуксиз навбатчилик қилишга мўлжалланган, яхши фойдаланиш ва шатакка олиш хусусиятига, кучли сув тортадиган ёнғин насослари, кўпик билан ўчириш қурилмалари, ўт ўчириш қувурлари ва радио алоқа воситалари билан жиҳозланган ва махсус тайёргарликдан ўтган экипажга эга кема ажратилган бўлиши шарт.

Рейд ишларини бажарувчи рейд навбатчи кемаси ёнғинни бартараф этиш учун доимо шай ҳолда туриши шарт.

164. Флотга комплекс навигация хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган портлар пол тагидаги тозаланмаган сувларни ва оқова тизимидан ишлов берилмаган сувларни тортиб олишга, акваториядан оқиб келган ёғочларни ва нефть маҳсулотлари қолдиқларини йиғиб олишга мўлжалланган махсус кемалар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

## 5-§. Порт ҳудудларига белгиланадиган талаблар

165. Порт ҳудудида жойлашган иншоотлар, қурилмалар ва жиҳозлар қуйидагиларга эга бўлиши шарт:

порт ишлари тез ва хавфсиз бажарилишини таъминловчи майдонларга;

портга кириш йўллари, шу жумладан, порт ичи автомобиль йўллари, юкларни портга киритиш ва чиқариб кетиш учун темир йўлларга;

кувурлар тизими, ёмғир сувлари, ер ости ва ифлос сувларни қайтариш учун сув чиқариб ташлайдиган ва сув канализацияси қурилмаларига;

порт туташиб турган қўшни ҳудуддан ажратувчи тўсиқларга;

портда мавжуд бўлган барча турдаги транспортлар ва юклаш-тушириш машиналарининг эркин ишлашини таъминловчи ва юкларни қулай тахлаш имконини берувчи порт ички йўллари ва майдонларининг мустаҳкам қопламаларига;

кемалардан ахлатларни, озиқ-овқат қолдиқларини, чиқиндиларни ва қурук маҳсулотларни қабул қилиш участкасига.

166. Порт причаллари юк турлари ва айланмаси бўйича ихтисослашган бўлиши шарт.

Юклаш-тушириш ишларини жадаллаштириш ва кемаларнинг туриб қолиш вақтини қисқартириш мақсадида портларда кемага тез ишлов бериш учун махсус причаллар ташкил этилиши мумкин.

167. Ишларнинг ҳажми ва тавсифига қараб, причалларда қуйидагилар мавжуд бўлиши шарт:

кириш сув йўллари, зарур акватория майдони, причал, юклаш-тушириш механизмлари, ишлаб чиқариш хоналари, кириб бориш йўллари, устахоналар ва маиший-хизмат бинолари;

кемалар билан алоқада бўлиш учун тушиш жойлари ҳамда кемадан қирғоққа ва қирғоқдан кемага ўтиш учун хавфсиз ўтиш мосламалари;

юклаш-тушириш ишлари учун зарур мосламалар ва инвентарлар мажмуаси ва захирасига эга бўлган жиҳозлар ва қурилмалар;

қулай кириш йўлларига эга юк омборхоналари ва очиқ омборхона майдонлари;

зарур электр таъминоти, ёритиш ва ишончли алоқа воситалари;

тўғри жойлаштирилган ва мустаҳкам ўрнатилган швартов қурилмалари;

қирғоққа кеманинг урилишини сўндирувчи мосламалар (римлар, бруслар, кранцлар);

белгиланган меъёр бўйича ёнғинга қарши курашиш ва қутқарув жиҳозлари;

кундуз кун ички кўринадиган ва тунда ёритиладиган рейд белгилари;

огоҳлантирувчи белгилар;

мухандислик коммуникацияси (сув қувурлари, канализация), ёнғинга қарши ховузларга бориш йўллари, ёнғинга қарши автомашиналарни жойлаштириш учун пирслар;

куруқ ахлатларни йиғиш учун контейнерлар, шаҳар сув қувуридан истеъмол сувини кемага узатиш гидрантлари, причал олдида турган кемаларга зарур кучланишдаги электр энергияси бериш учун трансформатор колонкалари; кемаларнинг порт телефон тармоғига уланиши учун розеткалар.

168. Причал ва сузувчи дебаркадерлар оқим тезлиги кам бўлган йўл участкасида, тўлқин ва муз оқими таъсиридан ҳимояланган ҳудудда жойлаштирилган бўлиши шарт.

169. Причал узунлиги ва кемалар орасидаги интерваллар технологик ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари меъёрларига мувофиқ бўлиши шарт.

170. Юк-йўловчи причалларида йўловчиларни чиқариш ва тушириш жойлари ва уларга хизмат кўрсатиш юкларга ишлов бериш жойларидан тўсиқлар билан ажратилган бўлиши шарт.

171. Ҳар бир причал олди майдонларида ҳамда юк омборхоналарида ва дебаркадерларда, лойиҳа ёки изланиш маълумотларига мувофиқ юкларни тахлаш учун жойларда рухсат этилган босим катталиги ва чегараси кўрсатилган ҳолда махсус белгилар қўйилиши шарт.

172. Сузувчи причаллар ва дебаркадерлар қирғоқ билан мустаҳкам боғланган, ишончли ва хавфсиз тутқичлар ва ҳимоя тўсиқлар билан жиҳозланган, хавфсизлик техникаси талабларига мувофиқ синовдан ўтказилган ўтиш йўлагига эга бўлиши шарт.

Причаллар орасидаги узилиш масофаси маҳаллий сузиш шароитларига мувофиқ қабул қилиниши, бироқ ёнғин хавфсизлиги қоидаларида белгиланган меъёрдан кам бўлмаслиги шарт.

173. Юк ортиш механизмлари ёрдамида кемалар, вагонлар ва автотранспорт воситаларини юклаш ва тушириш даврида юклар ва тара ҳамда транспорт воситаларининг сақланиши ва хавфсиз иш шароитлари таъминланган бўлиши шарт.

174. Юк ортиш ва тушириш механизмларини бошқарувчи шахслар ваколатли органлар томонидан бериладиган махсус гувоҳномаларга эга бўлишлари шарт.

175. Қирғоқ ва сузувчи юк кўтариш кранлари ваколатли органлар томонидан белгиланган муддатларда текширувдан ўтказилган бўлиши шарт.

176. Сузувчан юк ортиш кранлари понтонларининг техник ҳолати Кемачилик регистри инспектори томонидан кўриқдан ўтказилган бўлиши шарт.

Сузувчан юк ортиш кранларидан техник фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тартиби, уларни ишлаб чиқарган завод йўриқномалари ва махсус йўриқномалар билан белгиланади.

## **6-§. Порт ходимларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

177. Порт бинолари, иншоотлари, юк ортиш механизмлари, рейд кемаларини ишлатиш, уларни соз ҳолатда сақлаш, портнинг ҳудуди ва акваторияларида ишларни тўғри ташкил этиш учун жавобгар порт бошлиғи ҳисобланади.

Портнинг айрим объектларини ишлатиш ва соз ҳолатда сақлаб туриш учун ушбу объектларнинг раҳбарлари жавобгар ҳисобланадилар.

Ҳаракат хавфсизлиги, кемаларнинг рейдда тўхтаб туриши ва уларга ишлов бериш учун жавобгар порт бошлиғи, бош мухандис, дарё флоти диспетчери ва рейд капитани ҳисобланади.

178. Порт бошлиғи портга кириш йўллари габарит ўлчамларини сақлаб туриш, сув йўллари тубини чуқурлаштириш ва тозалаш ишлари ўтказилишини назорат қилиб туриши шарт.

179. Портнинг акваториясидаги белгиланган габарит ўлчамларни сақлаб туриш ҳамда сув тубини тозалаш, қирғоқ ва сузувчи кемачилик жиҳозларини ўрнатиш ва уларни сақлаб туриш, сув иншоотларининг ҳимоя қурилмалари ҳамда портнинг рейд чегараларида ўрнатилган тўсувчи белгиларни ўрнатиш ва сақлаб туриш учун шу порт чегарасида жойлашган сув йўллари техник участкаси бошлиғи жавобгар ҳисобланади.

## **9-боб. Порт ва флот ишини ташкил этиш**

### **1-§. Таркибни шакллантириш ва қатновга жўнатиш**

180. Белгиланган йўналишлар бўйича кемалар ва таркибни қатновга жўнатиш тартиби флотнинг ҳаракат жадвали билан белгиланади.

Таркибни шакллантириш корхона томонидан тасдиқланган жадвалларга мувофиқ амалга оширилади.

181. Рейдларда таркибни шакллантириш дарё флоти диспетчери, рейд капитани ва шатакка олувчи кема капитани кўрсатмаси бўйича амалга оширилиши шарт.

182. Таркибни шакллантириш учун режа тузиш даврида дарё флоти диспетчери қуйидагиларга риоя этиши шарт:

ҳаракат жадвали билан белгиланган таркибнинг вазн меъёрлари ва унинг ҳаракат тезлигига амал қилиши;

кема тагида етарли сув чуқурлиги захираси бўлиши;

таркибни шакллантириш даврида белгиланган сузиш ҳудуди бўйича ҳаракат хавфсизлигининг таъминланиши;

таркиб габарит ўлчамларининг сув йўллари, шлюзлар ва бошқа сув усти иншоотлари габаритларига мувофиқ бўлиши;

маневр ишларининг қулай бажарилиши.

183. Таркибни шакллантириш даврида рейд капитани ёки шатакловчи кема капитани белгиланган меъёрларга мувофиқ таркиб бошида сув кам қаршилиқ кўрсатадиган ва бошқариладиган кемани танлаши шарт.

184. Кемаларни қатновга жўнатишга фақат дарё флоти диспетчерининг рухсати билан йўл қўйилади.

Рухсат қўйидагиларга мувофиқ берилиши шарт:

белгиланган шаклдаги диспетчерлик рухсатномаси;

радио-телефон билан қабул қилинган ва кеманинг вахта журналида қайд этилган кўрсатма.

Кемани қатновга жўнатиш учун кўрсатма беришда дарё флоти диспетчери қўйидагиларни ҳисобга олиши шарт:

кеманинг қатновга жўнатишга шайлиги;

йўналиш ва участкалар бўйича кемаларнинг тақсимланиши жадвалда белгиланганлиги;

об-ҳаво маълумоти, сув сатҳи, муз оқими ва йўл ҳолати.

185. Қўйидаги кемаларни қатновга жўнатиш тақиқланади:

таркиб ва юкларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи носоз кемалар;

тегишли сигналлар тизими ва алоқа воситалари, сув чиқариб ташлайдиган ва ёнғинга қарши воситалари мавжуд бўлмаган кемалар;

габарит ўлчамлари сув йўллари габарит ўлчамларига мос келмайдиган кемалар.

186. Кемаларнинг капитанлари ва шкиперларига қўйидагилар тақиқланади:

дарё флоти диспетчерининг рухсати бўлмаганда, сузиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугаганда ва кема габарит ўлчамлари кема юрадиган сув йўллари габарит ўлчамларига мос келмаганда қатновга жўнаб кетиш;

жадвалда ва диспетчерлик фармойишида кўзда тутилмаган юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича ишларни бажариш;

Кемачилик регистри инспектори томонидан техник кўрикдан ўтказилмаган кемаларда қўл ва сув омборларига чиқиш.

187. Қатновга жўнаб кетишдан олдин кема капитанлари кемаларнинг созлиги, таркибни тўғри ва ишончли боғланганлиги, такелаж мавжудлиги, алоқа ва сигналлар тизимининг нуқсонсиз ишлаши ва ташиш ҳужжатлари мавжудлигини текшириши шарт.

188. Капитан ва механиклар кемаларнинг ўз вақтида қатновга жўнатилишини таъминлаши, диспетчер фармойишида белгиланган кемалар ва таркибларнинг ҳаракат тезлиги жадвалига риоя этиши шарт.

189. Экипажсиз баржалар шатакка олувчиларга бириктирилганда уларнинг техник ҳолати, сақланиши, кемачилик жиҳозлари, ташилаётган юклар ва кемада бўлган инвентарнинг сақланишини шатакка олган кеманинг капитани таъминлаши шарт.

190. Кемани шлюздан ўтказиш даврида капитан ва вахта бошлиғи шлюз диспетчери кўрсатмаларидан ташқари кема ўтадиган шлюзлардан кемаларни ва таркибларни ўтказиш қоидалари талабларини ҳам бажариши шарт.

Кеманинг вахта бошлиғи шлюз диспетчери кўрсатмаларини бажарган ҳолда, ўзи шахсан кема ва таркибнинг кўтарилиши ва туширилишини назорат қилиши шарт.

191. Ҳаракат даврида шатакка олиш ва швартов арқонларини кесиш ва ечиб ташлашга инсонлар ҳаётига шубҳасиз таҳдид пайдо бўлганда, кема ва таркиб билан содир этилиши муқаррар бўлган авариянинг оғир оқибатларининг олдини олиш ва камайтириш мақсадида рухсат этилади.

Шатакка олиш ва швартов арқонларини кесиш ва ечиб ташлаш тўғрисидаги кўрсатмани бериш ҳуқуқига фақат кема капитани ёки унинг лавозимини эгаллаган шахс эга ҳисобланади.

192. Кемани ёки таркибни тўхтатиш зарурати пайдо бўлганда, вахта бошлиғи капитанни хабардор қилиши шарт.

Агар кейинчалик ҳаракатланишнинг имкони бўлмаса, капитан қуйидагиларни бажариши шарт:

кема ёки таркибни хавфсиз жойга ўтказиши ва уни ишончли боғлаш;

кема ёки таркибни тўсиб турувчи белгилар ўрнатиш;

қатновни давом эттириш чораларини кўриш;

дарё флоти диспетчерига тўхтаб қолганлиги сабаби, керак бўладиган ёрдам ва ҳаракатни давом эттириш учун мўлжалланган вақт тўғрисида хабар бериш.

193. Ўзиюрмас кемаларнинг шкиперлари ўз кемаларининг йўл давомида олган шикастланишлари тўғрисида шатакка олган кеманинг вахта бошлиғини хабардор қилиши ва бу шикастланишларни экипаж кучи ва мавжуд воситалар билан бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

## **2-§. Порт ишини ташкил этиш**

194. Порт ишини ташкил этиш учун портнинг суткалик иш режаси ишлаб чиқилади ва порт раҳбари томонидан тасдиқланади.

Портнинг суткалик иш режасида кемаларга ишлов бериш ва хизмат кўрсатиш технологик жараёнлари акс эттирилади.

195. Портнинг технологик жараёнлари қуйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади:

кемаларга ишлов бериш жадвали;

кемаларни юклаш ишлари технологик хариталари;  
юклаш режаси.

Технологик хариталарда юклаш-тушириш ишларини максимал механизациялаштириш ва хавфсиз иш шароитлари кўзда тутилган бўлиши шарт.

Кемалардан темир йўл транспортига ёки аксинча, юклаш ишлари амалга оширилаётган портда алоҳида шартномага мувофиқ порт ва темир йўл станцияси ишининг ягона технологик жараёни тузилиши мумкин.

196. Портда рейд ишлари белгиланган технологик жараён ва суткалик иш режими асосида бажарилиши шарт.

197. Таркибни лангарга, тўхтаб турган кемаларга, понтон ёки сузувчи буйларга боғлаб қўйиш дарё флоти диспетчерининг кўрсатмаси бўйича таркибни олиб келган шатакловчи томонидан амалга оширилиши шарт.

Кемаларни юклаш-тушириш причалларига жойлаштириш, причалнинг у жойидан бу жойига олиб қўйиш, баржаларни олиб кетиш, таркибни шакллантириш рейд кемалари томонидан рейд капитани раҳбарлигида амалга оширилиши шарт.

Рейд кемаларига эга бўлмаган юклаш-тушириш пунктларига келган кемаларни причалларга қўйиш бу кемаларни олиб келган шатакловчи томонидан амалга оширилади.

198. Портга ишлов беришга жалб этиш учун келган кемалар қатновга жўнаб кетгунга қадар порт ихтиёрида бўлади.

199. Рейдларга қўйилган кемалар сув сатҳининг тебраниши, оқимнинг кучайиши, шторм (пўртана) пайдо бўлиши ва бошқа кемаларнинг рейд бўйича ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда ишончли боғланган бўлиши шарт.

Порт ва порт чегарасидаги оралиқ пунктларда бўлган бутун вақт давомида кемаларнинг хавфсиз тўхтаб туриши ва юкларнинг сақланишини ташкил этиш учун порт маъмурияти жавобгар ҳисобланади.

200. Шатакка олувчиларга қуйидагилар тақиқланади:

кема ва таркибни фарватер (кема юрадиган асосий йўл) чегарасида қўйиш, уларни кемачилик жиҳозлари белгилари ва боғлаш учун мўлжалланмаган предметларга боғлаш;

таркибни тарқатиш даврида кемаларни ушбу юкни қабул қилиб олишга мўлжалланмаган причалга қўйиш;

кема ёки таркибдан уни тўлиқ тўхтамасдан ёки боғламасдан узоқлашиш.

201. Рейд капитани барча технологик жараёнларга бевосита раҳбарлик қилади ва рейдда турган кемаларнинг хавфсиз сақланиши учун жавобгар ҳисобланади.

### **3-§. Портда кемаларга комплекс хизмат кўрсатиш**

202. Портга келган кемалар кема эгаларининг буюртмалари бўйича ушбу порт томонидан комплекс хизмат кўрсатилиши таъминланади.

Кемаларга кўрсатган хизмат учун тўловлар кема эгаси томонидан хизмат кўрсатилган даврдаги тариф бўйича портнинг тақдим этган ҳисоб варақаси асосида амалга оширилади.

Барча турдаги хизмат учун буюртмалар кема капитани томонидан кема портга келишидан бир кун олдин, ўтиш давомийлиги бир кундан кам бўлганда эса кема келишидан 2 соат олдин кечикмай дарё флоти диспетчерига берилиши шарт.

203. Транспорт кемаларига комплекс хизмат кўрсатиш порт томонидан, техник флот кемаларига хизмат кўрсатишни ташкил этиш эса сув йўллари техник участкалари томонидан амалга оширилади.

204. Портларда комплекс хизмат кўрсатиш даврида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

порт ишлатиш хизмати: юклаш ишларини бажариш, юклаш ишлари тугагандан сўнг кемаларни юк қолдиқларидан тозалаш, сувларни кемадан чиқариб ташлаш, командасиз баржани қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш, кемаларнинг поли тагидаги сувларни ва ишлатилган мойларни, чиқинди ва озиқ-овқат қолдиқларини қабул қилиш, йўл ахборотномасини бериш, лоцман хизмати, экипажни истеъмол суви, озиқ-овқат, тиббий воситалар билан таъминлаш;

режадан ташқари ва авария таъмирлаш бўйича ишларни яқин орадаги корхоналар ва сузувчи техник ёрдам станциялари кучлари билан ташкил этиш.

205. Портда кемаларга комплекс хизмат кўрсатишни ташкил этиш дарё флоти диспетчерига юкланади.

Кемаларга хизмат кўрсатиш бўйича буюртмаларнинг бажарилиши бўйича назоратни порт маъмурияти амалга оширади.

### **10-боб. Дарё транспорти воситаларини назорат қилиш**

206. Барча кемаларда лойиҳалаштириш, қуриш, қайта жиҳозлаш, таъмирлаш ва фойдаланиш даврида ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг техник ҳолати, хавфсиз сузиш шароитлари, санитария, ёнғин, экология ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилиши ва улар техник кўрикларга жалб этилиши шарт.

207. Кемаларнинг техник ҳолати бўйича белгиланган қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Кемачилик регистри инспекторлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси инспекторлари амалга оширади.

Кемачилик регистри ва Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси инспекторлари кемаларни техник кўриклардан ўтказди, техник ҳолати яроқли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни беради, тиклайди, тасдиқлайди ёки амал қилиш муддатини узайтиради.

208. Дарё транспортида назоратни амалга оширувчи давлат органларининг мансабдор шахслари кемалардан белгиланган вазифаларига мувофиқ тўғри фойдаланишни назорат қилиш бўйича қуйидагиларга ҳақли:

кемалардан тўғри фойдаланилиши, уларнинг табелда қайд этилган таъминот ва инвентар билан бутланганлиги, улар томонидан сузиш ва фойдаланиш хавфсизлиги таъминланиши бўйича қоидалар ва талаблар бажарилиши, кемалар сузадиган йўллар ва кемалар сузадиган вазиятнинг ҳолати устидан назорат қилиш, экипаж аъзоларининг билимларини текшириш;

кема ҳужжатларининг амал қилиш муддати тамом бўлганда, кемалар малакали экипаж билан бутланмаганда, бортда авария-қутқарув, ёнғинга қарши инвентар мавжуд бўлмаганда, сузиб юрувчи қурилмаларда одамларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи нуқсонлар бўлганда, кемалардан фойдаланиш, ёнғинга қарши ва санитария хавфсизлиги қоидалари талаблари бузилганда кемалардан фойдаланишни тақиқлаш;

агар сузиш воситаларининг техник ҳолати сузишнинг ва фойдаланишнинг хавфсизлигини ёки сузиш воситаларининг хавфсиз тўхтаб туришини таъминламаса, улардан фойдаланишни тақиқлаш;

хавфсиз сузиш шароитларини, одамларнинг ҳаёти муҳофаза қилинишини, ички кема йўлларида юкларнинг ишончли ташилишини, кемалардан ифлослантиришнинг олдини олишни таъминловчи сузиш воситаларига қўйиладиган талаблар бажарилишини техник назорат қилиш.

### **11-боб. Яқунловчи қоида**

209. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## Дарё транспортида юк ташиш қоидалари

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг ички кема йўлларида дарё транспортида юк ташиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**дарё флоти бўйича навбатчи диспетчер** - портда юклаш ва тушириш ишларини ташкил этувчи ва уларга раҳбарлик қилувчи мансабдор шахс;

**давлат назорати органлари** - шахсларни, транспорт воситаларини ва товарларни Давлат чегараси орқали ўтказишда иштирок этувчи чегара, божхона, санитария-эпидемиология, фитосанитария ва ветеринария назорати органлари;

**жўнаб кетиш порти** - кеманинг ҳаракатланиши бошланадиган порт;

**жўнатиш порти** - божхона назорати остида юкларни тушириш, қабул қилиш, сақлаш, кемага юклаш ва жўнатиш бошланадиган порт;

**жўнатиш божхона пости** - божхона назорати остида юкларни ташиш бошланадиган ҳудудда жойлашган божхона хизмати органи;

**кема капитани** - кемани бошқариш, унга раҳбарлик қилиш ҳамда сузиш хавфсизлигини таъминлаш, кемада тартиб-интизомни сақлаш, кемадаги одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, кеманинг ҳамда унда ташиладиган юкларнинг бутлиги учун зарур бўлган чораларни кўриш учун кема эгаси томонидан тайинланган мансабдор шахс;

**коносамент** - дарё транспортида юк ташиш шартномаси тузилганлиги, юкнинг юк ташувчи томонидан қабул қилинганлиги ва юк етказиб берилганлигини тасдиқловчи транспорт (ташиш) ҳужжати;

**манзил порти** - божхона назорати остида юкларни ташиш, тушириш, қабул қилиш, сақлаш ва топшириш тугалланадиган порт;

**манзил божхона пости** - божхона назорати остида юкларни ташиш тугалланадиган ҳудудда жойлашган божхона хизмати органи;

**порт** - қирғоқ бўйи ер участкаси ва ички сув акваториясида жойлашган, йўловчи ва кемаларга хизмат кўрсатиш, юкларни қабул қилиш, тушириш, ортиш, қисқа муддатли сақлаш ва топшириш, бошқа транспорт турлари билан биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида махсус жиҳозланган иншоотлар мажмуи;

**тара** - ташиш, юклаш, жойлаштириш, тушириш ва омборда сақлаш жараёнида ичидаги юкларга шикаст етказилишидан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлган буюм;

**тарали дона юклар** - алоҳида юк ўринлари билан тақдим этиладиган, тарага жойлаштирилган, ўзининг шакли, вазни ва ўлчамлари билан тавсифланадиган юк бирлиги;

**транспорт (ташиш) ҳужжати** - транспорт юк хати, коносамент ёки ташиш шартномаси ёхуд товарларни ташиш бўйича шартнома тузилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

**шкипер** - юкларни бир ёки бир нечта ўзиюрмас юк кемаларига юклаш, юкларни кемага тўғри жойлаштириш, маҳкамлаш ва тушириш ишларига жавобгар шахс (ўзиюрмас кема капитани);

**юк жўнатувчи** - ўзи ёки юк эгаси номидан ҳаракат қилувчи ва транспорт (ташиш) ҳужжатларига мувофиқ жўнатиш портидан юкни жўнатиш ваколатига эга шахс;

**юк ташувчи** - юк ташиш шартномасига мувофиқ юкни жўнатиш портида юк жўнатувчидан қабул қилиш, дарё транспортида манзил портига етказиб бериш ва юк олувчига топшириш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида ва юк ташиш шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажарувчи шахс;

**юк олувчи** - юк ташиш шартномасига мувофиқ манзил портида юкни олиш ваколатига эга шахс;

**юк қабул қилувчи-топширувчи** - юкларни қабул қилиш, топшириш ва уларнинг ҳисобини юритиш учун порт томонидан тайинланган жавобгар шахс;

**қўшма наряд** - Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали шахсларни, транспорт воситаларини ва юкларни ўтказиш бўйича биргаликдаги назоратни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара назорати бўлинмалари (кейинги ўринларда - чегара назорати бўлинмалари) (чегара наряди) ва божхона хизмати органи (божхона наряди), санитария-эпидемиология хизмати, фитосанитария ва ветеринария назорати органлари ходимларидан иборат бўлган наряд.

3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мазкур Қоидаларда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

## **2-боб. Юк ташишни ташкил этиш**

### **1-§. Юк ташиш шартномаси ва унинг шартлари**

4. Юклар юк ташиш шартномасига асосан ташилади. Юк ташиш шартномаси бўйича юк ташувчи юк жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва юк олувчига топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

5. Дарё транспортида юк ташиш даврида юк жўнатувчининг талабига мувофиқ товарларни тақсимловчи хужжат сифатида унга коносамент берилади.

Коносамент бир вақтнинг ўзида юк ташувчи томонидан юклар қабул қилиб олинганлиги ва ташиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи хужжат ҳисобланади.

6. Ташишнинг умумий шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Транспорт тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик хужжатлари билан белгиланади.

7. Юк ташиш шартномасида юкларни юк ташувчига топшириш, жўнатиш портида сақлаш, етказиб бериш муддати, юкларнинг миқдори ва вазни ҳамда томонларнинг келишуви бўйича бошқа шартлар кўрсатилади.

8. Жўнатиш ва манзил порт орасида кеманинг бошқа портга кириши юк ташиш шартномасида кўрсатилади.

9. Юк ташиш ҳамда ташиш билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш учун ҳақ тўлаш юк ташиш шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

Агар юк ташиш шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, юкларни кемага юклаш ва уларни кемадан портга тушириш порт томонидан юк жўнатувчи ёки юк олувчининг ҳисобидан амалга оширилади.

10. Юк ташувчи ташишга қабул қилинган юкларнинг жўнатиш ва манзил портини қонунчилик хужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда ўзгартириши, юк тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган бир юкни бошқа турдош юк билан алмаштириши юк жўнатувчи ёки юк олувчининг ёзма талабига мувофиқ амалга оширилади.

11. Юк жўнатувчи манзил портини ўзгартирмасдан юк олувчини ўзгартириши мумкин.

Юк олувчини ўзгартириш тўғрисидаги талабнома коносаментларга илова қилинган ҳолда, жўнатиш божхона органи ва жўнатиш портига тақдим этилади.

12. Манзил портини ўзгартиришни талаб қилган юк жўнатувчи мазкур ўзгартириш натижасида вужудга келадиган харажатлар бўйича юк ташувчи ва биринчи кўрсатилган манзилдаги юк олувчи олдида жавобгар ҳисобланади.

13. Енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибатида ташишга қабул қилинган, лекин ҳали жўнатилмаган юкларнинг манзил портини ўзгартириш юк ташувчи томонидан юк жўнатувчи билан келишилган ҳолда амалга оширилади, бунда юк жўнатувчи ҳақиқий босиб ўтилган масофа бўйича ҳақ тўлайди.

14. Юкларнинг манзил портини ўзгартиришга уларнинг яроқлилик (сақлаш) муддати доирасида йўл қўйилади.

15. Мазкур Қоидаларнинг 13-бандида назарда тутилган ҳолатлар юз берганлиги сабабли кеманинг манзил портига келишининг имкони бўлмаса, юк ташувчи бу ҳақда юк жўнатувчи ёки юк олувчини хабардор қилиши лозим.

16. Томонларнинг келишувига мувофиқ юклар юк жўнатувчининг кузатувчиси иштирокида ташилади.

17. Юкни кемага юклаш кечикканлиги учун айбдор бўлган тараф қонунчилик ҳужжатларида ёки юк ташиш шартномасида белгиланган тартибда ва миқдорда жарима тўлайди.

18. Юкни юк жўнатувчининг айби билан жўнатиш портига қайтариб олиб келиш, тушириш ва сақлаш харажатлари юк жўнатувчи томонидан қопланади.

## **2-§. Кемага қўйиладиган талаблар**

19. Юк ташувчи томонидан юк ташиш учун жалб қилинаётган кема Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши ҳамда юкларни манзил портига хавфсиз ва ишончли етказиш имкониятига эга бўлиши керак.

20. Режалаштирилган юкнинг юк жўнатувчи ёки юк олувчи томонидан ўзгартирилиши кемани қайта жиҳозлашни талаб қилса, юк ташувчи қўшимча тузилган шартнома асосида юк жўнатувчи ёки юк олувчининг ҳисобидан кемани қайта жиҳозлайди.

## **3-§. Юк ва тарага қўйиладиган талаблар**

21. Юклар юк жўнатувчи томонидан техник шартларга мувофиқ келадиган миллий стандартлар, халқаро (минтақавий) стандартларга мувофиқ, техник шартларда назарда тутилмаган юклар эса юк ташувчи билан келишилган ва уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлайдиган соз таралар ва ўрамларда тақдим этилиши шарт.

22. Юкларни ташишга тайёрлашда кеманинг юк сифими, юк турлари ва уларнинг вазнига қараб кемага жойлаштирилиши ҳисобга олиниши шарт.

23. Юкларни кемага жойлаштириш ва ташиш тартиби юк ташиш шартномаси билан белгиланади.

Битта юк жўнатувчи томонидан битта манзилга, битта кемада бир хил ўрамлар ва тараларда ташиладиган юклар битта коносамент билан жўнатилиши шарт.

24. Ўзининг физик-кимёвий хусусиятларига ва ташиш шартларига кўра ўрамланган ҳолда ташиладиган тарали дона юклар юк ташувчига худди шундай ҳолатда тақдим этилади.

25. Юк жўнатувчи юкни ўрамлаш учун зарур материалларни юк билан биргаликда портга тақдим этади. Кўп марта фойдаланиладиган, юкларни кема бортига маҳкамлаш учун мўлжалланган кема мосламалари юк ташувчи томонидан тақдим этилади.

26. Тара ва ўрамларда ташилаётган юкларни порт омборларига киритиш ва кемага юклаш даврида улар юк қабул қилувчи-топширувчи ва шкипер томонидан ташқи текширувдан ўтказилади. Бунда тара ва ўрамларнинг созлиги,

юкнинг ташишга яроқлилиги, зарур реквизитларнинг мавжудлиги, пломбаларнинг бузилмаганлиги ва уларнинг ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги текширилади.

27. Ташувга қабул қилинадиган ўрамли ва тарали дона юкларнинг ўрни маркировкалаш белгисига, махсус ишлов бериш талаб этиладиган юклар эса махсус белгига эга бўлиши лозим.

### **3-боб. Юк ташишни давлат томонидан назорат қилиш**

#### **1-§. Божхона назорати ва расмийлаштируви**

28. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган кемадаги товарлар ва экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг шахсий буюмлари, валюта бойликлари божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказилиши шарт.

29. Божхона расмийлаштируви ва назорати Божхона кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

30. Кемаларнинг Ўзбекистон Республикасига кириб келиши ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишини расмийлаштириш қўйидаги таркибдаги давлат назорати органлари томонидан амалга оширилади:

чегара назорати бўлинмалари ходимлари;

божхона хизмати органлари ходимлари;

санитария-эпидемиология хизмати ходимлари;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати ходимлари, (уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари олиб кириладиган чегара пунктлари ёки ҳудудларида);

манзил ёки жўнатиш порти вакиллари.

Зарур ҳолларда, давлат назорати органлари таркибига бошқа хизматлар ходимлари ҳам киритилиши мумкин.

31. Кемаларнинг божхона расмийлаштируви учун буюртма дарё флоти бўйича навбатчи диспетчер томонидан берилади.

Божхона назорати ва расмийлаштируви санитария назорати ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

Санитария назорати тугагунга қадар кемага бирор-бир шахснинг кириши ва чиқиши тақиқланади.

32. Чет элга жўнаб кетувчи кемалар портда турган вақтда чегара назорати бўлинмалари ва божхона органларининг назорати остида бўлади.

Кемаларнинг турар жойини ўзгартириш (бошқа жойга боғлаш) чегара назорати бўлинмалари ва божхона органларини хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

33. Чегара назорати бўлинмалари ва божхона органлари томонидан чегара ва божхона назорати амалга ошириладиган кемаларнинг ёнига тўхташ, шунингдек, бортдан қирғоққа ёки қирғоқдан бортга бирор-бир буюмларни узатишга йўл қўйилмайди.

34. Божхона органларининг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун кема бортига исталган вақтда чиқиши мумкин.

Кема капитани ёки шкипер мазкур Қоидаларнинг 35-бандида назарда тутилган ҳужжатларни божхона назоратидан ўтказиш учун тақдим этиши, зарур ҳолларда, божхона органининг мансабдор шахсларига ўз хизмат вазифаларини бажаришлари учун маиший ва хизмат хоналарини ажратиб бериши шарт.

## **2-§. Кемалар ва юкларнинг божхона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатлар**

35. Дарё транспортида ташишларни божхона расмийлаштирувида қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:

умумий декларация - кема ва унинг келиши ёки жўнаб кетиши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат;

юк тўғрисидаги декларация - кема анжомлари тўғрисидаги декларация ва кема экипажининг шахсий буюмлари тўғрисидаги декларацияга киритилмаган, кема бортида мавжуд бўлган юклар (товарлар) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат;

кема анжомлари тўғрисидаги декларация - кема ва экипаж аъзоларининг эҳтиёжи учун мўлжалланган товарлар (озик-овқат маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, кеманинг материал-техник таъминотлари) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат;

кема экипажининг шахсий буюмлари тўғрисидаги декларация - экипаж аъзоларига тегишли шахсий буюмлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат;

кема хизмати - кеманинг номи ва эгаси, кема рўйхатдан ўтказилган порт, кема тури, кема экипажи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, фуқаролиги, лавозими, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларининг тури, серияси ва тартиб рақами ҳамда гувоҳнома рақами тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат;

йўловчилар рўйхати;

транспорт ҳужжатлари;

ташилаётган товарларга тижорат ҳужжатлари;

халқаро почта жўнатмаларини кузатиб бориш учун Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар.

Умумий, юк, кема анжомлари, ва кема экипажининг шахсий буюмлари тўғрисидаги декларациялар кема капитани ёки бошқа ваколатли шахс томонидан имзоланади.

Кема хизмати порт раҳбари ёки ваколат берилган бошқа шахс ҳамда ходимлар бўлими бошлиғи томонидан имзоланади.

36. Транспорт (ташиш) ҳужжатларида Умумжаҳон божхона ташкилотининг Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ товарларнинг номи ва камида олтита белги даражасидаги кодлари (ҳалқаро почта ва курьерлик жўнатмалари бундан мустасно), юк ўринлари сони, брутто ва нетто оғирлиги (килограммда), жойлаштириш тавсифи ва фактура қиймати кўрсатилиши шарт.

37. Кема бортида бўлган хавфли юклар (хавфли хусусиятларга эга бўлган, ташиш ва сақлаш даврида алоҳида эҳтиёт чораларини кўришни талаб қилувчи моддалар ва товарлар) тўғрисида маълумотлар алоҳида кўрсатилиши шарт.

### **3-§. Ўзбекистон Республикасига киришда божхона назорати ва расмийлаштируви**

38. Кема Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасига кирганлиги тўғрисида дарё флоти бўйича навбатчи диспетчер томонидан манзил божхона постига камида 1 соат олдин онлайн режимда электрон шаклда хабар берилади.

Хабарда қуйидаги электрон маълумотлар бўлади:

манзил порт ва кеманинг номи;

юк тўғрисидаги маълумотлар (Умумжаҳон божхона ташкилотининг Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ товарларнинг номи ва камида олтита белги даражасидаги кодлари (ҳалқаро почта ва курьерлик жўнатмалари бундан мустасно), юк ўринлари сони, брутто ва нетто оғирлиги (килограммда), жойлаштириш тавсифи ва фактура қийматининг) номи ва миқдори ёки кеманинг юксиз эканлиги тўғрисида маълумот;

кеманинг портга келиш вақти.

39. Давлат назорати органлари ходимлари кема бортига келгандан сўнг шкипер божхона расмийлаштируви учун манзил божхона пости ходимига мазкур Қоидаларнинг 35-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

40. Манзил божхона пости ходими тақдим этилган ҳужжатларни текшириб чиққандан сўнг тушириладиган юклар коносаментлари ва юк кузатув ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштирувини амалга оширади.

41. Ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг кемада манзил божхона пости ходими томонидан божхона назорати ўтказилади.

Кема божхона назоратидан кема капитани ёки шкипери томонидан тайинланган кузатувчи иштирокида ўтказилади.

Кема капитани ёки шкипери кеманинг барча хоналарида божхона назорати ўтказилишини таъминлайди.

Трюмлар, шкафлар, қутилар ва бошқа ёпиқ объектларнинг божхона назоратидан ўтказиш учун зарур шароит кузатувчи томонидан таъминланади.

Йўловчиларнинг ва кема экипажи аъзоларининг шахсий буюмлари Божхона кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уларнинг эгалари ёки уларнинг ишончли вакиллари иштирокида божхона расмийлаштируви ва назоратидан ўтказилади.

Божхона расмийлаштируви тугагандан сўнг манзил божхона органи томонидан юкларни тегишли божхона (порт) омборига туширишга рухсат берилади.

42. Кемада товар ва ашёларни ноқонуний олиб кириш ҳамда олиб чиқиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, хоналар, трюмлар, шкафлар, қутилар ва бошқа ёпиқ объектлар манзил божхона пости ходими томонидан муҳрланади ва бу ҳолат маъмурий иш ёки жиноят ишини қўзғатишга асос бўлади.

43. Давлат назорати органларининг фаолияти кема портга келган вақтдан бошлаб 3 соат ичида тугалланиши шарт.

#### **4-§. Ўзбекистон Республикасидан чиқишда божхона назорати ва расмийлаштируви**

44. Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган кеманинг жўнаб кетиши даврида коносаментлар ва юклаш топшириқномаси портнинг тижорат бўлими томонидан жўнатиш божхона хизмати органига онлайн режимда электрон шаклда тақдим этилади.

Жўнатиш божхона пости ходими ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириб, коносаментлар ва юк билан бирга жўнатиладиган барча юк кузатув ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштирувини амалга оширади.

45. Портнинг тижорат бўлими томонидан жўнатиш божхона пости ходимидан ҳужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг дарё флоти бўйича навбатчи диспетчерга кема ва юкларнинг жўнатишга тайёр эканлиги ҳақида хабар берилади.

Коносаментлар ва юк билан бирга жўнатиладиган бошқа ҳужжатлар шкиперга топширилади.

46. Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган кеманинг жўнаб кетиши даврида дарё флоти бўйича навбатчи диспетчер томонидан жўнатиш божхона хизмати органига товарлар ва транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб чиқилиши кутилаётганлиги тўғрисида хабар берилади.

Жўнатиш божхона пости ходими давлат назорати ходимлари билан биргаликда божхона назоратини ўтказишга киришади.

Юклар ва кемада бажариладиган бошқа ишлар божхона назорати бошланишидан олдин тугатилган бўлиши, шунингдек, кема яқинида бошқа сузувчи восита ва бегона шахслар бўлмаслиги лозим.

47. Давлат назорати органлари ходимлари кема бортига келгандан сўнг мазкур Қоидаларнинг 35-бандида назарда тутилган ҳужжатлар шкипер томонидан жўнатиш божхона пости ходимига тақдим этилади.

48. Транспорт (ташиш) ҳужжатларидаги маълумотлар ҳужжатларни қабул қилган жўнатиш божхона пости ходими томонидан кема ва юк божхона назоратидан ўтказилади ҳамда юклар топшириқномасида кўрсатилган маълумотлар билан солиштирилади ва барча ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

49. Кема экипажи аъзолари томонидан божхона иши тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бажарилмаган тақдирда, жўнатиш божхона пости ходими назоратни тўхтатишга ҳақли.

## **5-§. Чегара назорати**

50. Юк ташиш даврида Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтишларнинг олдини олиш мақсадида чегара назорати бўлинмалари томонидан чегара назорати амалга оширилади.

51. Чет элдан Ўзбекистон Республикаси портларига кириб келаётган ёки чет элга чиқиб кетаётган барча кемалар чегара назоратидан ўтказилади.

52. Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган, шу жумладан, чет эл портларига кирмасдан сузадиган кемалар Ўзбекистон Республикаси портларига келганда, портда тўхтаб турганда ва портдан жўнаб кетаётганда чегара назоратидан ўтказилади.

53. Чет элга чиқиб кетадиган кемаларнинг улар тўхтаб турган жойдаги ўтказиш пункти режимига риоя қилишлари, шунингдек, кемада вахта хизматининг олиб борилиши чегара назорати бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

54. Чет элга чиқиб кетадиган кемаларда ташилаётган транспорт воситалари, контейнерлар ва бошқа катта ҳажмли юклар кемага юклардан олдин ёки ундан туширилгандан кейин текширилади.

55. Чегара назорати бўлинмаларига дарё флотининг диспетчер хизмати томонидан ҳар куни Ўзбекистон Республикаси портига кириб келаётган ва ундан чиқиб кетадиган кемалар тўғрисида хабар берилади.

56. Кемаларни назорат қилиш даврида божхона хизмати органи ва кемаларга хизмат кўрсатувчи бошқа хизматлар билан ўзаро ҳаракатлар чегара назорати бўлинмалари командири томонидан технологик схема ва жадвалга мувофиқ ташкил этилади.

57. Чегара назорати даврида кема капитани ёки шкипери томонидан тайинланган кузатувчи барча хоналарга биринчи бўлиб кириши ва охирида чиқиши шарт.

Юкларни текшириш даврида махсус хизмат итлари ва техник воситалардан фойдаланилиши мумкин.

Давлат назорати органлари ўз ишини тугатгандан кейин чегара назорати бўлинмаси командирининг ва божхона хизмати органи раҳбарининг рухсати билан кема тарк этилади.

#### **6-§. Ўзбекистон Республикасига кириб келиш даврида чегара назорати**

58. Қўшма наряднинг кемада чегара ва божхона назоратини ўтказишдаги вазифалари кема портга келишидан 30 дақиқа олдин чегара назорати бўлинмалари ва манзил божхона хизмати органи раҳбарлари томонидан белгилаб олинади.

59. Қўшма наряд ўз фаолиятини кема бортида санитария-эпидемиология, ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизматлари ҳамда бошқа давлат назорати органлари ходимлари билан биргаликда амалга оширади.

60. Чегара назорати бўлинмалари кема экипажи, кема экипажининг кема хизматига киритилмаган аъзолари ва йўловчилар сонини кема капитанидан аниқлайди ҳамда кема экипажи аъзолари ва кема бортида бўлган бошқа шахсларни паспорт назоратидан ўтказиши.

61. Қўшма наряд томонидан кема капитани ёки шкипери томонидан тайинланган кузатувчи иштирокида кеманинг барча бўлинмалари, трюмлари, шкипер хонаси ва кемадаги товарлар текширилади.

Кема экипажининг ва кема бортида бўлган бошқа шахсларнинг шахсий буюмлари уларнинг иштирокида текширилади.

62. Давлат назорати органларининг ходимлари ўз фаолиятини тугатганидан сўнг чегара назорати бўлинмаси командири ва божхона пости ходимининг рухсати билан юклар кемадан туширилади.

63. Ўзбекистон Республикасига кемани шатакка олиб келган ва дарҳол Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган кема текширувдан ўтказилмайди, бироқ унинг портга кириши ва портдан чиқиб кетиши чегара назорати бўлинмалари томонидан кузатиб турилади.

#### **7 §. Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш даврида чегара назорати**

64. Чегара назорати бўлинмалари кеманинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш вақти тўғрисидаги ахборотни дарё флоти бўйича навбатчи диспетчердан қўшма наряд тўпланишидан 30 дақиқа олдин олади.

65. Қўшма наряд кема турадиган жойга келиб, причал ва унга туташ жойларни кўздан кечирилади, барча бегона шахсларни чиқариб юборади ва кема ҳамда аτροφ кузатилишини ташкил қилади.

66. Қўшма наряд ўз фаолиятини мазкур Қоидаларнинг 59-бандида кўрсатиб ўтилган давлат назорати органлари ходимлари билан биргаликда амалга оширади.

67. Чегара назорати бўлинмалари кема экипажи, кема экипажининг кема хизматига киритилмаган аъзолари ва йўловчилар сонини кема капитанидан аниқлайди ҳамда кема экипажи аъзолари ва кема бортида бўлган бошқа шахсларни паспорт назоратидан ўтказиши.

68. Қўшма наряд томонидан кема капитани ёки шкипери томонидан тайинланган кузатувчи иштирокида кеманинг барча бўлинмалари, трюмлари, шкипер хонаси ва кемадаги товарлар текширувдан ўтказилади.

Кема экипажининг ва кема бортида бўлган бошқа шахсларнинг шахсий буюмлари уларнинг иштирокида текширилади.

69. Давлат назорати органларининг ходимлари ўз фаолиятини тугатганидан сўнг кема чегара назорати бўлинмаси командири ва божхона хизмати органи раҳбарининг рухсати билан чет элга жўнаб кетади.

#### **4-боб. Юкларни қабул қилиш ва жўнатиш**

##### **1-§. Жўнатиш портида юкларни қабул қилиш**

70. Юклар жўнатиш портида юк ташиш шартномасига мувофиқ тўғридан-тўғри кемага юклаш ёки порт омборларида вақтинча сақлаш учун қабул қилинади.

71. Юкларни қабул қилиш транспорт (ташиш) ҳужжати асосида амалга оширилади ва юкни тушириш, юклаш ва сақлашга қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Далолатномага киритилган тузатишлар “Тузатилган” деган ёзув билан қайд қилинади ҳамда юк қабул қилувчи-топширувчи ва шкипернинг имзоси билан тасдиқланади.

72. Юк жўнатувчи томонидан юклаш топшириқномаси олингандан сўнг юкни тушириш, юклаш ва сақлашга қабул қилиш далолатномаси тузилади ва юк божхона назорати остида кемага юкланади.

73. Юклаш топшириқномасида кема номи, жўнатиш ва манзил порти, юкнинг тури ва миқдори, унинг алоҳида хусусиятлари, ўрам тури, юк ўринларининг белгиси ва рақами, портга келиб тушган юкнинг юкни тушириш, юклаш ва сақлашга қабул қилиш далолатномаси ва транспорт (ташиш) ҳужжатининг рақами кўрсатилиши шарт.

74. Экспорт, импорт ва транзит юкларни юклаш ёки тушириш юклаш топшириқномаси асосида икки иш куни ичида амалга оширилади.

75. Юклаш топшириқномаси юк жўнатувчи томонидан кемага юк ортиш бошланишидан 48 соат олдин, порт омборларида сақланаётган юклар бўйича эса юк ташиш шартномасида кўрсатилган муддатларда уч нусхада тақдим этилиши шарт.

76. Юклаш топшириқномаси жўнатиш портининг муҳри ва жўнатиш божхона органининг тегишли белгиси билан тасдиқланган бўлиши ҳамда унга юк билан биргаликда юбориладиган барча ҳужжатлар илова қилиниши шарт.

77. Юклаш топшириқномасининг бир нусхаси жўнатиш божхона органи ходимиغا, иккинчи нусхаси юк олувчига бериш учун шкиперга берилади, учинчи нусхаси жўнатиш портида қолдирилади.

78. Юк ташишни амалга ошириш учун юк жўнатувчи томонидан саккиз нусхада коносамент тузилади ва имзоланган ҳолда юк жўнатувчига тақдим этилади.

79. Коносаментга унда кўрсатилган юк кема бортига ортилган вақт бўйича сана қўйилади ва шкипер томонидан имзоланади.

Коносаментни юклаш тугашидан олдин имзолашга ёки унга бошқа санани кўрсатишга йўл қўйилмайди.

80. Коносаментнинг икки нусхаси жўнатиш божхона органига, олти нусхаси манзил портга етказиш учун шкиперга берилади, шундан икки нусхаси юк олувчининг юкни олганлиги тўғрисидаги имзоси билан жўнатиш портига қайтариш учун шкиперга тақдим этилади.

## **2-§. Юкларни кемага қабул қилиш ва жойлаштириш**

81. Юкларни кемага юклашдан олдин жўнатиш порти томонидан юклар рўйхати тузилади ва порт раҳбари томонидан тасдиқланади.

82. Жўнатиш порти омборхоналаридаги юкларнинг ҳолати шкипер томонидан улар кемага юкланишидан олдин текширилиши шарт.

83. Назорат тасмалари ёки тамғалари бузилган, белгилари тўлиқ ва аниқ бўлмаган, шикаст етказилган тарали дона юклар мазкур камчиликлар бартараф этилгандан кейин юклашга қабул қилинади, юкларни мавжуд камчиликлар билан қабул қилиб олишга юк олувчининг ёзма розилиги бўлган ҳоллар бундан мустасно.

84. Юкларнинг камчиликлари транспорт(ташиш) ҳужжатида қайд этилиши шарт.

85. Кемани юклаш режаси шкипер томонидан юклар рўйхатига асосан ишлаб чиқилади.

86. Шкипер юкларни кемага қабул қилишдан олдин юклаш топшириқномаси тўғри тўлдирилганлиги ва юклар тўғрисида зарур маълумотлар мавжудлигини текширади ҳамда уларни жўнатиш порти томонидан тузилган юклар рўйхати билан солиштиради.

87. Юкларни кемага юклашдан олдин улар коносаментга асосан тури бўйича партияларга ажратилиши шарт.

88. Шкипер юкларни кемага қабул қилиш олдидан юкларнинг ташиш учун яроқлилигини текшириши, текшириш натижасида бирор-бир камчилик аниқланган тақдирда, уларнинг бартараф этилишини юк жўнатувчидан талаб қилиши шарт.

89. Юклар жўнатиш божхона пости ходими, омбор мудир, шкипер ва юк жўнатувчи иштирокида кемага юкланади.

90. Иш технологиясида камчиликлар юзага келган тақдирда, юклаш ёки тушириш ишлари мазкур камчиликлар бартараф этилгунга қадар шкипер томонидан тўхтатиб турилади.

91. Юклаш ёки тушириш даврида юкларнинг ҳисоби омбор мудир, юк қабул қилувчи-топширувчи, шкипер, жўнатиш ёхуд манзил божхона пости ходими ва юк жўнатувчи ёки юк олувчи томонидан олиб борилади.

92. Юкларнинг ҳисоби юкни тушириш, юклаш ва сақлашга қабул қилиш далолатномасида қайд этиб борилади.

93. Қўйидаги юкларни битта коносамент билан қабул қилишга ва қўшиб ташишга йўл қўйилмайди:

тез бузиладиган юкларни тез бузилмайдиган юклар билан;

ташиш даврида алоҳида режимни талаб қилувчи юкларни бундай режимни талаб қилмайдиган юклар билан;

божхона ва санитария назорати остида, шунингдек, бошқа махсус тартибда ташиладиган юкларни бундай тартиб татбиқ этилмайдиган юклар билан;

яроқлилиқ (сақлаш) муддати турли хил бўлган юклар билан.

94. Юкларнинг бир партиясини тўлиқ юклаб ёки тушириб бўлмасдан, бошқа юк партиясини юклаш ёки тушириш тақиқланади.

95. Манзил портга тушириш даврида аралашган ҳолда келганлиги аниқланган юклар бир вақтнинг ўзида партиялар бўйича ажратилган ҳолда туширилиши, мазкур ҳолат манзил порти ва юк олувчи томонидан шкипер иштирокида эркин шаклда тузиладиган далолатнома билан расмийлаштирилиши ҳамда далолатнома нусхаси жўнатиш портига юборилиши шарт.

96. Юклар транспорт (ташиш) ҳужжати асосида кема бортида топширилади ва қабул қилинади.

Зарур ҳолларда, юклаш ёки тушириш ишлари хавфсизлигини таъминлаш учун юк қабул қилувчи-топширувчи ва шкипернинг кема бортида бўлишига йўл қўйилмаса, юкларни қабул қилиш ёки топшириш қирғоқда - краннинг қулочи доирасида амалга оширилади.

97. Юкнинг умумий вазни ўлчаш ёки юк ўринларида кўрсатилган умумий вазни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

98. Юкнинг вазни, агар юк ташиш шартномасида бошқача усул кўрсатилмаган бўлса, ташувчи томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

Юк ташиш шартномасида юкнинг вазнини шартли равишда ёки кеманинг сувга ботишини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш назарда тутилади.

99. Юкларни бошқарув таркибисиз кемага юклаш ва ундан туширишда ҳужжатлар таркибисиз кема бириктирилган кеманинг бошқарув таркиби томонидан расмийлаштирилади.

### **3-§. Шикаст етказилган (бузилган), сақланмаган ёки бузилганлик аломатлари бўлган юкларни қабул қилиш ва топшириш**

100. Манзил портга шикаст етказилган (бузилган), сақланмаган ёки бузилганлик аломатлари бўлган юклар шкипер иштирокида манзил божхона пости ходими, юк қабул қилувчи-топширувчи ва юк олувчи томонидан қабул қилинади.

101. Қуйидаги ҳолларда юк қабул қилувчи-топширувчи томонидан тижорат далолатномаси тузилади:

юкнинг номи, оғирлиги ёки ўринлар сони транспорт (ташиш) ҳужжатида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаса;

юкка шикаст етказилган (бузилган) бўлса;

ҳужжатларсиз юк ёки юксиз ҳужжатлар аниқланса.

102. Юк олувчи юкни олиш учун шартномада кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда, тижорат далолатномаси тузилади ва ушбу далолатнома камида учта шахс - порт бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс, юк қабул қилувчи-топширувчи ва омборхона мудирини томонидан имзоланади.

Тижорат далолатномасининг бир нусхаси юк олувчига берилиши, иккинчи нусхаси эса беш кун ичида жўнатиш портига юборилиши шарт.

103. Юкни қабул қилиш юкни тушириш, юклаш ва сақлашга қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилган бўлса, соз тарадаги шикаст етказилган юк учун жўнатиш порти жавобгар ҳисобланади.

Шикаст етказилган (бузилган) ҳолда келтирилган юклар тўғрисида коносаментнинг орқа томонига тегишли ёзув киритилади.

104. Экспорт ёки импорт юкларни ташишда аниқланган камчиликлар юзасидан хабар-далолатнома расмийлаштирилади.

105. Тараси ёки ўрамларига, шунингдек, назорат тасмалари ёки пломбаларига шикаст етказилган юклар очиб текширилади, зарур ҳолларда бундай юклар шкипер, омбор мудирини ва манзил ёки жўнатиш божхона пости ходими иштирокида тегишли порт омборида қайта ўлчанади ва текшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

106. Ичидаги юкни олиш имкониятини истисно этадиган, лекин шикаст етказилганлик (бузилганлик) аломатлари мавжуд бўлган тарали дона юклар очиб текширилмасдан юкни тушириш, юклаш ва сақлашга қабул қилиш далолатномасида қайд этилади.

107. Тушириш ишлари тугагандан кейин шикаст етказилганлик (бузилганлик) аломатлари билан қабул қилинган юклар бўйича тижорат далолатномаси тузилади ва юк олувчининг аризасига кўра тегишли божхона режими жорий этилади.

108. Юклар туширилгандан сўнг манзил порт томонидан юкларни қабул қилинганлиги тўғрисида коносаментларга белги қўйилади ва улар шартномада белгиланган муддатда жўнатиш портига қайтарилади.

#### **4-§. Контейнерларни қабул қилиш ва топшириш**

109. Контейнерлар контейнер терминали мудирининг томонидан жўнатиш ёки манзил божхона пости ходими иштирокида сони, рақамлари, тамгалари ва кузовларининг бутлиги кўздан кечирилиб қабул қилинади ёки топширилади.

110. Кузов ичидаги юкни олиш имконини берадиган даражада шикаст етказилган ёки тамгаларининг изи аниқ бўлмаган контейнерлар кемага қабул қилинмайди.

111. Техник соз ва соз тамғада етказилган контейнер ичидаги юкнинг сақланиши учун юк ташувчи жавобгар ҳисобланмайди.

112. Кузов ичидаги юкни олиш имконини берадиган даражада шикаст етказилган ёки тамгаларининг изи аниқ бўлмаган ёхуд тамғаси бузилган контейнерлар юк қабул қилувчи-топширувчи ва контейнер терминали мудирининг иштирокида қўшма наряд томонидан манзил портида очилади ва текширилади.

113. Текшириш натижаси бўйича тижорат далолатномаси тузилгандан, тегишли ёзувлар коносаментга киритилгандан сўнг юк техник соз контейнерга юкланади ва божхона пости ходими ҳамда контейнер терминали мудирининг томонидан тамғаланади.

Кузов ичидаги юкни олиш имконини бермайдиган шикаст етказилган контейнерлар очилмайди, лекин шикастланиш тавсифи ва ўлчамлари кўрсатилган ҳолда тижорат далолатномаси тузилади.

114. Тамгаларининг изи аниқ бўлмаган ёки тамғаси бузилган контейнерлардаги юкларни текшириш ишлари бошқа юкларга ишлов бериш жараёнининг пасайишига олиб келса, контейнерлар божхона пости ходими томонидан юк қабул қилувчи-топширувчи ва контейнер терминали мудирининг иштирокида вақтинча муддатга тамғаланади.

Қўшма наряд вақтинча муддатга тамғаланган контейнерлардаги юкларни уч кун ичида юк қабул қилувчи-топширувчи, контейнер терминали мудирининг ва юк олувчи иштирокида текширади ва тижорат далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг контейнерлар божхона органи ходими ҳамда контейнер терминали мудирининг томонидан тамғаланади ҳамда тижорат далолатномасининг нусхаси юк олувчига берилади.

#### **5-§. Юкларни манзил порт томонидан қабул қилиш, сақлаш ва топшириш**

115. Манзил портга келган юклар порт омборларида божхона назорати остида сақланади ва юк ташиш шартномасига мувофиқ юк олувчига топширилади.

116. Манзил порт томонидан юк олувчига юк келган куни, юк белгиланган муддатдан олдин келган бўлса, кейинги куни соат 12:00 гача хабарнома юборилади.

117. Юклар юк кузатув хужжатларига асосан транзит ёки эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилгандан кейин юк олувчига топширилади.

118. Юк олувчи юкни порт омборидан юк ташиш шартномасида кўрсатилган муддатдан кечиктирмай олиб кетиши шарт.

Хавфли ва тез бузиладиган юклар кема бортидан тўғридан-тўғри юк олувчининг транспортига юкланади ва зудлик билан божхона назорати остида олиб кетилади.

119. Юк олувчилар томонидан ўз вақтида олиб кетилмаганлиги оқибатида манзил портда юклар йиғилиб қолганда, юклар сақлаш учун божхона органи билан келишилган ҳолда бошқа божхона омборларига жойлаштирилиши мумкин, бунда юкларни бошқа божхона омборига жойлаштириш юк олувчининг ҳисобидан амалга оширилади.

120. Юклар юк олувчига манзил порт томонидан уларнинг сони ва тараларнинг ҳолати текшириб топширилади.

121. Юкнинг вазни стандарт ёки юк жўнатувчи кўрсатган вазнга ёки ҳақиқий вазни юк ўринларида кўрсатилган вазнга мос келмаса, шикаст етказилган юк ўринларининг вазни текширилади.

122. Сочма ва тўкиб солинадиган юкларнинг вазни юк қабул қилувчи-топширувчи, омбор мудир, манзил божхона пости ходими томонидан юк олувчи иштирокида текширилади.

Тарози кўрсаткичларидаги юкнинг ҳақиқий вазнининг тафовути хужжатда кўрсатилган вазндан кам бўлмаса, шунингдек, табиий йўқотиш меъёрларидан ошмаса, юк тўлиқ деб ҳисобланади.

123. Юк олувчи томонидан коносамент бўйича ташилаётган юкнинг камомоди ёки унга шикаст етказилганлиги тўғрисида юк ташувчига ўз вақтида хабар берилмаган тақдирда, юк коносамент шартларига мувофиқ тўлиқ олинган ҳисобланади.

Юк олувчи томонидан юк ташувчи иштирокида кўриб чиқилган ва текширилган юк бўйича юк ташувчига хабар бериш талаб қилинмайди.

124. Манзил порт юк олувчи томонидан юк ташиш шартномасида белгиланган муддатда қабул қилинмаган ёки олиб кетилмаган юк тўғрисида юк жўнатувчига хабар бериши, юк жўнатувчи эса талаб қилинмаган юклар бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

125. Юк олувчи шикаст етказилган (бузилган) ёки яроқлилик (сақлаш) муддати ўтган юкларни олишдан бош тортса, агар юк ташувчи бунда ўзининг айбсизлигини исботлаб берса, юкни қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ харажатлар юк жўнатувчи ҳисобидан қопланади.

## **5-боб. Юк ташиш муносабатлари иштирокчиларининг жавобгарлиги**

### **1-§. Юк ташувчининг жавобгарлиги**

126. Юк ташувчи юкларни ташиш даврида етказилган зарар учун қонунчилик ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва юк ташиш шартномаси талабларига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

Юк ташувчининг қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларда белгилаб қўйилган жавобгарлигини чеклаш ёки бартараф этиш ҳақидаги келишувларига йўл қўйилмайди.

127. Агар юк ташувчи юкнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланишида (бузилишида) ўзининг айби йўқлигини исботлай олмаса, ташиш учун қабул қилиб олган юкнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки унга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун жавобгар бўлади.

128. Қуйидаги ҳолларда юк ташувчи айна шу ҳолат натижасида етказилган зарар учун жавобгар ҳисобланмайди:

юк жўнатувчи юкларни носоз ва нозик тараларда топширганлиги тўғрисида ёзма равишда кўрсатган бўлса;

йўқотиш кема палубасида ташишга рухсат берилган юкларда ташиш натижасида вужудга келган табиий йўқотиш меъёрлари доирасида бўлса ёки юк йўлда қайтадан тушириб юкланмаган, тегишли белгилари мавжуд соз тараларда ва техник соз кемада келган ёки юкларнинг сифатли ташилганлигини тасдиқловчи бошқа аломатлар мавжуд бўлса;

тез бузиладиган юкларни белгиланган режимни таъминламайдиган кемаларда ташишга юк жўнатувчи томонидан ёзма розилик берилган бўлса;

юк жўнатувчи сақлаш ёки ташиш даврида сақланиши алоҳида шартлар ва хавфсизлик чораларини талаб қиладиган юкларнинг алоҳида хусусиятларини транспорт (ташиш) ҳужжатида кўрсатмаган ҳолда ташишга топширган бўлса.

129. Юк ташиш шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, кеманинг ҳалокати ёки бошқа бахтсиз ҳодиса туфайли ташиш даврида йўқотилган юк учун ташиш ҳақи ундирилмайди, тўланган бўнак юк жўнатувчига қайтарилади.

Агар кема ҳалокатидан кейин юк сақлаб қолинган бўлса, юк ташувчига сақлаб қолинган юкни ташиганлик ва ҳақиқий босиб ўтилган масофа учун ҳақ тўланади.

130. Юк ташиш шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, юк ташиш вақтида етказилган зарар юк ташувчи томонидан қуйидаги миқдорда тўланади:

юк йўқолган ёхуд кам чиққан тақдирда - йўқолган ёки кам чиққан юкнинг қиймати миқдорида;

юкка шикаст етказилган (бузилган) тақдирда - унинг қиймати қанча пасайган бўлса, шунча сумма миқдорида, шикастланган (бузилган) юкни тиклаш мумкин бўлмаганида эса унинг қиймати миқдорида;

баҳосини транспорт (ташиш) ҳужжатида кўрсатган ҳолда ташишга топширилган юк йўқолган тақдирда - юкнинг транспорт (ташиш) ҳужжатида кўрсатилган қиймати миқдорида.

131. Юк ташувчи ҳақиқий зарарни тўлаш билан бирга йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) юкни ташиш учун олган ташиш ҳақини, агар у юкнинг баҳосига кирмаса, қайтариб беради.

132. Кема экипажи ва кемада бўлган бошқа шахслар томонидан кемадаги юклардан, истисно тариқасида, инсон ҳаётини, кемани ёки бошқа юкларни сақлаб қолиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилади.

133. Юкларни етказиб бериш муддати кечикканлиги учун юк ташувчи юк олувчи олдида қонунчилик ҳужжатларида ёки юк ташиш шартномасида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

## **2-§. Юк жўнатувчи ва юк олувчининг жавобгарлиги**

134. Юк жўнатувчи юк тўғрисидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги ёки нотўғрилиги, муомалада бўлиши ёхуд дарё транспортида ташилиши чекланган ёки тақиқланган юкни тақдим этганлиги, ташиш даврида сақланиши алоҳида шартлар ва хавфсизлик чораларини талаб қиладиган юклар тўғрисида юк ташувчини хабардор қилмаганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида ва юк ташиш шартномасида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар натижасида юзага келган оқибатларни бартараф этиш билан боғлиқ ишлар учун юк жўнатувчи томонидан ҳақ тўланади.

135. Юк жўнатувчи қуйидаги ҳолларда кеманинг туриб қолиши, шунингдек, бошқа зарарлар учун юк ташувчи ва учинчи шахслар олдида жавобгар ҳисобланади:

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар ўз вақтида топширилмаган, лозим даражада расмийлаштирилмаган ёки етарли бўлмаса;

транспорт (ташиш) ҳужжатидаги, юкни юклаш топшириқномасидаги маълумотлар нотўғри ёки тўлиқ бўлмаса;

юклар юк ташувчига ўз вақтида тақдим қилинмаса;

юк жўнатувчининг воситалари билан бажариладиган юклаш ишлари кечикса.

136. Кеманинг туриб қолганлиги учун айбдор бўлган юк жўнатувчи ёки юк олувчи юк ташувчига етказилган зарарни қоплаши шарт.

137. Ташиш ҳақи ўзининг табиий хусусиятлари, хусусан, ички бузилиши, қуриб қолиши, сочилиши, тўкилиши натижасида камайиши ёки бошқа физик-кимёвий хусусиятлари билан фарқланадиган юклар юк жўнатувчи томонидан яширилган, сифатсиз тараларга жойлаштирилган ёки юк жўнатувчига боғлиқ бошқа сабаблар оқибатида шикаст етказилган (бузилган) ва сақланмаган бўлса юк ташувчига тўлиқ тўланади.

### **6-боб. Якунловчи қоида**

138. Мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

